



QARSHI MUHANDISLIK -
IQTISODIYOT INSTITUTI

INNOVATION IQTISODIYOT

Ilmiy-amaliy elektron jurnal

ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА

Научно-практический электронный журнал

THE INNOVATION ECONOMY

Electronic Scientific and Practical Journal



2023 / 2



innoeconomic@qmii.uz



Qarshi shahri,
Mustaqillik ko'chasi 225 - uy



<https://ojs.qmii.uz/index.php/ej>



INNOVATSION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON JURNAL

2023-yil, 2-son



| | |
|--|--|
| <p style="text-align: center;">Muassis:</p> <p>Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti</p> <p style="text-align: center;">Tahririyat jamoasi:</p> <p>Bosh muharrir: O.SH.Bazarov</p> <p>Bosh muharrir o‘rinbosari: Professor R.X.Ergashev</p> <p>Mas’ul kotib: Dotsent G.T.Samiyeva</p> <p>Texnik muharrir: F.F.Haqqulov</p> <p style="text-align: center;"><u>Jurnal 1 yilda 4 marotaba elektron shaklda jurnalning rasmiy sayti orqali nashr etiladi.</u></p> <p style="text-align: center;">Tahririyat manzili: 180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko‘chasi 225-uy</p> <p>Tel.: +998 (75) 221 09 23 +998 (93) 902 72 63 Faks: +998 (75) 221 1395 E-mail: innoeconomic@qmii.uz Sayt: https://ojs.qmii.uz O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2023-yil 10-martda 068055-raqam bilan ro‘yxatga olingan.</p> <p>Terishga topshirilgan sana 26.04.2023 y. Chop etilgan sana 20.06.2023 y. Bichimi 60x84 1/8. Times garnituras. Shartli bosma tabog‘i 6,16 . Nashr bosma tabog‘i 7,05. Adadi 100. Buyurtma №53 QarMII “INTELLEKT” MIU nashriyotida chop etildi. Qarshi shahri, Mustaqillik ko‘chasi, 225.</p> | <p style="text-align: center;">TAHRIRIYAT KENGASHI:</p> <p>Tahririyat Kengashi raisi: O.Sh.Bazarov – Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti rektori, texnika fanlari nomzodi, dotsent.</p> <p>Tahririyat Kengashi raisining o‘rinbosari: R.X.Ergashev – Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti professori, iqtisodiyot fanlari doktori.</p> <p>Mas’ul muharrir: G.T.Samiyeva– Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti dotsenti, iqtisodiyot fanlari falsafa doktori.</p> <p>Tahririyat Kengashining xalqaro a‘zolari: V.N.Ovchikov - iqtisodiyot fanlari doktori, professor, akademik (Janubiy Federal Universitet, Rossiya) S.Y.Solodovnikov – iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Belorussiya milliy texnika universiteti) I.V.Shevchenko - iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Kuban davlat universiteti, Rossiya) X.X.Kusainov - iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Qozog‘iston davlat texnologiya universiteti) I.H.Samandarzoda - iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Sh.Shotemur nomidagi Tojikiston agrar universiteti) Dmitro Dema - iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Ukraina milliy universiteti, Jitomir)</p> <p>Tahririyat Kengashi a‘zolari: Q.X.Abdurahmonov – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, akademik S.S.Gulyamov - iqtisodiyot fanlari doktori, professor, akademik A.T.Yusupov - iqtisodiyot fanlari doktori, professor M.Q.Pardayev - iqtisodiyot fanlari doktori, professor A.V.Vaxabov - iqtisodiyot fanlari doktori, professor N.M.Maxmudov - iqtisodiyot fanlari doktori, professor F.X.Nazarova - iqtisodiyot fanlari doktori, professor O.Murtazaev - iqtisodiyot fanlari doktori, professor B.N.Navro‘z-zoda - iqtisodiyot fanlari doktori, professor O.Q.Xatamov - iqtisodiyot fanlari doktori, professor S.N.Xamrayeva - iqtisodiyot fanlari doktori, professor</p> <p style="text-align: center;">TAHRIRIYAT A‘ZOLARI:</p> <p>B.T.Salimov - iqtisodiyot fanlari doktori, professor. I.B.Rustamova - iqtisodiyot fanlari doktori, professor. A.F.Xurramov - iqtisodiyot fanlari doktori, professor. A.B.Xayriddinov – iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent. A.H.Berdiyev - iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent. Sh.Sh.Fayziyeva - iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent. X.S.Muxiddinov - iqtisodiyot fanlari doktori, professor. R.F.Omonov - iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent. S.R.Egamberdiyeva – iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent. A.D.Ravshanov - iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent. A.B.Qurbonov - iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent. I.E.Tursunov - iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent. A.T.Aliqulov - iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent. G.P.Erkayeva - iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent. S.A.Panjyev – pedagogika fanlari falsafa doktori, dotsent.</p> |
|--|--|

MUNDARIJA / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

| | |
|---|------------|
| NAZARIYA VA METODOLOGIYA | 4 |
| МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ | |
| <i>Э.Шавқиев</i> | 4 |
| “ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ” ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ ТУШУНЧАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ | |
| <i>Ҳ.Н.Очилова</i> - | 11 |
| ИҚТИСОДИЁТДАГИ ДАВЛАТ ИШТИРОКИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ | |
| <i>Б.Ш.Маматов, С.И.Маматова</i> | 19 |
| MINTAQA VA TARMOQLAR IQTISODIYOTI | 27 |
| УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЕ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА РЕСПУБЛИКИ ТАДЖИКИСТАН | |
| <i>И.Х.Самандарзода, М.Н.Халикова</i> | 27 |
| О‘ЗБЕКISTONDA OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASH ISTIQBOLLARI | |
| <i>G. T.Samiyeva</i> | 34 |
| CLASSIFICATION OF FACTORS AFFECTING THE STANDARD OF LIVING OF VILLAGE POPULATION | |
| <i>M. Y. Alimova</i> | 48 |
| ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ТОМОРҚА ЕРЛАРИДА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ | |
| <i>Н.А.Очилова</i> | 52 |
| OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA O‘SIMLIKCHILIK TARMOG’INI INNOVATSION RIVOJLANTIRISH | |
| <i>J.P.Pirimqulov</i> | 60 |
| KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIK | 67 |
| АГРОСАНОАТ МАЖМУИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ | |
| <i>А.Б.Қурбонов</i> | 67 |
| MOLIYA, KREDIT VA INVESTITSIYA..... | 77 |
| FOREIGN EXPERIENCE OF FINANCIAL SUPPORT OF AGRICULTURAL ENTERPRISES | |
| <i>M.Dustova, S.Ochilova</i> | 77 |
| EKONOMETRIKA VA STATISTIKA | 85 |
| TURISTLARNING SAYOHAT XARAJATLARI MATEMATIK SIMULYASIYASI | |
| <i>B.K.Janzakov</i> | 85 |
| XIZMATLAR SOHASI..... | 90 |
| KOMMUNAL XIZMAT KO‘RSATISHDA XARAJATLARNI OPTIMALLASHTIRISH | |
| <i>S.B.Boboqulov</i> | 90 |
| ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ МЕРОС БОЙЛИКЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ | |
| <i>Х.Қ.Самаров</i> | 98 |
| УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХО‘ЖАЛИКЛАРИДА SERVIS XIZMATLARINING O‘RNI VA ULARNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI | |
| <i>Sh.A.Yuldosheva</i> | 106 |

I. NAZARIYA VA METODOLOGIYA

UDK: 338.476

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Шавқиев Эркин - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтининг доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ

Шавқиев Эркин - доцент Самаркандского института экономики
и сервиса, кандидат экономических наук

MAIN DIRECTIONS OF INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE COUNTRY'S ECONOMY

Shavqiyev Erkin - associate professor at Samarkand Institute of
Economics and Service, candidate of economic sciences

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакат иқтисодиётининг инновациялар асосида ривожлантириш борасида юритилаётган сиёсат ёритилган, инновацион фаолиятда илм-фаннинг ўрни асосланган, инновацион тадбиркорликни ривожлантиришнинг зарурияти ва унинг вазифалари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: инновация, маҳсулот, технология, илм-фан, сиёсат, тадбиркорлик.

Аннотация. В данной статье освещена политика, проводимая в стране по развитию экономики на основе инноваций, обоснована роль науки в инновационной деятельности, показана необходимость и задачи развития инновационного предпринимательства.

Ключевые слова: инновация, продукция, технология, наука, политика, предпринимательство.

Annotation: This article highlights the policy pursued in the country to develop the economy based on innovation, the role of science in innovation is substantiated, also the need for the development of innovative entrepreneurship and its tasks are justified.

Key words: innovation, product, technology, science, politics, entrepreneurship.

1. КИРИШ

Ўзбекистонда иқтисодиётни инновациялар асосида ривожлантириш борасида юритилаётган сиёсат – умумдавлат сиёсати сифатида қаралади. Уни самарали амалга оширишда иштирок этувчиларнинг бутун фаолияти стратегик мақсадга – иқтисодиётни юксалтириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга бўйсундирилган.

Инновациялар асосини – илм-фан ташкил этади. Унинг ривожланиш даражасини эса, бу борада ҳал этиладиган вазифаларнинг чуқур илмий асосланган йўналишлари ҳамда уларни амалга ошириш учун оптимал шарт-шароитларнинг мавжудлиги тавсифлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Муро-

жаатномасида таъкидланганидек: “Мамлакатимиз учун илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб олишимиз керак. Ҳеч бир давлат илм-фаннинг барча соҳаларини бир йўла тараккий эттира олмайди. Шунинг учун биз ҳам ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш тарафдоримиз. ...Илм-фан ютуқларини электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозим. Ҳар бир Олий таълим ва илмий тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шарт” [1].

2. МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Давлатнинг инновацион ривожланиш борасидаги сиёсати – иқтисодий, социал, ташкилий ва тарбиявий чора-тадбирлар тизими бўлиб, булар илм-фанни ривожлантириш учун, унинг ютуқларини янги техника ва технологияларда мужассамлаштириш ҳамда унинг негизда мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини сифат жиҳатидан оғишмай такомиллаштириб бориш учун қулай шароитлар яратишга қаратилгандир. Мамлакатимизда инновацион тараққиёт масаласида юритилаётган сиёсатнинг моҳияти ана шундан иборат.

Республикаимизда иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари бўлиб – Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги” (2019 йил 29 октябрь) [2] ва “Инновацион фаолият тўғрисида”ги (2020 йил 24 июль) Қонунлари [3], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-3682-сонли ҳамда 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” ПҚ-3698-сонли Қарорлари [4] ҳисобланади.

Инновация муаммоси доирасида чет эллик ҳамда мамлакатимиз олимлари томонидан чоп этилган аксарият адабиётларда “инновация” атамасига “янгилаштиришга қилинган инвестиция”, “янги жараён, маҳсулот, хизматларни амалий ўзлаштириш натижаси”, “янги техника ёки технологияга, меҳнатни ташкил қилишга, хизмат кўрсатишга, бошқарувга ва бошқа мақсадларга киритилган капиталдан олинган моддий ҳамда номоддий мулк” каби мазмундаги изоҳлар келтирилган. Шунингдек, инновацияга янгиликни яратиш, ўзлаштириш ва тарқатиш жараёнлари, бу

жараёнларни ўзида мужассамлаштирувчи фаолият сифатида ҳам таърифлар берилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, инновацион фаолиятга киритилган капитал самараси, нафақат моддийлашган, балки айти пайтда номоддий кўринишда ҳам бўлади.

Айрим адабиётларда инновацион фаолиятга қилинган инвестициялар моддийлашган натижани бериши билан чегараланади холос. Жумладан, И.Т.Балабановнинг фикрича: “Инновация – капитални янги техника ёки технологияга, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнат, хизмат кўрсатиш ва бошқарувнинг янги шаклларида, жумладан, янги назорат ва ҳисоб шакллари, режалаштириш ва таҳлил усулларига киритилган олинган, моддий тус олган натижадир” [5].

С.Н.Хамраеванинг фикрича, “Инновация – бу фан ютуқлари ва илғор тажрибадан фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ривожлантириш жараёнлари, янги истеъмол хусусиятларга эга бўлган маҳсулотларини (товар, маҳсулот, техника, технология, бошқа ташкилий шакл ва воситалар) шакллантириш, амалиётга жорий этишга асосланган инвестицион ва ижодий фаолиятнинг моддийлашган якуний натижаси бўлиб, бозор ва ижтимоий эҳтиёжларнинг қондирилишига кўмаклашади, харажатларни иқтисод қилади ва инсонларнинг турли хил ҳаёт ва фаолият соҳаларида турлича самара беришини таъминлайди” [6].

“Инновация – бу инсоннинг тасаввурларида, ижодида ”пишиб” этилган, ақлий меҳнатнинг якуний натижаси сифатида ихтиро қилинган, жорий қилинган, киритилган, ишлаётган моддий ва номоддий кўринишдаги мулкни ифодаловчи тушунчадир” [7].

“Инновация – иқтисодий категориядир. У ишлаб чиқариш ва янгиликларни амалга оширишнинг энг умумий хусусиятлари, белгилари, алоқаси ва муносабатларини ифодалайди” [7].

Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида:

- инновация – фуқаролик муомаласига киритилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган, қўлланилиши амалиётда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлайдиган янги ишланма;

- янги ишланма – мавжуд ўхшаш интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан янги белгиларга эга бўлган, амалда қўллаш мумкин бўлган ва амалиётда ундан фойдаланганда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлай оладиган интеллектуал фаолият натижаси (ишлаб чиқариш, маъмурий, тижорат ёки бошқа хусусиятга эга янги ёки мукамал технология, хизмат ва ташкилий-техник ечим)” эканлиги қайд этилган [3].

Кўпгина иқтисодий адабиётларда Йозеф Шумпетерни биринчилардан бўлиб инновацион жараёнларнинг таърифини, турларини ва умуман инновацион фаолият назариясига муҳим ҳисса қўшган олим сифатида таъкидлашади. У ижод қилган даврда инновация ҳақида фикр юритилмаган, аммо иқтисодиётни ривожлантиришда “самарали усул”, “янгилик”, “таъсирли”, “қўллаш” каби тушунчалардан фойдаланилган.

“Инновацион фаолият – янги ишланмаларни ташкил этиш, шунингдек ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг ўтказилиши ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича фаолият”дир [8].

Янги техника ва технологияларни ҳамда янги маҳсулот намуналарини яратишда йирик корхоналарнинг алоҳида ўрни бор. Уларда, “... биринчидан, фан-техника ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш асосида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд, иккинчидан, янги маҳсулот турларини ихтиро этиш нуктаи назаридан, илмий-қидирув лабораториялари фаолиятини йўлга қўйиш мумкин. Бу йўсиндаги ишлар, табиийки, мамлакатда фан-техника тараққиётининг ривожланишига йўл очиб беради” [8]. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳар қандай тадбиркорлик ҳам инновацион бўла олмайди. Фақатгина инновацион фаолиятни

амалга оширувчи ташкилотлар инновацион тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

Инновация – тадбиркорликнинг алоҳида курали, тадбиркорона фикрлаш инновацион кўринишидир. “... инновация ва янгиликлар инновациявий фаолият натижасида юзага келади, улар ўзаро боғлиқ ва бири иккинчисисиз мумкин эмас. Уларнинг асосий фарқи шундаки биринчи ҳолатда – янги маҳсулот шаклланиши жараёни рўй берса, иккинчисида – уни тижоратлаштириш жараёни амалга оширилади” [9].

3. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мақолада мавзу доирасидан келиб чиққан ҳолда илмий ва назарий ёндашувлар ўрганилиб, мушоҳада қилинган. Тадқиқотда қўйилган мақсадга эришиш учун йўналиш танлаб олинган. Бирламчи ҳамда иккиламчи маълумот манбаларини чуқур ўрганиш ва асослаш учун тадқиқот стратегияси белгилаб олинган. Мақолани ёзишда тадқиқот методологиясининг қиёслаш, умумлаштириш каби усулларида фойдаланилди.

4. ТАҲЛИЛЛАР ВА АСОСИЙ НАТИЖАЛАР

Инновацион фаолият – жуда мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. У мавжуд техникани такомиллаштиришни, янги, анча самарали техникани, технологияни, хом ашёни, материалларни яратиш ва жорий қилишни, шунингдек, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишни яхшилашни ўз ичига олади. Фан-техника тараққиёти – ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи йўналишларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, илмий тадқиқот ишлари ва инновацион фаолиятни молиялаштириш турли манбалар ҳисобидан амалга оширилади, жумладан, давлат бюджетидан. Кейинги йилларда фанни ривожлантириш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳажми сезиларли даражада ўсмоқда: 2015 йилдаги 216,7 млрд. сўм, 2020 йилда эса 867,1 млрд. сўм бўлган. Давлат бюджети

харажатлари таркибида фан учун ажратилган маблағар ҳиссаси 0,60 фоизни ташкил этган.

“Бу йил илм-фан ва инновацияларга 1,5 триллион сўм йўналтирилди. Бу – 2017 йилга нисбатан қарийб 6 баробар кўп дегани. Олимларнинг иш ҳақи ҳам 4,5 баробар оширилди. Буларнинг барчаси ҳисобидан нано ва биотехнологиялар, рақамли геология каби 18 та янги илмий йўналиш ташкил этилди. Келгуси йили илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм ажратилади” [1].

Илм-фан ва инновацияларнинг мамлакат социал-иқтисодий ривожига ҳал қилувчи омил эканлигини англаган ҳолда фан-техника тараққиётини ташкил этиш ва бошқариш, маблағ билан таъминлаш ва рағбатлантириш борасида давлат сиёсатини юритиш долзарб ҳисобланади.

Фан-техника тараққиётини тавсифловчи инновациялар хилма-хил бўлиб, улардан энг муҳимлари қуйидагилардир:

- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, меҳнатни илмий ташкил қилишнинг янги технологиялари ва усулларини жорий қилиш;

- ишлаб чиқаришда, бошқаришда, фанда ахборот-технологияларидан кенг фойдаланиш;

- табиатда мавжуд бўлмаган материалларни яратиш усуларининг кашф этилиши;

- ишлаб чиқаришни роботлаштириш;

- энергия (қуёш, шамол энергияси ва бошқалар) янги турлари ва манбаларининг кашф этилиши ва бошқалар.

Миллий иқтисодиётининг ҳамма тармоқларида, жумладан, саноат ишлаб чиқаришида химия соҳасидаги илм ютуқларидан кенг фойдаланиш доимо долзарб бўлган: хусусан, хом ашё ва материалларни қайта ишлашда химик усуллардан фойдаланиш. Химиялаштириш ёрдами билан олдиндан кутилган кўринишдаги материалларни тайёрлаш мумкин. Масалан, бўёқ ва лаклар, синтетик каучук, синтетик тола, пластмассалар ва ҳоказолар.

Мамлакатимизда фан-техника тараққиётининг асосий йўналишларидан яна бири – ахборот технологияларидан иқтисодиётнинг барча соҳаларида фойдаланиш ҳисобланади. Бу ишлаб чиқаришда инсон меҳнатини камайтириш, бошқаришда тезкор ва сифатли ахборот воситаларига эга бўлиш учун йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш каби имкониятларни беради.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида замонавий технологияларни қўллаш ижобий натижаларга олиб келиши мумкин. Шу сабабдан ҳам янги технологияни тадбиқ этиш – сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради деган фикр доимо мавжуд. Аммо ҳар қандай янги технологияни ҳам ишлаб чиқаришга тадбиқ этавериш иқтисодий жиҳатдан самарали бўлавермаслиги мумкин. Буни аниқлаш учун янги технологияни биронта ишлаб чиқариш корхонасида жорий этиш ва унинг натижасини ҳисобкитоб қилиши керак бўлади.

Янги технология иқтисодий самарадорликни таъминласагина уни тезда жорий қилиш керак, акс ҳолда эса, янги технологияни жорий қилишдан ҳеч қандай наф бўлмайди. Иқтисодий самарадорлик эса қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$ИСф = (ЯМ2 - ЯМ1) * МХ,$$

Бу ерда:

ИСф – иқтисодий самарадорлик (фойда) сўм ҳисобида;

ЯМ1 – янги техникани қўллашгача ялпи маҳсулотнинг таннархи.

ЯМ2 – янги техникани қўллашдан кейинги даврдаги ялпи маҳсулотнинг таннархи.

МХ – ҳисобот даврдаги маҳсулот ҳажми.

Формулада $ЯМ2 > ЯМ1$ бўлсагина янги технологияни қўллаш, корхона, фирма иқтисодий самара бериши мумкинлиги тушунилади.

Мамлакатимизда илм-фан бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиб бормоқда. Илмий изланишлар натижалари – иқтисодий

муаммолар ечимига айланади, техника, технология ва материалларнинг янги турларини яратади.

Ижодкорлик – тадбиркорлик вазифаларидан бири бўлиб, тадбиркорлик фаолиятида доим мавжуд бўлиши шартдир. Инновацион тадбиркорлик – капитални йўналтиришнинг янги соҳаларини излаш, мавжуд маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва янгиларини яратиш, шахсий устуворликни таъминлаш, даромад олиш учун турли имкониятлардан самарали фойдаланишдир.

Инновацион тадбиркорликнинг энг муҳим ва шу билан бирга энг мураккаб вазифаси – янги ғояларни излаш ва уларни татбиқ этишдир. Чунки, бу ҳолда тадбиркордан нафақат ижодий фикрлаш ва янги ечимларни топиш, балки истиқболли фикрлаш, келажакдаги жамиятнинг эҳтиёжларини кўра олиш хусусиятини ҳам талаб этади. Инновацион тадбиркорликнинг ривожланиши истеъмолчилар томонидан инновацияларга, миллий иқтисодиётнинг илмий-техник салоҳияти ривожланиши, таваккал инновацион фаолиятни молиялаштирувчи венчур корхона (фирма) ва инвесторлар фаолиятига боғлиқ.

Венчур корхона (фирма)ларининг асосий вазифалари:

- илмий муҳандислик ишларини бажариш;
- янги техника, технология, товар намуналарини яратиш;
- ишлаб чиқаришни бошқариш;
- тижорат ишини ташкил этиш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
- йирик корхона (фирма)лар ва давлат ижара контракти буюртмаларини бажариш каби ишларни амалга оширадilar.

Венчур корхона (фирма)лари бу вазифаларни давлат ва йирик фирмалар буюртмасига биноан контракт-битимлар асосида бажаришади. Венчур корхоналар техниканинг янги йўналишларида фаоллик кўрсатади ва бу билан фан-техника тараққиётига ўз ҳиссасини қўшади.

Инновацион тадбиркорлик – ғоя ва ихтиролардан амалий фойдаланиш орқали янги маҳсулот ва технологиялар яратиш жараёни ҳисобланади. Одатда, тадбиркорлик фаолияти замирида янги эҳтиёжларни қондиришга имкон берувчи, янги бозорни барпо этиш, маҳсулот ёки хизматлар соҳасига янгилик киритишдир.

Инновациялар – тадбиркорликнинг маҳсус қуроли бўлиб, бунда инновациялар ўз ҳолича эмас, балки янгиликларни йўналтирилган ташкилий излаш, уларга тадбиркорлик таркибларининг мунтазам қаратилганлигидир. Тадбиркорлар фикрлашнинг инновацион турини фарқлайди, инновацион фаолият эса ўзида тадбиркорликнинг алоҳида қуролини акс эттиради.

Инновацион тадбиркорлик – янгилик яратишнинг алоҳида ижодкорлик жараёнидир. Унинг замирида мунтазам янги имкониятларни излаш, инновацияларга йўналтирилганлик ётади. Бу янги лойиҳаларни амалга ошириш ёки мавжуд лойиҳани такомиллаштиришдаги таваккалчиликни, шунингдек, бу жараёнда юзага келадиган молиявий, маънавий ва социал жавобгарликни тадбиркор ўз зиммасига олишга тайёрлиги билан боғлиқ.

Инновацион тадбиркорлик жараёнида янги технологиялар воситасида янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Янгилик ижод қилувчи тадбиркорнинг вазифаси – ихтироларни тадбиқ этиш билан бирга ишлаб чиқаришни ислох қилишдир, яъни янги технологик имкониятларни қўллаш орқали янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш эвазига эски маҳсулотларни янги услубда ишлаб чиқаришдан иборатдир.

Инновация ёки янгилик киритиш янги жараён, янги воситани маҳсулот жараёнини (техник, иқтисодий, ташкилий, маданий ва бошқалар) яратиш ва фойдаланиш. Фаолият воситалари маҳсулот ва услубларини такомиллаштирувчи тубдан (бутунлай) янгилик ва янгиликларни ажратади.

Инновацион тадбиркорликнинг қуйидаги асосий тури мавжуд:

- маҳсулот инновациялари;
- технологик инновациялар;
- социал инновациялар.

Маҳсулот инновациялари – корхонанинг сотиш салоҳиятини ошириш, мижозларни ушлаб туриш, бозордаги улушини кенгайтириш, олинадиган фойда ҳажмини кўпайтириш, молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, нуфузини ошириш, янги иш жойларини яратишга қаратилган.

Технологик инновациялар – ишлаб чиқариш салоҳиятини янгилаш жараёни ҳисобланади. У меҳнат унумдорлигини оширишга, энергия, хом ашё ва бошқа ресурсларни тежашга қаратилган бўлиб, корхона фойда ҳажмини оширишга имкон беради. Шунингдек, техника хавфсизлигини такомиллаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш, корхона ички ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

Социал инновациялар – корхонанинг социал муҳитини режали яхшилаш жараёнидир. Бу турдаги инновацияни татбиқ этиш бозорда ишчи кучи имкониятларини янада кенгайтиради, ташкилот ходимларини кўйилган мақсад сари сафарбар этади, корхонанинг социал мажбуриятларга нисбатан ишончини мустаҳкамлайди.

Инновацион тадбиркорликнинг барча турлари асосида маҳсулотларнинг янги турларини тайёрлаш ва ўзлаштириш ётади. Бундай тадбиркорликнинг асосий мақсади – истеъмолчи (харидор)ларга етказиб бериладиган илмий-техник маҳсулот, ахборот, интеллектуал бойлик яратиш ва ишлаб чиқаришдир.

Инновацион тадбиркорлик натижасида янги тайёр маҳсулот юзага келади. Уни инновацион фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари (инновацион фаолиятни амалга оширишдаги сарф-харажатлар ва даромадини ўз ичига олган нархда) инновацион

маҳсулот истеъмолчиси бўлган корхоналарга сотади.

Мамлакатимизда инновацион фаолликни оширишда давлатнинг роли ўта муҳим ҳисобланади. Бу фақат Ўзбекистонга хос кўриниш эмас, балки дунёда инновацион фаол ҳисобланган мамлакатларда ҳам инновацион муҳитни яхшилаш ва инновацион тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сўнгги олти йилда АҚШ, Россия, Хитой, Туркия, Франция, Жанубий Корея ва яқин қўшни давлатларга амалга оширилган ташрифларида, бу мамлакатларнинг тадбиркор-ишбилармонлари билан бизнес форумлар ўтказиб, уларни мамлакатимиз иқтисодиётига молиявий ва интеллектуал капитал киритишга бўлган қизиқишларини ошириш сиёсатини юритмоқда.

Хорижий давлатлар билан тузилган шартномаларга кўра:

- Россия билан ҳамкорликда Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида нефть ва газ конларини қидириб топиш ва ўзлаштириш;
- Туркия билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кластер асосида ташкил этиш, текстил ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш;
- хорижий технологиялар асосида гидропоник усулда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва бошқа шу сингари лойиҳалар мамлакатимиз саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳисобланади.

5. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамлакатимиз иқтисодиётида йирик моддий, молиявий ва интеллектуал ресурслар тўпланган. Фан-техника тараққиёти – ишлаб чиқариш кучларининг тараққиётига ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг янада чуқурлашига ёрдам бермоқда, бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг якуний натижаларига катта таъсир кўрсатмоқда. Албатта,

бундай жиҳатлар инновацияларга асосланган ишлаб чиқаришга хосдир.

Инновацион фаолиятда, бир томондан янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотни, шунингдек, янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёни яратган инноваторлар турса, иккинчи томонда эса, уни қўллаш асосида янги ёки такомиллашган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган субъектлар туради. Бу субъектлар ўзаро боғлиқ ва улар ўртасида ўзига хос меҳнат тақсимоти мавжуд.

Бу йўсиндаги меҳнат тақсимотининг бўлишлиги жамият учун аҳамиятлидир. Чунки, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотни, янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёни яратувчи инноватор ўз ишланмаларини амалиётга бевосита ўзи жорий этиш ҳамда маркетинг ишлари билан шуғулланса, янги ғоя ишлаб чиқиш жараёнининг секинлашиши ёки бутунлай тўхтаб қолиши мумкин. Шу сабабдан ҳам инновацион ғояларни ишлаб чиқарадиган субъектлар билан бир қаторда, янги ғояларни охирига етказиш билан шуғулланувчилар, яъни инновацион тадбиркорларнинг бўлиши ўта аҳамиятлидир. Инновацион тадбиркорлик – иннова-

цион фаолият инфратузилмасининг ажралмас қисмидир.

Бугунги кунда мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида инновацияларни қўллашга кўмаклашувчи ишлаб чиқаришнинг интенсив омили ролини ошириш;

- ишлаб чиқиш самарадорлигини таъминловчи илм-фаннинг ролини кучайтириш ва шу асосда янги техника-технологияларни жорий этиш;

- иқтисодиётнинг барча соҳаларида илмий техника таъминоти даражасини кўтариш, ихтирочилик ва рационализаторликни ривожлантириш;

- иқтисодиётнинг тармоқлари ва соҳаларида сарф-харажатни камайитиришга йўналтирилган замонавий рақамли технологияларни тадбиқ этишни кучайтириш ва ҳоказо.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг келажакдаги тараққиёти – инновацион ривожланишнинг устувор йўналишларига таянишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, - //Халқ сўзи, 25 январь 2020 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги” Қонуни
3. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида” ги Қонуни, 2020 йил 24 июль.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисидаги” ПҚ-3698- сонли Қарори
5. Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент: Учеб. пособие для вузов. – СПб: Питер, 2001. – 304 стр.
6. Хамраева С.Н. Қишлоқ инфратузилмасини инновацион ривожлантириш: Монография; - Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2017. – 256 бет.
7. Шавқиев Э. Саноат иқтисодиёти (ўқув қўлланма). – Самарқанд: “STAP-SEL” MChJ. Nashriyot-matbaа бўлими, 2022, 181 бет
8. Шавқиев Э.Ш. Тадбиркорлик – аҳоли фаровонлигини оширишда асосий омил. //Хизмат кўрсатиш соҳасини модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш: муаммо ва ечимлар. Монография. Муаллифлар жамоаси – Т.: “Fan va texnologiya”, 2019, 104 бет.
9. Эргашев Р.Х. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг илмий-назарий ва ҳуқуқий асослари. //Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш истиқболлари. Монография. Муаллифлар жамоаси. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2019, 13 бет.

UDK: 37.091.3

“ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ” ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ ТУШУНЧАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ҳилола Нематовна Очилова - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Менежмент” кафедраси ўқитувчиси.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ «ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УСЛУГ» И СМЕЖНЫХ ПОНЯТИЙ

Хилола Нематовна Очилова – преподаватель кафедры «Менеджмент»
Самаркандского института экономики и сервиса

THEORETICAL ISSUES OF "EDUCATIONAL SERVICES" AND RELATED CONCEPTS

Khilola Nematovna Ochilova - Lecturer, Department of Management,
Samarkand Institute of Economics and Service

Аннотация. Мақолада “таълим хизматлари” ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг, хусусан, таълим, таълим сифати, билим, хизмат, таълим хизматлари, олий таълимда таълим хизматлари каби тушунчаларнинг назарий масалалари тадқиқ қилиниб, уларнинг таърифлари ишлаб чиқилган. Таълим хизматлари бўйича мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг таърифлари назарий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Булар асосида муаллиф таърифи шакллантирилган.

Калит сўзлар: таълим, таълим сифати, билим, хизмат, таълим хизматлари, олий таълимда таълим хизматлари, миқдор ва сифат.

Аннотация. В статье исследуются теоретические вопросы «образовательной услуги» и связанных с ней понятий, в частности, разрабатываются такие понятия, как образование, качество образования, знания, услуга, образовательные услуги, образовательные услуги в высшей школе, и их определения. Теоретически исследованы определения образовательных услуг нашей страны и зарубежных ученых. На их основе формировалось определение автора.

Ключевые слова: образование, качество образования, знания, услуга, образовательные услуги, образовательные услуги в высшей школе, количество и качество.

Annotation. The article researches the theoretical issues of "educational services" and related concepts, in particular, such concepts as education, quality of education, knowledge, service, educational services, educational services in higher education, and their definitions are developed. Definitions of educational services of our country and foreign scientists are theoretically researched. Based on these, the definition of the author was formed.

Key words: education, quality of education, knowledge, service, educational services, educational services in higher education, quantity and quality.

1. КИРИШ

Таълим соҳасига дунёнинг барча давлатларида, олдин ҳам, ҳозир ҳам келажакда ҳам катта аҳамият бериб келинган ва бу давом этмоқда. Шу боис, Мухтарам Президентимиз таъкидлаганидек, “биринчи навбатда, эътиборни Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга қаратамиз”[1], - деб таъкидлади. Чунки, маърифатпарвар жадид боболаримиз таъкидлаганидек, “Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот –

билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади” [1]. Ҳақиқатда бу сўзлари депутат ва сенаторларимиз, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бутун давлат аппарати, кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракатига айланиши керак. “Шу боис, мактабларда таълим сифати ҳамда жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, муаллимларнинг шароитларини яхшилаш 2023 йилдаги энг асосий вазифаларимиздан бири бўлади” [1], деб таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев қайд этганидек, энг улуғ даргоҳ таълим даргоҳи бўлса, энг улуғ касб педагог касбидир. Буларни инобатга олиб, ЎзР Президентининг 2019 йил 9 октябрда “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Ушбу Концепция 4 бобдан иборат бўлиб, бунда қуйидагилар ўз аксини топган. Умумий қоидалар, ҳозирги кунда республикамиздаги олий таълим тизимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар, олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари ва келажакда Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалардан иборат. Буларни амалга ошириш учун масаланинг назарий ечимларига эътиборни қаратиш лозим. Бу эса ушбу мавзунинг долзарблигини белгилайди.

2. МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Бугунги кунда дунё миқёсида таълим соҳасига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Чунки таълим соҳасининг такомиллаштиришга муҳтож томонлари кўплигича давом этмоқда. Шу туфайли таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини оширишнинг назарий масалаларига бағишланган илмий-тадқиқот ишлар билан иқтисодчи олимларимиз ҳам шуғулланиб келмоқда. Булар жумласига С.С.Ғуломов [2], Р.Х.Аюпов [3], М.Э.Пўлатов, А.В.Вахабов, М.Х.Саидов [4], М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, О.М.Пардаев [5], М.М.Мухаммедов [6], Б.И.Исроилов [7],


А.О.Очилов [8], Б.Ш.Усмонов [9], О.Т.Қаҳҳаров [10] кабиларни киритиш мумкин. Бироқ, таълим, таълим хизматлари, олий таълимда таълим хизматлари каби тушунчаларнинг назарий масалалари мамлакатимиз олимлари томонидан етарли даражада тадқиқ қилинмаган ва мос равишда адабиётларда ҳам кам ёритилган.

3. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Таълим, таълим хизматлари, олий таълимда таълим хизматларининг назарий масалаларини тадқиқ қилиш жараёнида миқдор ва сифат, индукция ва дидукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез мантикий таҳлил каби услублардан ва ёндашувлардан фойдаланилди.

4. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ҳозирги кунда ҳар бир соҳада ривожланиш жуда тез суръатлар билан амалга оширилмоқда. Худди шунингдек таълим соҳасида таълим хизматларини кўрсатишни такомиллаштириш долзарб вазифалардан бирига айланган. Чунки ОТМда хизмат кўрсатиш даражаси сифатли бўлса, шундагина етук, билимли, салоҳиятли замон талабига жавоб берадиган кадрлар тайёрланади. Биз олий таълимда хизмат кўрсатувчи кадрларимиз қанчалик билимли, салоҳиятли бўлса, таълимда ривожланиш бўлади. Таълими ривожланган юрт албатта юксалади, ривожланади. Эндиги вазифа таълим соҳасини миқдор даражага етказиб юқори сифатга эришишга қаратилмоқда. Бу қуйидаги расмда ўз ифодасини топган (1-расм).



1-расм. Таълимда миқдор ва сифат ўзгаришининг жамият юксалишига олиб келишининг ўзаро боғлиқлиги*

* муаллиф томонидан ишланган

Ҳозирги кунда мамлакатимизда таълим муассасалари ва ёшларнинг қамров даражаси

охирги беш йилда кескин ошди. Олий таълим муассасалари сони 2017/2018 ўқув йилига

нисбатан 2021/2022 ўқув йилида 72 тадан 154 тага етказилди. Ёшларнинг қамров даражаси 2017/2018 ўқув йилига нисбатан 2021/2022 ўқув йилида 297689 кишидан 808439 кишига, яъни 2,7 бараварга ошди [11]. Ушбу кўрсаткичлар микдорий ўзгаришлардир. Эндиги асосий вазифалардан бири сифатий ўзгаришларга қаратиш лозим бўлмоқда. Шу туфайли мазкур масаланинг назарий жиҳатларига ҳам эътиборни қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳар бир ҳодиса, жараён ёки иқтисодий категория бўлса, уларнинг энг аввало, назарий жиҳатларини тадқиқ қилмасдан, буларга аниқлик киритмасдан, бирорта амалий натижага эришиш ва унинг ўзариш стратегиясини тўғри ишлаб чиқиш қийин кечади.

Ҳозирги кунда “таълим хизматлари” тушунчаси ҳар хил талқин қилинади. “Таълим” ўзи нима? Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги 637-сон қонунининг 1-боб 3-моддасида “Таълим – таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар беришга, шунингдек уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён” [12] деган тушунча берилган.

Таълим ҳақида тухталишимизга сабаб, таълим хизматларининг моҳиятига етиш учун олдин таълимнинг мазмунини англаб етишимиз лозим. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Таълим” сўзи – ўргатиш, ўқитиш, илм бериш; маълумот маъноларини англайтиб, “Таълим” ибораси бир неча мазмунда қўлланилиши эътироф этилган. Масалан: 1. Билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси. 2. Илм-фан ёки касб-хунар соҳалари бўйича эгалланадиган, олиннадиган маълумот ва кўникмалар мажмуи; билим. 3. Тарбия, одоб-ахлоқ. 4. Кўрсатма, йўл-йўриқ, ўргатув [13], деган мазмун берилган.


Демак, таълимнинг таърифи: *таълим деганда, билим бериш, инсонни жамиятга ва меҳнатга тайёрлашда содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ҳодисаларни тўғри англаши учун малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёнлар мажмуи тушунилади.* Ушбу жараёнда маълумот олинади, ҳамда таълим ва тарбия амалга оширилади. Таълим тор маънода ўқиш тушунчасини англатади деймиз, лекин у фақат ўқув юртларида ўқитиш жараёни эмас, балки оилада, жамиятда, ишлаб чиқаришда, хизмат кўрсатиш жараёнларида ҳам маълумотлар берилишини ҳам билдиради.

Таълим ҳақида сўз кетганда, аввало билим олиш жараёнини англади. Чунки таълим жараёнида билим берилади. Билими бор одам бошқа бир одамга таълим бериш қобилиятига эга бўлади. Билимсиз одам таълим хизмати кўрсата олмайди. Таълим хизматларини кўрсатиш учун ҳам билим кераклигидан келиб чиқиб, ушбу сўзга тўхталишни лозим топдик. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Билим” сўзи икки хил талқин қилинган: 1. Обьектив борлиқ ҳақидаги ёки муайян (илмий, маданий, маърифий, маънавий, ҳарбий ва б.) соҳаларга оид илмий, амалий маълумотлар, тушунчалар мажмуи; илм. 2. Ўқимишлилик даражаси, маълумот, қобилият (эрудиция) [14].

Билим деганда, кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида ҳосил қилган маълумотлари, содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган воқеликларнинг инсон тафаккури орқали англаш ва тегишли хулоса чиқара олиш қобилиятини ҳосил қилувчи маълумотлар мажмуи тушунилади. Кундалик тасаввуримизда ниманинг нима эканлигига ишонсак ва бу ишончимиз биз одатланган воқеа ва ҳодисаларга зид келмаса бундай ишонч билим ҳисобланади. Воқелик ҳақидаги билган маълумотларимиз билим даражасига кўтарилиши учун куйидаги шартларни қаноатлантириши лозим: бу маълумотларнинг воқеликка мутаносиблиги, етарли даражада ишончли бўлиши, бу маълумотларнинг

мотлар далиллар билан асосланган бўлиши лозим [15]. Билим ўзи нима эканлигини, уни қан-дай билиш мумкинлигини, ва нимани билиш кераклигини тушуниб олишимиз


керак ва таълим бериш жараёнида шу нарсаларга эътиборни қаратмоғимиз лозим. Бу ҳолатнинг кетма-кетлиги қуйидаги расмда келтирилган (2-расм).



2-расм. Эҳтиёжнинг талабга айланиши ва таълим хизматлари кўрсатишга таклиф бериш¹

Билим ва илмнинг шаклланиши таълимга олиб келади. Таълим мантиқан талқин қилинганда икки гуруҳга бўлинади, яъни: таълим бериш ва таълим олиш. Таълим бу бир умрлик билим олиш жараёни. Бу жараён таълим хизматларидир. Таълим

хизматларини кўрсатиб, даромад олиши, натижада ҳаёти фаровон, иззат-хурматга сазовор бўлиши мумкин. Буларнинг ўзaro боғлиқликлари ва жараёнларнинг кетма-кетлиги қуйидаги расмда келтирилган (3-расм).



3-расм. Билим ва таълимнинг натижадорлиги²

Таълимни етказиб бериш учун алоҳида “хизмат”ни амалга ошириш лозим. Иккаласи биргаликда таълим хизматларини ташкил қилади. Бунга изоҳ беришдан олдин хизмат тушунчасини изоҳлаш, мақсадга мувофиқдир. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Хизмат” ибораси бир неча мазмунда қўлланилиши эътироф этилган: 1. Бирор иш ёки меҳнат билан шуғулланиш; бирор ишни бажариш; иш, меҳнат. 2. Бировга ёрдам кўрсатиш; ҳолисона қилинган иш, ёрдам; яхшилик. 3. Бирор ташкилот, муассаса ёки корхонада бажариладиган иш, вазифа; лавозим; шундай жойда ишлаш. 4. Иш, топшириқ, вазифа. 5. Сўроқ оҳанги билан айтилиб, “Менда нима ишингиз бор?”. 6. Армия сафида бўлиш, ҳарбий мажбуриятни ўташ. 7. Армия таркибидаги айрим ихтисослашган соҳалар ёки тармоқлар [16]” деб изоҳланган.

М.Қ.Пардаев хизматга қуйидагича таъриф берган. “Хизмат деганда, инсоннинг, меҳнат жамоасининг, ҳудуднинг, давлат ва жамиятнинг хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган кишиларнинг наф келтирадиган онгли фаолияти тушунилади” [17]. Биз ҳам ушбу таърифга қўшилган ҳолда, унга асосланиб “таълим хизматлари” тушунчасига эътиборни қаратмоқчимиз.

Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб ва бошқа шунга оид фикрларни умумлаштириб,

Таълим хизматларининг илмий-назарий моҳияти хорижий мамлакатлар ва мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасини ўрганиб, бугунги тараққиёт стратегияси талабларига мос “таълим хизматлари”, “олий таълимда таълим хизматлари” тушунчаларининг такомиллаштирилган таърифини ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик.

Хизмат кўрсатишнинг йилдан-йилга турлари кўпайиб бормоқда. Бунга аҳолининг

¹ муаллиф ишланмаси

² муаллиф ишланмаси

даромадлари кўпайиб, яшаш сифатининг яхшиланиб бориши ва эҳтиёжнинг келиб чиқишидир. Янги Ўзбекистонимизнинг ривожланишида хизмат кўрсатиш тизимида таълим хизматлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ҳолатни инобатга олиб, “таълим хизмати” ҳақида изланишлар олиб борилди.

Таълим хизматларининг самарадорлигини профессор-ўқитувчиларнинг билими, савияси, малакаси, таълим жараёнининг тўғри йўлга қўйилганлиги, талабаларнинг эҳтиёжи, сифатли ўқув адабиётлари, керакли техника, технология ва лабораториялар билан таъминланганлиги, назария билан амалиётнинг уйғунлиги белгилаб беради. Шундай экан, кундан-кунга юксалиб бораётган меҳнат бозори талабларига мос, рақобатдош, билимли, ташаббускор кадрларни тайёрлаш олий таълимда таълим хизматларини кўрсатишга боғлиқ. Бунга эришиш учун энди асосий эътиборни таълим хизматлари сифатига ҳам алоҳида эътиборни тақозо қилади.

Курилишда иншоот қуришда пойдевор мустаҳкам бўлсагина бу иншоот мустаҳкам ва узок йилларга хизмат қилинади. Таълим соҳасида ҳам таълим ва тарбия беришнинг пойдевори бу мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар ҳисобланади. Бу таълим муассасаларида таълим ва тарбия

сифатли берилсагина олий таълимга кадам қўйган ўқувчилар сифатли ва замон талабларига жавоб бера оладиган кадр бўла олади. Ривожланган давлатларнинг таълим хизматларини ўрганар эканмиз, уларнинг ривожланишининг асосий сабаби, таълимга катта эътибор берилганлигидадир. Бу жараён бугунги кунда бизда ҳам такомиллашмоқда. Чунки, мамлакатимизнинг келажаги, миллат равнақи бевосита таълимнинг даражасига боғлиқ. Шу туфайли мамлакатимизда таълимни ривожлантиришга жуда катта аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-ПФ-сонли Фармонининг 46-мақсадида Олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш” кераклигини таъкидлаб, унда 2022 йилда ёшларни олий таълим билан қамров даражасини 38 фоизга етказиш, ... 2026 йилда қабул кўрсаткичини камида 250 мингга етказиш кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Ҳозирги кунда “Таълим хизматлари” тушунчасининг таърифи бўйича мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлар олимларининг турли фикрлари ва қарашлари мавжуд. Буларнинг айримларини ушбу жадвалда келтирдик (1-жадвал).

1-жадвал

“Таълим хизматлари” тушунчасига мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлар олимларининг таърифлари³

| № | Муаллифлар Ф.И.О.И | Таълим хизматлари тушунчасининг мазмун | Манба |
|----|--|--|---|
| 1. | М.Х.Саидов, Л.В. Пере- гудов, З.Т.Тоҳиров | Таълим хизмати – таълим эҳтиёжларини қондириш мақсадларида билим ва ўқувга эга бўлиш учун аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда яратиладиган ва тақлиф этиладиган имкониятлар мажмуи. | Олий таълим (луғат-маълумотнома). Академик С.С.Гулямов умумий таҳрири остида. Т.: “Молия”, 2003, 305-бет. |

³ https://studref.com/602539/pedagogika/obrazovatelnye_uslugi_ponyatie_vidy Таржима муаллиф томонидан амалга оширилган.

| | | | |
|----|--|--|---|
| 2. | М.Қ. Пардаев | Таълим хизматлари деганда, инсоннинг, давлат, жамият ва бошқа билим олиш истагидаги субъектларнинг билимга бўлган узоқ муддатга мўлжалланган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ билим эгаларининг онгли фаолияти тушунилади | Иқтисодиётга оид атамаларнинг таърифлари. Т.: “Fan va texnologiyalar” nashriyot-matbaa uyi, 2022–106 бет. |
| 3. | Ж.Р.Тохиров | Таълим хизмати – таълим берувчи ташкилот ва ундаги профессор-ўқитувчилар томонидан давлатнинг ҳамда жамиятнинг ривожланиши учун маълум белгиланган эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган, инсон капиталини шакллантиришга қаратилган кишиларга наф келтирадиган, таълим хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади. | Таълим хизматлари сифатини оширишда давлат-хусусий шерикликнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини шакллантириш. ИФБФД (PhD). дис. автореферати Нукус, 2022. – 13 бет. |
| 4. | Е.Д.Липкин | Таълим хизмати – инсон ва жамиятнинг интеллектуал ривожланишига, касбий кўникма ва малакаларни эгаллашга бўлган ўзига хос эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиладиган билимлар, кўникмалар ва маълум миқдордаги маълумотлар тўплами. | Липкина Е.Д. Конкурентоспособность вузов на современном рынке образовательных услуг. Монография. – Омск, Изд-во ОмГПУ, 2006. С.-136. |
| 5. | С.А.Зайчикова, И.Н.Маяцкая | Таълим хизмати – бу шахс, жамият ва давлат эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиладиган ва инсон капиталини оширишга қаратилган билим, кўникма ва малакалар тизими. | Зайчикова С.А., Маяцкая И.Н.Стратегия маркетинга высшего учебного заведения в системе открытого образования. Монография. – М.: Изд-во РГСУ, 2006. С.-115. |
| 6. | В.П.Шетинин, Н.А.Хроменков, Б.С.Рябушкин | Таълим хизмати – инсон, жамият ва давлатнинг кўп сонли эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиладиган билим, маълумот, кўникма ва малакалар тизими. | Шетинин В.П., Хроменков Н.А., Рябушкин Б.С. Экономика образования. Учебное пособие для вузов. М.: Рос. пед. Агентство, 1998. С.-306. |
| 7. | Н.А.Агешкина | Таълим хизматлари – бу таълим фаолияти жараёнида кўрсатиладиган хизматлар, унинг натижаси фуқаролар томонидан маълум даражадаги таълим ва тайёргарликка эришишдир. | https://studref.com/602539/pedagogika/obrazovatelnye_uslugi_ponyatie_vidy |
| 8. | Н.Н.Терещенко | Таълим хизматлари – бу шахснинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ва бунинг натижасида мавжуд ва олинган кўникмаларни такомиллаштиришга қаратилган таълим ва тарбиявий характердаги ҳаракатлар мажмуи. | Терещенко Н.Н. Исследование рынка образовательных услуг высшей школы. Монография. – Красноярск, Краснояр. Гос. Ун-т, 2005. – С. -267. |
| 9. | А.М.Стрижов | Таълим хизмати – таълим жараёни иштирокчиларининг ўзаро таъсири билан таснифланган ва шахснинг таълим | Стрижов А.М. Понятие качества образовательной услуги в условиях |

| | | эҳтиёжларини қондиришга қаратилган мақсадли фаолият. | рыночных отношений. // Стандарты и мониторинг в образовании. – 1999. -№3. – С. 47-50. |
|-----|--------------|---|---|
| 10. | И.Б.Романова | Таълим хизмати – иқтисодий бирликнинг маълум бир фаннинг таълимга (яъни тизимлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга) бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, ушбу субъектнинг олдиндан розилиги билан амалга ошириладиган меҳнат фаолияти. | Романова И.Б. Управление конкурентоспособностью высшего учебного заведения. – Ульяновск, Средневол-жский научный центр, 2005. –С. 140. |
| 11. | Т.А.Сон | Таълим хизмати – бу таълим ташкилотининг ишчи кучини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга бўлган ишлаб чиқариш эҳтиёжларини, шахсларнинг касб ёки малака олишга, қайта тайёрлашга бўлган талабини қондиришга қаратилган таълим, бошқарув, молиявий-хўжалик фаолияти натижасидир. | https://studref.com/602539/pedagogika/obrazovatelnye_uslugi_ponyatie_vidy |

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, “таълим хизматлари” тушунчасини ёритишда, унга таъриф беришда жуда кўп томонлама ёндашувлар билан таърифлар берилган. Жумладан, таълим хизматига Е.Д.Липкин инсон ва жамиятнинг интеллектуал ривожланиши учун олинадиган билим ва кўникма деб тушунча берган бўлса, шунга ўхшаш тушунчани С.А.Зайчикова, И.Н.Маяцкаялар ҳам шахс, жамият ва давлатнинг эҳтиёжини қондириш учун олинадиган билим ва кўникмалар тизими деб тушунча берган. Ушбу фикрларга яқин В.П.Шетинин, Н.А.Хроменков, Б.С.Рябушкинлар ҳам ўз тадқиқотларида таълим хизматига инсон, жамият ва давлатнинг кўп сонли эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиладиган билим, маълумот, малакалар тизими деб жуда ўхшаш таъриф берганлар. Юқорида келтирилган олимларнинг фикрлари асосан ижтимоий манфаат келтиришига урғу берилган.

Т.А.Сон эса ўз таърифида ижтимоий манфаат келтириш билан биргаликда, таълим, бошқарув, молиявий-хўжалик фаолияти натижаларининг уйғунлашганлигини кўрсатиб берган.

Бизнинг назаримизда, ушбу “таълим хизматлари” тушунчасига профессор М.Қ.Пардаев ва Ж.Р.Тоҳировларнинг фикр-

лари бир-бирига жуда яқин. Ҳозирги даврда кўрсатиладиган таълим хизматларига анча яқин таъриф келтирганлар. Уларнинг фикрига кўра, таълим хизматлари кўрсатишда инсоннинг, давлат, жамиятнинг ривожланиши учун билим олиш истагидаги субъектларнинг билимга бўлган узоқ муддатга мўлжалланган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ билим эгаларининг онгли фаолияти тушунилади, деган таърифлар беришган.

Ушбу йўналишда илмий-тадқиқотлар олиб борган олимлардан И.Б.Романованинг нуқтаи назари алоҳида эътиборга эга. Унинг фикрича Таълим хизмати – иқтисодий бирликнинг маълум бир фаннинг таълимга (яъни тизимлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга) бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, ушбу субъектнинг олдиндан розилиги билан амалга ошириладиган меҳнат фаолияти.

Юқорида келтириб ўтилган иқтисодчи олимларимиз томонидан берилган таърифларда таълим хизматларининг ўрни, унинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги, ҳозирги инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда ўрни бекиёс эканлиги ҳаммасида ҳам уйғунлаштирилмаган.

Юқорида “таълим хизматлари” тушунчасига келтирилган назарий таърифлардан келиб чиқиб, ҳозирги Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси талабларига мос ҳолда таълим хизматларига қуйидагича таъриф беришни лозим, деб топдик: **Таълим хизматлари деганда, инновацион иқтисодиётни шакллантиришга мўлжалланган инсон капиталини тайёрлайдиган давлатнинг рақобатбардошлигини таъминлашга, жамият ва бутун халқнинг фаровонлигини оширишга қаратилган билим олиш истагида бўлган шахсларга узоқ муддатга мўлжалланган эҳтиёжларини қондирадиган ва тегишли наф келтиришга йўналтирилган билим бериш жараёни билан боғлиқ хизмат эгаларининг онгли фаолияти тушунилади.**

Тадқиқотимиз давомида “олий таълимда таълим хизматлари” тушунчасига бошқа олимларнинг таърифларини учратмадик.

Шулардан келиб чиқадиган бўлсак, ушбу тушунча бўйича ҳам олимларимиз бир тўхтамга келган эмас. Бу ҳолатдан келиб чиқиб, “олий таълимда таълим хизматлари” тушунчасига ҳозирги замонавий хизмат кўрсатишларни инобатга олиб ўз таърифимизни беришни лозим, деб топдик. **Олий таълимда таълим хизматлари деганда, инновацион иқтисодиётни шакллантиришга мўлжалланган инсон капиталини назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлайдиган, кескин ўзгаришлар даврида давлатнинг рақобатбардошлигини таъминлашга, жамият ва бутун халқнинг фаровонлигини оширишга қаратилган малакали билим олиш истагида бўлган шахсларга бериладиган таълим хизматларини кўрсатиш жараёни тушунилади.**

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 2022 йил 20 декабрдаги Мурожаатномаси. // <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
2. Ғуломов С.С. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет
3. Ғуломов С.С., Аюпов Р.Х. Рақамли иқтисодиёт ва электрон тижорат асослари. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2020, 510 бет.
4. Саидов М.Х. Узбекистан: инвестиции в человеческий капитал, партнёрства в сфере образования.-М.: Книжный дом газеты «Труд», 2006.-243 с.

Мамлакатимизда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси талабларига мос ҳолда таълим хизматларини ривожлантириш, шаклланган миллий иқтисодиёт тармоқларининг барқарор тараққиётини таъминлашга қаратилган малакали ва сифатли кадрларни етказиб бериш бугунги кунда таълим муассасаларининг муқаддас бурчига айланди. Чунки жамиятимиз тараққиёти, аҳолининг фаровонлиги, мамлакатимизнинг рақобатбардошлиги бевосита таълим хизматларининг сифати ва самарадорлигига боғлиқ бўлиб қолди. Шу туфайли таълим тизимининг камровини кенгайтиришга, унинг сифатини оширишга тараққиётнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида катта аҳамият берилмоқда.

5. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Биринчидан, таълим, таълим сифати, билим, хизмат, таълим хизматлари, олий таълимда таълим хизматлари каби тушунчаларнинг назарий жиҳатлари етарли даражада тадқиқ қилинмаган ва бугунги инновацион иқтисодиётга оид таърифлари шакллантирилмаган.

Иккинчидан, юқоридаги камчиликларни инобатга олиб таълим, билим, хизмат, таълим хизматлари, олий таълимда таълим хизматлари каби тушунчаларнинг такомиллаштирилган таърифлари ишлаб чиқилди.

Мазкур ишда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий қилинадиган бўлса, таълим соҳасида, хусусан олий таълим тизимида таълим хизматларини кўрсатиш жараёни билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифлари такомиллашиб соҳага оид адабиётларнинг мазмуни Янги Ўзбекистон талабларига мос ҳолда ривожланиб бориши таъминланган бўларди.

5. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж, Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув Қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2014. – 384 б.; Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. Монография. “Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи”, 2020. – 256 б.
6. М.М.Мухаммедов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: «Фан ва технология» нашриёти 2018.
7. Исроилов Б.И. Таълим тиизимида инновацион корпоратив ҳамкорликни ривожлантиришда иқтисодий механизмлар ролини ошириш. ТМИ, ИАК, 2016 й., 26 март.;
8. Очилов А.О. Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати – Тошкент, ТДИУ, 2019. – 76-бет
9. Усмонов Б.Ш. ва бошқалар. Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннинг роли. Т.: “Фан ва технологиялар”, 2015 й.;
10. Қаҳҳаров О.Т. Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш. Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 79 бет
11. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>
12. <https://lex.uz/docs/5013007>
13. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти. Тўртинчи жилд, тузатилган 2-нашри. 2020, - 27-28-бетлар
14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти. Биринчи жилд, тузатилган 2-нашри. 2020, - 260- бет
15. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-b/bilim-uz/>
16. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти. Тўртинчи жилд, тузатилган 2-нашри. 2020, - 395-396- бетлар
17. Пардаев М.Қ. Иқтисодиётга оид атамаларнинг таърифлари. Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. - 106 бет.

УДК: 338.1.(072)

ИҚТИСОДИЁТДАГИ ДАВЛАТ ИШТИРОКИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

Маматов Баҳромжон Шавкатович -Узбекистан Республикаси Банк-молия академияси "Инвестициялар ва молия бозори" кафедраси доценти, и.ф.ф.д. PhD,
Маматова Севара Илхом қизи -Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси

АНАЛИЗ ТЕНДЕНЦИИ СОКРАЩЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО УЧАСТИЯ И ПРИВАТИЗАЦИИ В ЭКОНОМИКЕ

Маматов Баҳромжон Шавкат угли- доцент кафедры “Инвестиции и финансовые рынки”
Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан, доктора философии (PhD) по
экономическим наукам
Маматова Севара Илхом кизи - студентка Узбекского Государственного университета
мировых языков

ANALYSIS OF THE TREND OF REDUCTION OF STATE PARTICIPATION IN THE ECONOMY AND PRIVATIZATION

Mamatov Bahromjon Shavkat ugli - associate professor of the department "investments and financial market" of academy of banking and finance of therepublic of Uzbekistan doctor of philosophy (PhD) on economic sciences

Mamatova Sevara Ilkhom kizi - student of Uzbekistan State University of World Languages

Аннотация. Мақолада маҳаллий ва хорижий олимларнинг мавзуга доир илмий қарашлари шунингдек, давлат мулкани хусусийлаштиришнинг институционал асослари ва тенденциялари тадқиқ қилинган, давлат мулкани хусусийлаштиришга инвесторларни жалб қилишнинг амалдаги механизмини баҳолаш орқали мавжуд

муаммолар тизимлаштирилган ҳолда хусусий капитал жалб қилиш орқали давлат активларини самарадорлигини ошириш йўллари бўйича илмий хулосалар асосланган.

Калит сўзлар: Акция, акцияларни оммавий жойлаштириш амалиёти, капитал жалб қилиш, давлат иштирокидаги корхоналар, давлат активларини хусусийлаштириш, фонд бозори.

Аннотация. В данной статье обоснованы научные взгляды отечественных и зарубежных ученых на данную тему, а также институциональные основы и тенденции приватизации государственного имущества, систематизированы существующие проблемы путем оценки фактического механизма привлечения инвесторов к приватизации государственной собственности, и сделаны научные выводы о путях повышения эффективности использования государственных активов за счет привлечения частного капитала.

Ключевые слова: Акции, практика публичного размещения акций, привлечение капитала, государственные предприятия, приватизация государственного имущества, фондовый рынок.

Annotation. This article defines the scientific views of domestic and foreign scientists on this topic, as well as the institutional framework and trends in the privatization of state property, systematizes the existing problems by assessing the actual mechanism for attracting investors to the privatization of state property, and scientific conclusions on ways to increase the efficiency of using state assets for attraction of private capital.

Key words: Shares, initial public offerings, capital attracting, state enterprises, privatization of state property, stock market.

1. КИРИШ

Хусусий секторнинг мавжуд бўлиши бозорда молиявий рағбат учун рақобат шаклланишини таъминласа, давлат сектори кўпчилик ҳолларда иқтисодий мақсадларга эришишни ўзининг бош мақсади сифатида кўрмайди. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, давлат сектори ишлаб чиқаришни максимал даражада ошириш ва ресурсларни самарали тарзда тақсимлаш учун етарли даражадаги юқори мотивация эга бўлмайди, бу эса ҳукуматнинг кўп харажатли, кам даромадли корхоналарни бошқаришга сабаб бўлади. Хусусийлаштириш тўғридан-тўғри иқтисодий мақсадларнинг сиёсий мақсадлардан устун бўлишига йўналтирилади, бу бозор иқтисодиётини ривожлантиришга олиб келади. Хусусийлаштириш орқали ҳукуматнинг иқтисодиётдаги ўрни қисқаради, шунинг учун ҳукуматнинг иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатиши эҳтимоли камроқ бўлади.

Давлат тасарруфидан чиқариш давлатга иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этиш имконини берадиган иқтисодий механизмлардир. Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг асосий омили мулкни бошқариш самарадорлиги ҳисобланади.

Хусусийлаштиришни Ўзбекистонда доим иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналиши сифатида қараб келинган. Шу билан

бирга, бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ хусусийлаштиришнинг тартибсиз ва бирданига амалга ошириши усулларида воз кечилган.

Ўзбекистон МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб 1990 йили “Мулк тўғрисида” [1] ги қонунни қабул қилди ва қонуний тарзда шахсий мулк тушунчасини қонунан муомалага киритилди.

“Ўзбекистон Республикасида хусусийлаштириш босқичлари ҳукумат томонидан “оддийдан мураккаб сари” қондаси бўйича белгиланган тартибда амалга оширилган” [2]. Хусусийлаштириш натижасида, ҳеч бўлмаганда, икки асосий вазифани ҳал этишдан иборат бўлиши керак эди.

Биринчидан, давлат мулки ўзининг ҳақиқий эгасини топади. Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий маъноси ҳам мулкни ҳақиқий эгалари қўлига топшириш, тадбиркорлик фаолияти учун уларга кенг имкониятлар беришдан иборатдир. Давлат мулки янги мулкдорларга бепул эмас, балки уни сотиб олиш йўли билан берилди. Бу реал қийматга эга бўлган нарсаларнигина чинакамига кадрлашлари ва тежаб-тергашлари билан боғлиқ психологик омил билан шарт қилиб қўйилади. Шунинг учун Ўзбекистон хусусийлаштириш асосини пуллик қондаларга кўра ташкил этди. Шу муносабат билан корхоналарни хусусийлаш-

тиришда акциядорлик жамиятларига айлан-тириш, иншоотларни танлов ва кимошди савдоси орқали сотиш сингари усуллардан кенг кўламда фойдаланилди.

Иккинчидан, хусусийлаштириш бозор иқтисодиётида шароитида турли мулкчиликка асосланган иқтисодиётни шакллантиришда ва рақобатни рағбатлантириш ҳисобига турли маҳсулот ишлаб чиқарувчи муҳитни вужудга келтирди. Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилиш асосан бир ёки бир хил хизматлар кўрсатувчи, бироқ мулкчиликнинг давлат, жамоа, хусусий ва бошқа усулларига асосланган кўпдан кўп корхоналарни ташкил этиш йўли билан алоҳида ишлаб чиқаришлар ва бутун фаолият соҳаларининг якка ҳукмронлигини бартараф этишда намоён бўлади.

2. МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Жаҳон амалиётида, иқтисодиётнинг истиқболли ва юқори технологияларга асосланган тармоқларидаги давлат корхоналарини хусусийлаштириш механизмларини такомиллаштириш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларда жаҳон инвестициялар бозорларига кучли интеграциялашувни таминлаш, хорижий инвестицион банклар ва фондлар билан инвестициявий йўналишда ҳамкорликни ривожлантириш, ҳамда халқаро фонд бозорларидан мамлакатга портфел инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш муаммолари ва давлат активларини хусусийлаштиришнинг афзалликлари белгилаб берилган.

Эллиот ва Склар томонидан нашр этилган илмий ишларида, хусусий корхоналар давлат корхоналарига қараганда самаралироқ, чунки хўжалик юритиши жиҳатидан тежамли, меҳнат унумдорлиги юқори ва қонунчилик чекловлари кам бўлади деган назария илгари сурилган. Хусусийлаштириш тарафдори бўлган Савас хусусийлаштиришнинг турли хил усулларидан тўғри фойдаланишни намойиш этувчи хусусийлаштириш

назарияси, амалиётини ва хизматларни алтернатив равишда тақдим этиш механизмларини тавсифлайди [3].

Бозор иқтисодиётидаги давлатнинг институционал ёндошувдаги ролини ўрганишда Ж.Стиглицнинг хизматлари катта аҳамиятга эга бўлиб, унда «бозор камчиликлари»ни аниқлаган иқтисодиётнинг давлатдаги тутиш мотивлари ўрганилган [4].

Марказий Осиё мамлакатлари орасида давлат корхоналари орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш Тожикистонлик олим Р.Б. Бердиев томонидан ўрганилган бўлиб, Р.Б. Бердиев фонд бозорлари ривожланмаганлигини давлат улуши мавжуд корхоналарга хорижий инвесторларни жалб қилишда асосий тўсқинлик қилувчи фактор сифатида кўради [5].

Маҳаллий олимларимиздан М.Б.Хамидулин давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартларини жорий қилишда юзага келаётган муаммолар юзасидан илмий изланишлар олиб борган [6].

С.Э. Элмирзаев [7] томонидан тижорат банкларида давлат улуши ва молиявий самардорлик кўрсаткичлари ўзаро таъсири ўрганилган бўлиб, республикамиздаги тижорат банклари томонидан IPO амалиётлари орқали самардорликни ошириш йўллари тўғрисида илмий хулосалар келтирилган

3. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш ва хусусийлаштириш масалаларини тадқиқ қилиш жараёнида миқдор ва сифат, индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез, мантикий таҳлил каби услублар ва ёндашувлардан фойдаланилди.

4. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўзинининг ўзига хослиги билан бошқа МДХ мамлакатларида амалга оширилган хусусийлаштириш жараёнидан ажралиб турадиган Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган хусусийлаштириш амалиётини биз уч босқичга бўлишимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

 Ўзбекистонда амалга оширилган хусусийлаштириш босқичлари⁴.

| Йиллар | Амалга оширилган чора тадбирлар | Хусусийлаштирилган тармоқлар |
|----------------------------------|---|--|
| 1992-1993 | 1-босқич хусусийлаштириш. Барча уй-жой хўжаликлари хусусийлаштирилди. Қишлоқ жойлардаги ҳар бир оилалар учун томорқа ерлар ажратилди | Кичик ва ўрта савдо корхоналари, маиший хизмат кўрсатиш ва маҳаллий ишлаб чиқариш. |
| 1994-1998 | 2- босқич хусусийлаштириш. 1000 та йирик ва ўрта бизнес вакиллари акциядорлик жамиятларига айлантилди. Шунингдек кичик ва ўрта бизнес корхоналари хусусий секторга ўтказиш яқунланди. | Саноат, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалик комплекси, ижтимоий соҳа |
| 1998 ҳозирги вақтга қадар | 3- яқунловчи босқич хусусийлаштириш. Олий Мажлис ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан хусусийлаштирилмайдиган давлат объектлари аниқланди. Хусусийлаштирилмайдиган объектлардан бошқа барча объектлар хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришга йўналтирилди. | |

Биринчи босқичда (1992-1993) “Кичик” хусусийлаштириш номини олиб, хусусий секторга давлат турар-жой фонди, кичик ва ўрта бўғиндаги савдо, хизматлар, маҳаллий, енгил, озиқ-овқат саноати, автомашина транспорти ва қурилиш тизими ташкилотлари ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 сентябрдаги қарори билан Ўзбекистонда кичик хусусийлаштириш бошланди. Натижада мамлакатдаги 53902 иншоот янги мулк шаклини касб этдилди.

Улардан: 10638 тасини – савдо; 12561 тасини – маиший хизмат кўрсатиш; 24316 тасини – матбуот кооперацияси; 4753 тасини – тайёрлов соҳаси иншоотлари ташкил этди.

Ушбу ислохотлар натижасида Ўзбекистонда дўконлар, ошхоналар, қахвахоналар, саргарошхоналар, матбуот жамиятлари хусусийлаштирилмаган бирорта ҳам вилоят, шаҳар, туман қолмаган эди.

Иккинчи босқичда (1994-1995 йиллар) оммавий хусусийлаштириш амалга оширилди, бу босқичда енгил, озиқ-овқат, фармацевтика саноатини, тайёрлов шаҳобчаларини,

қурилиш, транспорт, алоқа корхоналарини, шунингдек саноатнинг баъзи тармоқларини хусусий сектор тасарруфига ўтказилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш аҳамиятга моликки, оммавий хусусийлаштириш дастурида 1994 йилида 5127 иншооти давлат тасарруфидан чиқаришни кўзда тутган бўлсада, амалда 9744 та корхона хусусийлаштирилди. Давлат мулкани сотиб олиш истагини билдирган хусусий сектор вакиллари хохшига кўра кўпгина кичик ва ўрта кичик ва ўрта корхоналар дастурдан ташқари хусусийлаштирилди.

Учинчи босқич 1998 йилда бошланган бўлиб бу давр акциядорлик жамиятларида, давлат ташкилотларида хусусий мулкдорлар юзага келиши билан ифодаланади. Хусусийлаштиришнинг натижаси сифатида мамлакатда ўзига 2 миллион акциядорлар ва хусусийлаштирилган ташкилотларнинг улуши эгалари, 3 миллион шахсий хўжалик эгалари, 85 минг хусусий ва кичик ташкилот эгалари, 14 минг кўчмас мулк объектлари эгаларини қамраб олган мулкдорлар синфи юзага келди. Бу вақтда саноат соҳаларида, ёрдамчи ёқилғи-қувват комплекслари, кимё,

⁴ Муаллиф ишланмаси.

металлургия ва машинасозлик соҳаларида акциядорлик жамиятлари шаклланган эди.

1990 йилларда бошланган давлат мулкани хусусийлаштириш жараёни Ўзбекистон иқтисодиётига замонавий технологияларни, янги бошқарув услубларини, чет эл инвестициясини ва катта миқдордаги экспорт учун буюртмаларни, янги турдаги маҳсулот турларини, электротехник ишланмаларни кириб келишига имкон яратди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ўтказилган ислохотларга қарамадан бошқа собиқ иттифоқ мамлакатлари каби Ўзбекистон ҳам саноат ва ишлаб чиқариш кўламининг пасайишини бошдан кечирган. Барча собиқ иттифоқ мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам бирор бир товарни ишлаб чиқариш учун бошқа иттифоқдош республикадаги корхоналардан маҳсулот етказиб бериш таълаб қилинар эди. Бирок, республикада амалга оширилган иқтисодий ислохотлар 1995 йилга келиб, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми 1990 йил даражасига қайтаришга имкон берди. Ўзбекистоннинг геоиқтисодий хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда танлаган иқтисодий ислохотлар стратегияси ўтиш даврининг қийинчиликларини енгиллаштирди ва ялпи ички маҳсулотнинг кескин пасайиб кетишини олдини олишни таъминлади. Бунга асосан давлат секторининг хусусийлаштиришга йўналтирилганлиги ва айрим тармоқлардаги мисли кўринмаган ўсиш туфайли эришилди. Нефт, газ, рангли ва қимматбаҳо металллардан фойдаланиш, нефтгаз ва тоғ-кон саноатини ривожлантириш бўйича лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди. Мамлакатда илгари ишлаб чиқарилмаган маҳсулотлар (автомобиллар, телевизорлар, бошқа электроника) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Агар 1992-1994 йилларда МДХнинг аксарият мамлакатларида инвестиция инқирози давом этган бўлса, бу муддат мобайнида Ўзбекистонда капитал қўйилмалар, айниқса жадал суръатлар билан қурилаётган қурилишнинг улуши барқарор ўсиб борди ва қурилишнинг умумий ҳажмида уй-жой қурилиши катта улушни эгаллади. Ўзбекистонда пахтани ягона монополь маҳсулот сифатида қараш тўхтатилди, лекин энг муҳим стратегик маҳсулот бўлиб қолаверди, чунки пахта экспорти хорижий валютани мамлакатга оқимининг асосий воситаси бўлиб ҳисобланарди. 1996 йилда Ўзбекистонда валюта тушумининг 75 фоизини пахта экспорти ҳисобига шакллантирилди. Узоқ муддат мобайнида Ўзбекистон пахта экспорти бўйича дунёда иккинчи ва уни етиштириш бўйича бешинчи ўринни эгаллаб турган. Фақатгина 2020 йилга келибгина Ўзбекистонда пахта хом ашёсини етиштириш бўйича давлат буюртмаси бекор қилинди.

Ўзбекистонда хусусийлаштириш тенденцияларини таҳлил қилар эканмиз, Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларида бу борада ниҳоятда оқилона иш олиб борганлигининг гувоҳи бўламиз. Мамлакатда кичик ва ўрта бизнесни давлат тасарруфидан чиқариш, самарали амалга оширилиб мамлакатда аҳоли фаровонлигини таъминлашга ўзининг ҳиссасини қўшганлигини биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улушида (2017 йил натижаларига кўра 53.3 %) кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасида давлат мулкани хусусийлаштириш жараёни қай қўламда амалга оширилаётганлиги учун 2013-2022 йилларда хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони ва давлат активларини сотишдан тушган тушум таҳлилини амалга оширдик (2-жадвал).

2-жадвал

 2013-2022 йилларда Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича асосий кўрсаткичлар⁵

| Йиллар | Хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони | | Давлат активларини сотишдан тушган тушум | |
|-------------|--|------------|--|------------|
| | Бирлик | Ўзгариши % | млрд.сум | Ўзгариши % |
| 2013 | 82 | -1% | 44,1 | 37% |
| 2014 | 288 | 251% | 88,2 | 100% |
| 2015 | 848 | 194% | 103,2 | 17% |
| 2016 | 609 | -28% | 164,8 | 60% |
| 2017 | 542 | -11% | 228,3 | 39% |
| 2018 | 832 | 54% | 223,1 | -2% |
| 2019 | 842 | 1% | 480,1 | 115% |
| 2020 | 837 | -1% | 456,3 | -5% |
| 2021 | 750 | -10% | 3809,4 | 735% |
| 2022 | 515 | -31% | 6651,0 | 75% |
| Жами | 6 145 | | 12 248,5 | |

Республикамызда 2010-2022 йилларда давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича асосий кўрсаткичларга эътибор қаратар эканмиз, 10 йиллик муддат мобайнида 6145 та давлатга қарашли корхона ва объектлар, 12 триллион 248 миллиард 500 миллион сўм маблағ эвазига хусусий сектор тасарруфига ўтказилган. Корхона ва объектлар хусусийлаштирилишини йиллар кесимида 2014 ва 2015 йилларда жадал суратларда олиб 2016 ва 2017 йилларда биров пасайиш тенденциясига эга бўлганлигини кўрамыз. Аммо 2018 ва 2019 йилларда бу хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони ва уларни сотишдан тушган тушум миқдори ўсган. 2022-йил мобайнида мамлакатимиз 515 та корхона ва объектлар хусусийлаштирилган бўлиб, 2021 йилга нисбатан 31 % га хусусийлаштириш сурати пасайган, уларни сотишдан тушган тушум 6 триллион 651 млрд. ни ташкил этиб 2021 йилга нисбатан 75 % га ўсган. Республикамызда хусусийлаштириш амалиётини ҳудудлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, биз ҳудудларда хусусийлашти-

рилаётган объектлари сони тенг ўзгаришда қайд этилмаётганлигига гувоҳ бўламыз (3-жадвал).

3-жадвалда келтирилган маълумотларидан кўриш мумкинки, 2022 йил мобайнида 515 та корхона ва объектлар хусусийлаштирилган бўлиб, энг кўп миқдорда хусусийлаштирилган объектлар Хоразм вилоятига тўғри келади – 81 та объект (Республика бўйлаб хусусийлаштирилган жами объектларга нисбатан 15,7 %), Фарғона вилояти – 74 та объект (14,4%), Самарканд вилояти – 49 та объект (9,5 %), Андижон вилояти – 46 та объект (8,9 %), Наманган вилояти – 42 та объект (8,2 %). Бироқ хусусийлаштирилган объектлар сони республикада жами хусусийлаштирилган объектларнинг 6,6 % ни ташкил қилишига қарамасдан Тошкент шаҳрида хусусийлаштирилган 34 та объектларни сотишдан 1 триллион 222 млрд сўмдан кўпроқ пул маблағлари тушган бўлиб республикада жами тушган пул маблағларининг 62,1 % ни ташкил қилади.

⁵Давлат активларини бошқариш агентлигининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди


3-жадвал

Давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича асосий кўрсаткичлари ҳудудлар кесимида (2022 йил маълумотлари)⁶.

| Ҳудудлар | | Хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони | | Давлат активларини сотишдан тушган тушум | |
|-------------------------|-----------------------------|--|-------------------|--|--------|
| | | Бирлик | Жамига нисбатан % | млн.сум | Жами % |
| Ўзбекистан Республикаси | | 515 | 100 | 6 651,00 | 100 |
| 1. | Қарақалпақстан Республикаси | 26 | 5,1 | 48,30 | 0,7 |
| 2. | Андижан | 46 | 8,9 | 48,70 | 0,7 |
| 3. | Бухоро | 18 | 3,5 | 83,60 | 1,3 |
| 4. | Жизах | 21 | 4,1 | 18,60 | 0,3 |
| 5. | Қашқадарё | 29 | 5,6 | 55,10 | 0,8 |
| 6. | Навоий | 19 | 3,7 | 48,80 | 0,7 |
| 7. | Наманган | 42 | 8,2 | 24,90 | 0,4 |
| 8. | Самарқанд | 49 | 9,5 | 93,20 | 1,4 |
| 9. | Сурхандарё | 32 | 6,2 | 34,70 | 0,5 |
| 10. | Сирдарё | 11 | 2,1 | 8,60 | 0,1 |
| 11. | Тошкент | 33 | 6,4 | 125,00 | 1,9 |
| 12. | Фарғона | 74 | 14,4 | 70,10 | 1,1 |
| 13. | Хоразм | 81 | 15,7 | 87,30 | 1,3 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 34 | 6,6 | 1 222,00 | 18,4 |

Шунингдек давлат активларининг хусусийлаштириш жараёни таҳлилин вазиликлар ва идоралар кесимида ўрганиб чиқиш, қайси давлат ташкилотлари ўз

тасарруфида бўлган мулкни хусусий сектор таъсирлигига ўтказиётганлиги тўғрисида маълумот беради.



4-расм. Давлат мулкни хусусийлаштириш тузилмаси, вазиликлар ва идоралар кесимида (2022 йил маълумотлари (% ҳисобида))⁷.

⁶ Муаллиф ишланмаси.

⁷ Давлат активларини бошқариш агентлигининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Хусусийлаштирилган давлат мулки объектлари таркибида энг кўп улуш маҳаллий ҳокимиятларга тўғри келиб республика бўйича жами хусусийлаштирилган объектларнинг 67,8 %, Давлат активларини бошқариш агентлиги – 19,6 %, Молия вазирлиги 0,6 % ва 12,0 % бошқа вазирлик ва идоралар ҳиссасига тўғри келади.

2022 йилнинг январь-декабрида давлат мулкни сотишдан тушган тушумлар 223,0 млрд. сўмни ташкил қилди. Худудий кесимда давлат мулкни хусусийлаштиришдан келиб тушган тушумларнинг энг катта қисми Тошкент шаҳри – (66,2 %), Наманган вилояти (6,2 %), Тошкент вилояти (5,5 %), Фарғона вилояти (3,6 %), Самарқанд вилояти (3,5 %), Бухоро вилояти (2,5 %)га тўғри келмоқда. Ўзбекистонда хусусийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида юқорида кўплаб таҳлиллар олиб бордик.

Таҳлилларимиздан бизга маълумки хусусийлаштиришнинг бу руҳда амалга оширилиши иқтисодийда давлат иштироки етакчи ўринни сақлаб қолишига чек қўёлмайди.

5. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Бугунги кунда Ўзбекистонда хусусийлаштириш ҳамда бирламчи ва иккиламчи оммавий таклифни (IPO/SPO) амалга ошириш тизими халқаро стандартларга тўла жавоб бера олмаслиги ва уни такомиллаштириш зарурати мавжуд бўлиб оқибатда сўнги 5 йил давомида республикада атиги 4 та IPO/SPO ўтказилган. Ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганган ҳолда тажриба (эксперимент) тариқасида алоҳида шартлар асосида акциядорлик жамиятлари акцияларини бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) оммавий таклиф этишни амалга ошириш мамлакатимиздаги давлат активларини хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвесторларни жалб қилишни жадаллаштиришда муҳим амалий кадам бўлади.

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш орқали давлат унитар корхоналари акциядорлик жамиятларига айлантилган ва уларнинг акция облигацияларга талабни ошириш мақсадида ва портфелли инвесторлар учун инвестицион жозибадорликни ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

- фаолиятининг юқори даражадаги шаффофлигини қўллаб-қувватловчи ва молиявий ахборотлар сифатини очиқ берувчи эмитентлар учун преференциялар тақдим этиш;

- ишлаб чиқаришни регламентловчи ва таъминланган қарздорлик қимматли қоғозларини фойдаланишда ҳуқуқий ва норматив базани яратиш.

Қамровни кенгайтириш ва Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнида яратилган АЖ акциялар бозорида портфелли инвесторлар инфратузилмаси таъминотида сифатни ошириш мақсадида муаллиф томонидан қуйидагилар таклиф этилади:

- инвестицион эҳтиёжлар таркибидан келиб чиққан ҳолда барча турдаги портфелли инвесторларга фойдаланиш имконини берувчи Ўзбекистон Республикасида эмиссия амалга оширган эмитентлар ва қимматли қоғозларнинг ягона маълумотлар базасини яратиш;

- ташкиллаштирилмаган корпоратив қимматли қоғозлар бозорида ҳисобларни юритиш бўйича Республикада кучли умумдавлат ҳисоб-клиринг тизимини яратиш масаласи ечимини тезлаштириш;

- фонд бозорининг асосий инфратузилма бўғинлари бўлган технологик ва ахборотларни боғлаш – “Тошкент” Республика фонд биржаси, Марказий депозитарий, ҳисоб-клиринг тизимларини умумлаштириш орқали, портфелли инвесторларга ишонччилик ва етарли даражадаги кафолатга эга бўлган жараёнда яратилган АЖ қимматли қоғозлар операцияси циклини тўлиқ қайта ишлашини таъминлаб бериш;

- хусусийлаштириш жараёнида яратилган Ўзбекистон АЖ қимматли қоғозлари билан операциялар амалга оширишда давлат томонидан қатъий ва самарали бошқарувни

ўрнатиш, шу билан бирга уларни ҳисоби ва сақланишини барча ҚҚБ (Қимматли қоғозлар бозори)нинг бўлимларида таъминлаш;

➤ биржа листингига 500 млн сўмдан кам бўлмаган устав фондига эга акциядорлик

жамиятларини қўшиш. Шу билан бирга биржа листингига кирган акциядорлик жамиятлари фонд биржаси орқали қўшимча эмиссия ҳажмидан 25 %дан кам бўлмаган бирламчи акциялар киритилишини кўриб чиқиш таклиф этилди

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.А. Чжен хусусийлаштириш асослари Тошкент 1996 йил
- 2..В.А. Чжен хусусийлаштириш асослари Тошкент 1996 йил
- 3.Sclar, Elliot, 2000. Вы не всегда получаете то, за что платите: экономика приватизации. Ithaca, Нью-Йорк: Издательство Корнелльского университета.
- 4.Андрефф В. Российская приватизация: подходы и последствия. Вопросы экономики № 6, 2004; Россия – 2015 / Под ред. акад. Л.И. Абалкина. М.: ММВБ, 2000; Сажина М.А. Научные основы экономической политики государства: Учебник. М.: НОРМА, 2001;
- 5.Бердиев Р.Б. Роль приватизации в привлечении иностранных инвестиций (на материалах Республики Таджикистан): дис. – Таджикский государственный аграрный университет, 2006. - С. 135.
- 6.Mikhail Khamidulin, Dilfuza Rakhimova, Shakhlo Abdullaeva, Muyassarhon Ganieva, and Bahramjon Mamatov. Successful privatization of state property: factors and their impact on efficiency.
- 7.С.Э. Элмирзаев, Б.Ш. Маматов Давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув - Иқтисодиёт ва таълим №1. 2020

III. MINTAQA VA TARMOQLAR IQTISODIYOTI

УДК: 54.171.631.

УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЕ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА РЕСПУБЛИКИ ТАДЖИКИСТАН

Самандарзода Искандар Хусейн - доктор экономических наук, профессор Таджикского аграрного университета им. Ш. Шотемур

Халикова Муборак Нематжоновна - научный соискатель Таджикского аграрного университета им. Ш. Шотемур

TOJKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO'JALIGINI BARQAROR RIVOJLANTIRISH

Самандарзода Искандар Хусейн - иқтисод фанлари доктори, профессор, Ш.Шотемура номидаги Тоҷикистон аграр университети

Халикова Муборак Нематжоновна - Ш.Шотемур номидаги Тоҷикистон аграр университети илмий изланувчиси

SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF AGRICULTURE IN THE REPUBLIC OF TAJIKISTAN

Samandarzoda Iskandar Husein - Doctor of economics, professor of Tajik agrarian university named by Sh. Shotemur

Khalikova Muborak Nematjonovna - scientific competitor of Tajik agrarian university named by Sh. Shotemur

Аннотация. В статье представлены основные факторы, влияющие на развитие сельских местностей, социальные проблемы села, как важные составляющие устойчивого развития сельского хозяйства в республике в

целом. А также, обсуждаются пути решения этих проблем. Особое значение уделяется производству сельскохозяйственной продукции.

Ключевые слова: агропромышленный комплекс, экономика, сельская местность, производство, валовая продукция, сельское хозяйство, реорганизация, дехканские хозяйства, рыночная экономика.

Annotatsiya. Maqolada qishloq rivojiga ta'sir etuvchi asosiy omillar, qishloqning ijtimoiy muammolari, umuman, respublika qishloq xo'jaligini barqaror rivojlantirishning muhim tarkibiy qismlari sifatida ko'rsatilgan. Shuningdek, ushbu muammolarni hal qilish yo'llari muhokama qilinadi. Qishloq xo'jaligi mahsulotlari yetishtirishga alohida ahamiyat berilmoqda.

Kalit so'zlar: agrosanoat majmuasi, iqtisodiyot, qishloq, ishlab chiqarish, yalpi mahsulot, qishloq xo'jaligi, qayta tashkil etish, dehqon xo'jaliklari, bozor iqtisodiyoti

Abstract. The article presents the main factors influencing the development of rural areas, the social problems of the village, as important components of the sustainable development of agriculture in the republic as a whole. And also, ways of solving these problems are discussed. Particular importance is given to the production of agricultural products.

Key words: agro-industrial complex, economy, rural areas, production, gross output, agriculture, reorganization, dekhkan farms, market economy.

1. ВВЕДЕНИЕ

После распада Советского союза и обретения Таджикистаном независимости, основными факторами, повлиявшими на снижение уровня жизни и её качества стали: во-первых, переходный период на рыночные отношения; во-вторых, гражданская война, когда страна оказалась в тяжелой ситуации в политической, социальной, экономической и других сферах. Это война и её последствия нанесли несоизмеримый материальный ущерб и отразился практически на всех сферах: образовании, здравоохранении, жилищно-коммунальной, культурного и торгово-бытового обслуживания, дорожно-транспортных коммуникаций и др.

Данная ситуация особенно ощутима была в сельской местности, так как имело место отток специалистов различных сфер, нехватка сельскохозяйственной техники, отсутствие социальных объектов (школы, садики, поликлиники, больницы, учреждений сферы услуг), отсутствие рабочих мест и многое другое привело к снижению уровня жизни сельских жителей. Следует отметить, что большинство жителей Таджикистана проживают в сельской местности (около 75%), основная часть которых занята в сельском хозяйстве. Во время политического и экономического кризиса, охватившего страну в 1992-1997 гг., именно благодаря сельскому хозяйству население смогло выжить.

Развитие и укрепление сельскохозяйственного производства, в том числе сельских территорий, и на сегодняшний день остается одним из актуальнейших и насущных вопросов в отношении достижения страной продовольственной независимости.

Дальнейшее развитие образования, здравоохранения, жилищно-коммунальной сферы, культурного и торгово-бытового обслуживания, дорожно-транспортных коммуникаций и других элементов социальной инфраструктуры на селе, в решающей степени, определяется состоянием аграрной экономики страны. Такая связь реализуется непосредственно через местные правительства, посредством создания благоприятной среды обитания для жителей сельской местности.

В решении социальных проблем, в социальном обустройстве села важнейшую роль играют местные правительства, так как они ответственны за все социальные объекты, которое находятся на их балансе. Они вносят вклад в формирование местного бюджета, бюджетов других уровней и ряда внебюджетных фондов, за счет инициации непосредственного финансового и организационного участия товаропроизводителей, различных финансовых источников на устойчивое развитие сельских территорий.

Приоритетной задачей экономической политики в годы, предшествовавшим реформам, выступало поступательное развитие

производства в целом, в том числе и в сфере аграрной экономики, с целью надежного обеспечения население продовольствием, а промышленность - сырьем, гарантирующих экономический рост и социальную стабильность в стране. Так, за 2016 - 2021 гг., при общем увеличении численности населения почти на 9%, сельскохозяйственное производство валовой продукции повысилось на 38,0%. При этом, основной акцент был направлен на улучшение экономических и социальных условий, что способствовало обеспечению стабильного производства. Также, в этот период, наблюдался рост потребления мяса и мясопродуктов на 24,0%, молока и молочной продукции - в 3,3%, яиц - в 24,7 раза. В расчете на 100 га сельхозугодий, валовая продукция (в сопоставимых ценах 2021 года) увеличилась с 79176 сомони в 2016 году до 108470 сомони в 2021 году.

Однако темпы развития сельского хозяйства были недостаточными, созданный производственный потенциал использовался неполностью, количество и качество произведенной продукции не удовлетворяли возрастающих потребностей населения в продовольственных товарах, а промышленности - в сырье. Возникла объективная необходимость в совершенствовании организационных и экономических отношений агропромышленного комплекса, ускорении темпов его развития, преодолении усиливающегося диспаритета цен, ускорении устойчивого роста сельских территорий.

2. ОБЗОР ЛИТЕРАТУРЫ

При обосновании необходимости реформ, исходили из того, что качественное обновление и совершенствование аграрных отношений невозможно, прежде всего, без коренного изменения отношений собственности на землю и средства производства. Меры по реформированию сферы аграрной экономики были многообразны и разнонаправлены. По мнению профессора Ашурова И.С., их можно свести к следующим основным направлениям: во-первых, реформирование отношений собственности на землю и другие средства производства; во-вторых, реорганизация

колхозов и совхозов, в сочетании с приватизацией их основных фондов и другого имущества; в-третьих, реформирование отраслей, снабжающих сельское хозяйство средствами производства и другими ресурсами, и отраслей, заготавливающих и перерабатывающих продукцию сельского хозяйства с доведением ее населению, и в-четвертых, формирование рыночного механизма хозяйствования, направленного на либерализацию ценообразования, систему кредитования и страхования, ограничение государственной поддержки для устойчивого развития сельского хозяйства [1].

Реформирование аграрной сферы регулировалось посредством Закона Республики Таджикистан «О земельной реформе» [4]. Согласно данному документу, члены хозяйств, земли которых находятся на горных склонах и примыкают к земле сельскохозяйственных предприятий, могут присоединить земельные участки к своему личному хозяйству. Владельцы этих участков сами распоряжаются под какие нужды использовать переданную землю: выращивать сельскохозяйственные культуры или корма для животных, или с целью выпаса, как пастбища. В конечном итоге, это отразилось в следующем:

- возросло значение личных и дехканских хозяйств, расширился сектор кооперативных и арендных хозяйств, что способствовало повышению источников самообеспечения населения продовольствием;
- деятельность сформировавшегося в сельском хозяйстве частного сектора оказалась более успешной и устойчивой;
- осуществленная либерализация цен стимулировала товаропроизводителей, которые стали хозяевами производимой продукции.

В результате реформирования агропромышленного комплекса, в сельском хозяйстве Республики Таджикистан проведена земельная реформа и реорганизация сельскохозяйственных предприятий. В результате преобразований около 69,0% сельхозугодий перешло в частную собственность. Подавляющая часть сельскохозяйственного

производства, сфера переработки и реализации сельхозпродукции - приватизированы.

В первые годы обретения республикой независимости, в процессе переходного к рыночным отношениям периода, наблюдался распад колхозов и совхозов и, на их основе, формирование других различных форм хозяйствования, в частности, возникли коллективные дехканские хозяйства, хозяйства на основе арендных отношений, ассоциации дехкан, фермерские хозяйства и др., что способствовало, в целом по стране, повышению эффективности сельскохозяйственного производства.

По состоянию на 01.01.2022 год, все колхозы и совхозы Республики Таджикистан реорганизованы и перерегистрированы, в соответствии с действующим законодательством. На долю государственного сектора приходится немногим более 0,1% сельскохозяйственных организаций, остальные основаны на частной и иных формах собственности на землю, и имущество.

На сегодняшний день, согласно статистическим данным, производством продукции сельскохозяйственного назначения занимаются: 171899 крупных, средних, малых хозяйств и организаций, из которых 161 - госхозов, 59 - ассоциаций дехканских хозяйств, 3731 - коллективных дехканских хозяйств, 348 - акционерных обществ и общества с ограниченной ответственностью, 591 - подсобных хозяйств при предприятиях и организациях, и 167009 - дехканских хозяйств.

В отдельных местностях применялись разнообразные подходы к реорганизации сельскохозяйственных предприятий и поэтому соотношение в них хозяйств различных организационно-правовых форм существенно различалось. В начале 90-х годов, в аграрном секторе Таджикистана действовало 587 крупных и средних предприятий, из которых 206 (35,1%) сохранили статус колхозов, 362 (61,7%) совхозов и 19 (3,2%) межхозяйственных сельскохозяйственных предприятий. В настоящее время они преобразованы в

дехканские (фермерские) хозяйства, акционерные общества, производственные сельскохозяйственные кооперативы и другие хозяйственно-правовые формы. В числе новых форм хозяйствования преобладают дехканские (фермерские) хозяйства. Их удельный вес составляет 97,2%, от общего количества сельскохозяйственных предприятий.

Мадаминов А.А. отмечает, что важное место в структуре многоукладного аграрного сектора занимает хозяйства населения. Развитие хозяйств населения способствовало улучшению самообеспечения продуктами питания, поддержанию внутреннего рынка продовольствия и снижению социальной напряженности, вызванной резким падением реальных доходов населения [5].

Также большое положительное влияние на положение хозяйств населения и позволили увеличить возделывание сельскохозяйственных культур Указы Президента Республики Таджикистан (от 9 октября 1995 года №342 и от 1 декабря 1997 года №874) «О выделении 50 и 25 тысячи гектаров земель для личного подсобного хозяйства граждан» [10, 11].

Общая площадь сельскохозяйственных угодий, находящихся в личном пользовании, выросла с 79,4 тыс. га в 1991 году до 274,1 тыс. га в 2021 году.

Однако, в связи с тем, что на фоне разгосударствления агропромышленного производства, отсутствовала система социальной защиты жителей села и организационно-правовых мер, предпринятые действия не привели к ожидаемому социально-экономическому эффекту.

Ушачев И.Г. отмечает, что в процессе перевода плано-регулируемого, отлаженного агропромышленного комплекса на рыночно нерегулируемую систему производства методом «шоковой терапии», экономические условия производства в аграрной сфере были подорваны. Разукрупнение производства сопровождалось полным развалом внутреннего рынка продовольствия, рынка

средств производства и практическим разрушением механизма стимулирования в аграрном секторе. Одновременно, происходило интенсивное вытеснение отечественного производителя с внутреннего рынка [12].

Аграрная сфера экономики была ввергнута в затяжной кризис, обусловленный стихийным характером реформ, утратой управляемости, недостаточностью государственной ценовой, финансовой и кредитной поддержки. В результате, отрасль характеризовалась беспрецедентным спадом производства, с опережающим ростом издержек и сокращением доходов, как коллективных сельскохозяйственных товаропроизводителей, так и дежканских хозяйств.

По мнению профессора Вохидова В.В., особенность аграрного кризиса в Таджикистане состояла в его продолжительности и вялотекущем характере. Аграрный сектор экономики связан со многими отраслями народного хозяйства. Из-за монопольного положения ресурс производящих отраслей, в сочетании с диспаритетом цен, объем товарной продукции сельского хозяйства за годы реформ сократился. Принижена социальная значимость аграрного сектора. Сложившаяся ситуация привела к отмиранию его связей с отраслями народного хозяйства, к деградации внутреннего рынка для отраслей, обеспечивающих сельское хозяйство средствами производства [2]. Такая ситуация оказывает негативное воздействие на всю экономику, но особенно она сказалась на сельском населении, составляющем 73,3% всего населения страны. Кризис сопровождался ослаблением мотивации сельскохозяйственного труда, что обусловлено низким уровнем оплаты и несвоевременностью ее выплаты, резким сокращением доходов и покупательной способности основной массы жителей села.

Также, наблюдался дефицит кадров, специалистов в различных сферах деятельности, начиная с руководителей до простых работников, что оказало негативное влияние на уровень менеджмента, организационной и

консультационной работы по формированию и функционированию новых рыночных структур.

Bu borada O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M. Mirziyoyev 2017 yilda Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi, kompaniyalar va boshqa idoralar, shuningdek, barcha bo'g'indagi hokimliklarning quyidagi

strategik muhim vazifalarni amalga oshirishlari shartligini belgilab berdi:

– birinchi – ekin maydonlari va ekinlar turini optimallashtirish, ilg'or agrotexnikalarni joriy etish va hosildorlikni oshirish, meva-sabzavot va uzum yetishtirishni ko'paytirish;

– ikkinchi – fermer xo'jaliklarining moliyaviy-iqtisodiy holatini mustahkamlash;

– uchinchi – o'tgan yillarda Moliya vazirligi va uning huzuridagi Jamg'arma rahbariyati tomonidan shakllantirilgan, agrotexnika tadbirlarini moliyalashtirishda ijobiy natija bermayotgan va mutlaqo chala tizimga barham berish;

– to'rtinchi – oxirgi yillarda agrosanoat kompleksida tashkil etilgan yangi boshqaruv

¹⁵ muallif tadqiqotlari asosida tuzilgan

organlari, ya'ni «O'zpxatasanoateksport» kompaniyasi va uning tarkibiga kiruvchi «O'zpxatasanoat», «O'zpxataeksport» va «O'zpxatayog'» aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatidagi bir qator muammolarni bartaraf etish yuzasidan qat'iy choralar ko'rish. Ushbu tarmoqlarni modernizatsiya qilish va investitsiya loyihalarini amalga oshirish, jumladan, paxta xomashyosini qayta ishlash bo'yicha ishlarni yaxshilash [8].

O'zbekiston sanoatida iste'mol mahsulotlari ishlab chiqarish hajmi 2017 yilda 56159,4 mlrd. so'mni tashkil etgan holda, bu ko'rsatkich 2030 yilga kelib 3,1 martaga oshishi kutilmoqda. Shuningdek, 2017-2030 yillarda oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish hajmi 174,5 %ga, vino-arq mahsulotlari va pivo ishlab chiqarish qariyb 4,0 martaga, nooziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish hajmi 4,2 martaga oshishi prognoz qilinmoqda (11-jadval).

11-jadval

O'zbekiston sanoatida iste'mol mahsulotlari ishlab chiqarish (mlrd. so'm, amaldagi narxlarda)

| Yillar | Jami iste'mol mollari | Jumladan: | | |
|---------|-----------------------|-------------------------|-------------------------------|---------------------------|
| | | Oziq-ovqat mahsulotlari | Vino-arq mahsulotlari va pivo | Nooziq-ovqat mahsulotlari |
| 2019 y. | 70776,6 | 24738,5 | 2504,4 | 43533,7 |
| 2020 y. | 78406,2 | 26328,4 | 2691,3 | 49386,5 |
| 2021 y. | 86413,4 | 27918,4 | 2882,6 | 55612,4 |
| 2022 y. | 94797,8 | 29508,3 | 3078,2 | 62211,3 |
| 2023 y. | 103559,7 | 31098,3 | 3278,1 | 69183,3 |
| 2024 y. | 112698,8 | 32688,2 | 3482,3 | 76528,3 |
| 2025 y. | 122215,5 | 34278,2 | 3690,9 | 84246,4 |
| 2026 y. | 132109,5 | 35868,1 | 3903,9 | 92337,5 |
| 2027 y. | 142380,9 | 37458,1 | 4121,2 | 100801,6 |
| 2028 y. | 153029,6 | 39048,0 | 4342,8 | 109638,8 |
| 2029 y. | 164055,8 | 40638,0 | 4568,8 | 118849,0 |
| 2030 y. | 175459,3 | 42227,9 | 4799,1 | 128432,3 |

Harakatlar strategiyasida qishloq xo'jaligi sohasidagi vazifalarni amalga oshirish natijasida 2017 yilda birinchi marta g'alladan bo'shagan qariyb 1 million gektar maydonga sabzavot, kartoshka, poliz va dukkakli ekinlar ekildi va 5,5 million tonnadan ortiq mahsulot yetishtirildi. Shuningdek, 96 ming gektar hosildorligi past maydonlarda paxta va g'alla o'rniga 32 ming gektar yerda karam, turli sabzavot va ko'katlar ekildi va bu maydonlardan olingan minglab tonna mahsulotlar eksport qilindi. 11 ming gektarda intensiv bog' va yangi tokzorlar, 1500 gektarda issiqxonalar barpo etildi. Qishloq xo'jaligi mahsulotlarining 132 ming tonnasi

qayta ishlanib, 100 million dollarlik tayyor mahsulot eksport qilindi. 724 ming tonna ho'l meva chetga sotilib, 856 million dollar tushum olindi [9].

Shuningdek, O'zbekiston sanoatida oziq-ovqat iste'mol mahsulotlarini ishlab chiqarish dinamikasi bo'yicha istiqbol yillarida mol yog'i (164,0 %), meva-sabzavot konservalari (112,0 %), margarin mahsulotlari (129,6 %), qandshakar (151,7 %), tabiiy choy (168,3 %), osh tuzi (110,2 %), aroq, liker-arq mahsulotlari (166,3 %) ishlab chiqarish hajmi ham o'sish tendensiyasiga ega bo'ladi (12-jadval).

12-jadval

O'zbekiston sanoatida oziq-ovqat iste'mol mahsulotlarini ishlab chiqarish dinamikasi

| Yillar | Mol yog'i, t. | Meva-sabzavot konservalari, mshb. | Margarin mahsulotlari, ming t. | Qand-shakar, ming t. | Tabiiy choy, t. | Osh tuzi, ming t. | Aroq, liker-arog mahsulotlari, ming dal. |
|---------|---------------|-----------------------------------|--------------------------------|----------------------|-----------------|-------------------|--|
| 2019 y. | 13720,8 | 527,1 | 34,1 | 561,6 | 33706,1 | 69,4 | 19218,7 |
| 2020 y. | 14519,2 | 530,1 | 34,4 | 588,0 | 35621,0 | 69,5 | 20239,8 |
| 2021 y. | 15317,7 | 536,1 | 35,4 | 614,4 | 37571,4 | 70,3 | 21288,5 |
| 2022 y. | 16116,1 | 542,2 | 36,3 | 640,9 | 39557,1 | 71,1 | 22364,8 |
| 2023 y. | 16914,5 | 548,1 | 37,3 | 667,3 | 41578,3 | 71,8 | 23468,7 |
| 2024 y. | 17713,0 | 554,1 | 38,3 | 693,7 | 43634,9 | 72,5 | 24600,2 |
| 2025 y. | 18511,4 | 560,6 | 39,3 | 720,1 | 45727,0 | 73,2 | 25759,4 |
| 2026 y. | 19309,9 | 566,1 | 40,3 | 746,5 | 47854,4 | 73,9 | 26946,2 |
| 2027 y. | 20108,3 | 572,3 | 41,3 | 773,0 | 50017,3 | 74,6 | 28160,6 |
| 2028 y. | 20906,7 | 578,1 | 42,2 | 799,4 | 52215,6 | 75,2 | 29402,6 |
| 2029 y. | 21705,2 | 584,9 | 43,2 | 825,8 | 54449,4 | 75,9 | 30672,2 |
| 2030 y. | 22503,6 | 590,1 | 44,2 | 852,2 | 56718,6 | 76,5 | 31969,4 |

Ushbu holat istiqbolda respublikamiz aholisini oziq-ovqat mahsulotlari bilan belgilangan meyorlar darajasida va oziq-ovqat xavfsiz-

ligini miqdor jihatdan ta'minlash imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Абдуллаев А.М., Гулямов С.С., Абдуллаев У.О, Ишназаров А.И. Экономико-математические методы и прикладные модели прогнозирования. – Т.: «Ўқитувчи», 2006. – 650 с.
2. Магнус Я.Р., Катышев П.К., Пересецкий А.А. Эконометрика. Учебник. – М., 2005. – 499 с.
3. Иванова М.А. Экономическая статистика. Учебник. – М., «ИНФРА», 2000. – 210 с.
4. Эконометрика: Учебник. /Под ред. И.И.Елисейевой. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 344 с.
5. Dimitrios Asteriou and Stephen G. Hall. Applied econometrics. A modern approach using Eviews and Microfit. Revised edition. Palgrave Macmillan, New York, 2007. – p.397
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi 4947-sonli Farmonining 1-ilovasi «2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi» //Lex.uz
7. Toxirovna, Samieva Gulnoza. "Farmers-Food Sustainability Services." *Academic Journal of Digital Economics and Stability* (2021): 899-904
8. Mirziyoyev SH.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak: Mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma'ruzasi.// Xalq so'zi, 2017yil 16 yanvar.
9. Mirziyoyev SH.M. Rizq-ro'zimiz bunyodkori bo'lgan qishloq xo'jaligi xodimlari mehnatini ulug'lash, soha rivojini yangi bosqichga ko'tarish-asosiy vazifamizdir.//Xalq so'zi, 2017 yil 10-dekabr.

UDK: 338.331

CLASSIFICATION OF FACTORS AFFECTING THE STANDARD OF LIVING OF VILLAGE POPULATION

Alimova Munisa Yulchievna - independent researcher at the department of "Innovative economy", Karshi Engineering Economics Institute

КЛАССИФИКАЦИЯ ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА УРОВЕНЬ ЖИЗНИ СЕЛЬСКОГО НАСЕЛЕНИЯ

Алимова Муниса Юлчиевна – независимый исследователь кафедры Инновационная экономика Каршинского инженерно-экономического института

QISHLOQ AHOLISINING TURMUSH DARAJASIGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR TASNIFLANISHI

Alimova Munisa Yulchievna - Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti Innovatsion iqtisodiyot kafedrasida mustaqil izlanuvchisi

Annotation. The article describes the theoretical aspects of improving the living standards of the rural population, the factors influencing them, the mechanisms, priorities and main results of the reforms being implemented today to improve the living standards of the rural population. In addition, this article reflects ways to improve the efficiency of measures implemented in the agricultural sector.

Key words: rural population, standard of living of the rural population, quality of life, incomes of the population, directions of production, influencing factors, well-being of the population.

Аннотация. В статье описаны теоретические аспекты повышения уровня жизни сельского населения, факторы, влияющие на них, механизмы, приоритеты и основные результаты реализуемых сегодня реформ по повышению уровня жизни сельского населения. Кроме того, в данной статье отражены пути повышения эффективности мероприятий, реализуемых в аграрной сфере.

Ключевые слова: сельское население, уровень жизни сельского населения, качество жизни, доходы населения, направления производства, влияющие факторы, благосостояние населения.

Аннотация. Мақолада қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишнинг назарий жиҳатлари, уларга таъсир кўрсатувчи омиллар ёритилган, бугунги кунда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш мақсадида амалга ошириладиган ислохотларнинг механизмлари, устувор йўналишлари ва асосий натижалари келтирилган. Шу билан бир қаторда, ушбу мақолада аграр секторда амалга ошириладиган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш йўллари акс эттирилган.

Калит сўзлар: қишлоқ аҳолиси, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси, турмуш сифати, аҳоли даромадлари, ишлаб чиқариш йўналишлари, таъсир қилувчи омиллар, аҳоли фаровонлиги

1. INTRODUCTION

For many years, the main goal of the economic reforms implemented in our country is to further improve the living standards of the rural population. Over the past years, legal, social and economic mechanisms aimed at raising the standard of living of the population living in rural areas have been developed in our region. The Strategy of Actions aimed at the development of the Republic of Uzbekistan, as its continuation, a number of tasks have been defined in the Strategy of Development. The President of Uzbekistan Sh. Mirziyoev stated

that "... the introduction of a cluster system based on market mechanisms, a completely modern form of management in agriculture, fully justifies itself in practice. This innovative system is becoming an important tool for the development of the agricultural sector, a guaranteed source of income for the rural population [1].

In recent years, measures to increase the income of the rural population, improve the quality of education and healthcare services in rural areas, and provide them with housing with favorable conditions have been regularly taken

into account in our country. As a result, positive changes in the standard of living of the villagers are visible today. In particular, the development of entrepreneurship in agriculture, the implementation of measures for the effective use of farm lands and the homesteads of the population, and the strengthening of their financial support mechanisms serve to increase the well-being of the population.

2. LITERATURE ANALYSIS

When the scientific literature is studied during the research, it can be seen that the standard of living of the villagers is interpreted as the level of satisfaction of their material and spiritual needs. Including V.N. Salin, E.P. Shpakovskayas express the opinion that "living standard of the population is a complex and multifaceted category representing the sum of human activity, first of all, real socio-economic conditions, and is an important description of social development" [2]. In the research of S.D. Dagbaeva, "the standard of living of the population was considered as the level of satisfaction of material, spiritual and social needs" [3]. In most cases, this given definition is reflected in the statistical analysis of the standard of living of the population, besides, the standard of living of the rural population varies under the influence of several factors. In particular, if we give an example of population growth as a natural factor, situations related to changes in the level of unemployment and employment are examples of social factors. Economic factors are reflected as a result of the increase in the income of the population, the increase in the number of economically active population, and the expansion of the ranks of citizens with scientific potential. According to the researches of the Uzbek economist K.Kh. Abdurakhmanov, "...

the standard of living is the level of provision of the population with necessary material and immaterial goods and services, the level of their consumption" [4].

Kh.S. Mukhitdinov expresses the opinion that "...increasing the standard of living of the population depends on the socio-economic development of the regions and affects the development of the service sector to increase the standard of living of the population" [5]. Another economist S.N.Khamraeva's scientific research shows that the development of the service sector, i.e., infrastructure, is important for improving the living standards of the rural population [6,7]. In our opinion, the standard of living of the rural population as a socio-economic category includes all relations related to the production and consumption of the life of people living in rural areas.

3. RESEARCH METHODOLOGY

In the course of the study analytical and economic-statistical methods, general scientific methods of system, comparative and structural-logical analysis were used. During the study, the scientific works and articles of scientists who conducted research in this field were analyzed. In the article, scientific research methods, table, dynamic series, average quantities, synthesis and analysis methods were used, goals and tasks were expressed.

4. ANALYSIS AND RESULTS

In fact, the standard of living of rural residents means the level of provision of necessary material and spiritual benefits that satisfy the primary needs of rural people. According to some scientific literature, the standard of living of rural residents can be expressed as follows (Figure 1):



Figure 1. Forms of living standards of rural residents

It is known from Figure 1 that the level of poverty of the population is represented by the minimum level of access to material goods

necessary for everyday life. At the level of poverty, the ability to use the material benefits considered necessary for everyday life within their

lower limit is reflected in the reproduction of the labor force in rural areas. At the middle level, a person has a scientifically based rational consumption level that ensures the reproduction of his physical and intellectual abilities. Well-being, and this process is manifested on the basis of the opportunity to fully use the blessings that ensure the full development of people. Today, it is desirable to deeply study the factors affecting the living standards of the rural population, to develop and improve various approaches aimed at developing the positive effects of these factors. According to statistics, 71 percent [8] of food produced in agriculture is produced on

farms and farms. This means that most of the rural population is employed in these agricultural enterprises. The presence of products that meet the demand in terms of quality and quantity ensures food security among the population, and also fundamentally improves the living standards of the rural population. It follows that the standard of living of rural residents is directly related to the phrase "quality of life", and the relationship between them is detailed in various scientific sources by economists. So, we will study the factors affecting the living standards of the villagers conditionally divided into the following types (Fig. 2):




Figure 2. Classification of factors affecting the standard of living of rural residents

It is known from the picture that environmental, legal, social and economic factors have an influence on the improvement of the standard of living of the population:

- ecological factors: nature, that is, it is related to the study of the state of the environment and the use of natural resources without harming the environment;

- legal factors: the resulting effectiveness of the activities of state bodies, local administration and power organizations, integration processes between them and other enterprises make a great contribution to the development of the country;

- social factors are affected by a number of social criteria such as the rise of the country's social stratum and the improvement of the population's standard of living, the formation of entrepreneurship among the population, the

level of unemployment and employment in rural areas, the health care of the rural population, and the modernization of the education system;

- economic factors: the development of economic sectors in the society depends on the available natural resources in the regions and their export potential, production infrastructure and the structural structure of the sector's economy.

In fact, the quality of life is a set of relationships that represent the types of human activities, the composition of primary and secondary needs and the level of their satisfaction, the place of a person in society and the way of life. So, if the standard of living of the population is expressed in material criteria, the quality of life refers to the cultural and household aspects of the population's life.

During the research, we tried to study the level of well-being on the example of Koson district of Kashkadarya region. In 2015, there was 1 school, 1 health center and 2 shops in the village of "Pudina", Kason district. By 2022, 2 schools, 3 pre-school educational institutions, 2 health centers and 14 shops will increase the standard of living of the population. has been serving. The increase of private pre-school educational institutions contributes to the younger generation becoming more educated and mature. The increase in the number of people with scientific potential in the population leads to the growth of the worldview. In addition, the share of income from business activities in the structure of the population's income in our country is increasing more and more. 68% of the population in the object we studied are engaged in business activities. In particular, he freely realizes the products he grows on his farm and thereby becomes part of the economically active population.

5. CONCLUSION

Summarizing the above, it can be said that the development of agricultural enterprises, that

is, the expansion of the activities of farmers and homesteads, which are considered objects that ensure food security among the population, is promoted as an important factor in raising the standard of living of the population in rural areas. In our opinion, the perfect lifestyle of the villagers depends largely on the following:

- it is necessary to improve the living conditions of the population in rural areas and regularly improve the social and service sector;

- it is necessary to determine the main criteria of the sphere of social service to the population and to use the necessary innovative strategies to improve it;

- implementation of priority issues such as wide introduction and further development of small business and private entrepreneurship in the field of service provision;

- increasing the employment of the population in rural areas, improving the activities of production and processing enterprises;

- it is necessary to establish integrated relations between existing production and service enterprises in rural areas.

LIST OF USED LITERATURE

1. Greetings of the President of the Republic of Uzbekistan to the agricultural workers of Uzbekistan December 11, 2021.
2. Салин В.Н., Шпаковская Е.П. Социально-экономическая статистика. М., 2001. с. 399.
3. Дагбаева С.Д. Уровень жизни населения: пути решения проблемы бедности. Улан-Удэ., 2008. с.35.
4. Abdurakhmanov Q.Kh. Labor economy. Tashkent, "Mehnat" 2009. p. 357.
5. Mukhiddinov Kh. S. To improve the standard of living of the population of the region and to model social development. Monograph. T.: "FAN", 2009. 12 p.
6. KHAMRAEVA S. N., ALIMOVA M. Y. Methodological bases for assessing the level of innovative development of agriculture and its service infrastructure activities //Journal of Contemporary Issues in Business and Government| Vol. – 2021. – Т. 27. – №. 2. – С. 4063.
7. Khamraeva S. N. The role of infrastructure in the socio-economic development of agriculture in the context of anti-crisis measures //Regional features of mitigating the effects of the global financial and economic crisis in Uzbekistan. Proceedings of the Republican scientific-practical conference.–Termez. – 2014. – С. 182-184.
8. Ochilova, N. A. "FARMING MANAGEMENT AND THEIR ECONOMIC EFFICIENCY." *INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM* 3.28 (2023): 177-184.
9. Очиллова, Наргиза. "ЗНАЧЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ В РАЗВИТИИ ДЕХКАНСКИХ И ПОДСОБНЫХ ХОЗЯЙСТВ." *Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences*. 3.4 (2023): 106-112.
10. <https://qashstat.uz/uz/>

UDK: 631.115.1

ДЕХҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ТОМОРҚА ЕРЛАРИДА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Очилова Наргиза Акрамовна-Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти, Инновацион иқтисодиёт кафедраси таянч докторанти

ПЕРСПЕКТИВЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОИЗВОДСТВА В ДЕХКАНСКИХ И ПОДСОБНЫХ ХОЗЯЙСТВАХ

Очилова Наргиза Акрамовна-Каршинский инженерно-экономический институт, докторант кафедры Инновационной экономики

PROSPECTS FOR IMPROVING PRODUCTION EFFICIENCY IN FARMING AND LANDSCAPE

Ochilova Nargiza Akramovna-Karshi Engineering and Economics Institute, doctoral student of the Department of Innovative Economics

Аннотация. Ушбу мақолада Қашқадарё вилояти деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерларида маҳсулот етиштириш ҳолати ва уларнинг самарадорлигини ошириш борасидаги муаммо ва камчиликлар ўрганилган ҳамда таҳлил қилинган. Олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: деҳқон хўжаликлари, томорқа ер майдонлари, деҳқончилик маҳсулотлари, самарадорлик, ҳосилдорлик, инновацион технологиялар, ялпи ҳосил, аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлиги.

Аннотация. В данной статье изучены и проанализированы проблемы и недостатки крестьянских и подсобных хозяйств Кашкадарьинской области, а также проблемы и недостатки повышения их эффективности. По результатам исследования были разработаны выводы и предложения.

Ключевые слова: деҳқонское хозяйство, подсобное хозяйство, сельскохозяйственная продукция, эффективность, продуктивность, инновационные технологии, валовой сбор, продовольственная безопасность населения.

Abstract. In this article, the problems and shortcomings of peasant farms and farmsteads of the inhabitants of the Kashkadarya region and the problems and shortcomings of increasing their efficiency are studied and analyzed. Based on the results of the study, conclusions and proposals were developed.

Keywords: farming, subsidiary farming, agricultural products, efficiency, productivity, innovative technologies, gross harvest, food security of the population.

1. КИРИШ

Жаҳон қишлоқ хўжалигида деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерлари муҳим ўрин эгаллаб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган моддий эҳтиёжлари ва талабларини муайян даражада қондириб келмоқда. Иқтисодий маълумотларга кўра, “бугунги кунда жаҳон қишлоқ хўжалиги иқтисодий фаол аҳолининг 1 млрд. кишидан зиёдини бандлик даражасини таъминламоқда, жаҳондаги жами маҳсулотларнинг 5

фоиз” [1] га яқини мазкур тармоқ ҳиссасига тўғри келади. Шу билан бирга БМТнинг прогнозига кўра, “2030-йилда жаҳон иқтисодиёти тикланишини ҳисобга олганда ҳам, 670 миллионга яқин аҳоли (дунё аҳолисининг 8 фоизи) очарчиликка дучор бўлади” [2], бу эса, ўз навбатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга бўлган талабни кучайтиради, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларидаги масъулиятни орттириб, рақобат муҳитини шакллантиради.

Янги Ўзбекистонда охириги йилларда кишлоқ хўжалиги соҳасидаги тузилмавий-таркибий ўзгаришлар, хусусан, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини кўп укладли асосда ривожлантириш, соҳани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сотув тизимини ривожлантириш борасида мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Биргина томорқалардан унумли фойдаланиш, алмашлаб экиш, ердан 2-3 марталаб ҳосил олишнинг йўлга қўйилиши натижасида маҳсулотлар аҳолининг эҳтиёжларидан ортиб маҳаллий ва дунё бозорларигача чиқарилмоқда” [3]. Аммо иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи кишлоқ хўжалигида аҳолининг томорқа ерларида маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш билан бирга маҳсулот сифатини оширишни тақазо этади. Шу боис истиқболда “агросаноат корхоналарини хом-ашё маҳсулотлари билан таъминлаш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 бараварга ошириш ҳамда аҳоли томонидан томорқалардан самарали фойдаланилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш [4]” вазифаси белгиланган. Бироқ, иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи кишлоқ хўжалигида аҳолининг томорқа ерларида маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш билан бирга маҳсулот сифатини оширишни тақазо этади.

2. МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Кишлоқ хўжалиги тармоғини, жумладан, деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва истиқболларини ўрганиш масалалари кўплаб хорижлик олимлар томонидан ўрганилган. Хусусан, Ута Приегниц [5], К.Ю.Волошенко, А.А.Михаилова [6], К.Р.Макконел [7], А.Бобок [8], Г.И.Шмелев [9] ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида асосан кишлоқ хўжалиги соҳасини ижтимоий - иқтисодий ривожланиши у ёки бу мамлакатларнинг хусусиятларидан келиб

чиқиб, концептуал ёндашув амалга оширилган.

Деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерларида маҳсулот етиштириш ва ҳудудларнинг салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган. Бу борадаги Ўзбекистонда кишлоқ хўжалигини иқтисодий ривожлантириш ва тузилмавий-таркибий ўзгаришларни ўрганиш иқтисодчи олимлардан Б.Б.Беркинов [10], С.С.Гулямов [11], Р.Х.Эргашев [12], С.Н.Хамраева [13], Г.Т.Самиева [14] ва бошқаларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган. Ушбу тадқиқотларда деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерларида маҳсулот етиштириш, кишлоқ хўжалигининг ҳудудлардаги ривожланиши, уларга таъсир қилувчи омиллар, ҳудудлар салоҳияти ва истиқболларини иқтисодий жиҳатдан янада кенг тадқиқ этиш, соҳага инновацион технологиялардан мақсадли фойдаланиш йўллари долзарб муаммо сифатида қаралган.

3. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мазкур мақолада Қашқадарё вилояти деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерларида маҳсулот етиштириш ҳолати ва динамикаси ўрганилди ва таҳлил қилинди. Тадқиқот олиб бориш жараёнида анкета-сўровнома, иқтисодий таҳлил, статистик гуруҳлаш, индукция, дидукция, мантикий фикрлаш ва прогнозлаштириш усуллари кенг фойдаланилган.

4. ТАҲЛИЛЛАР ВА АСОСИЙ НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонида кўра, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва ўсиш суръатларини таъминлашда асосий мақсадлардан бири сифатида кишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш,

қишлоқ хўжалигидаги йиллик ўсишни 5%¹⁶га етказиш белгиланган.

Дехқон ва томорқа хўжаликлари мамлакат аграр секторини барқарор ва самарали ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг энг муҳим бўғини сифатида фаолият юритади. Тадқиқот давомида Қашқадарё вилоятининг деҳқон хўжа-

ликлари ва аҳолининг томорқа ерларида маҳсулот етиштириш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш мақсадида сўровнома ўтказилди. Ўтказилган сўровнома асосида деҳқон хўжаликларига бириктирилган ерларни гуруҳлаштириш асосида 1-жадвалдаги маълумотлар аниқланди.

1-жадвал

Қашқадарё вилояти деҳқон ва томорқа хўжаликлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижасининг гуруҳланиши¹⁷

| № | Ер майдони бўйича гуруҳлар | Хўжаликлар сони, бирлик | Жамига нисбатан фойда | Бир деҳқон ва томорқа хўжалиги ҳисобига | | | | | |
|--------------|----------------------------|-------------------------|-----------------------|---|-----------------------------------|------------------------|-------------------|-----------------|--|
| | | | | Ўртача ер майдони, га | Ўртача оила аъзолари сони, бирлик | Ялпи даромад, минг сўм | Харажат, минг сўм | Фойда, минг сўм | Оиладаги бир кишига тўғри келад. соф фойда, минг сўм |
| 1 | 0.06га.гача | 35 | 17,5 | 0.05 | 4 | 3865,9 | 1728,1 | 2137,8 | 534,5 |
| 2 | 0.06-0.12 | 54 | 27 | 0.09 | 5 | 5746,3 | 2253,1 | 3693,2 | 638,6 |
| 3 | 0.13-0.20 | 42 | 21 | 0.16 | 6 | 7860,4 | 3271,4 | 4589,0 | 764,8 |
| 4 | 0.21-0.30 | 35 | 17,5 | 0.25 | 7 | 9362,4 | 3289,2 | 6073,2 | 867,6 |
| 5 | 0.31-0.50 | 30 | 15 | 0.40 | 7 | 12454,4 | 5288,3 | 7166,1 | 1023,7 |
| 6 | 0.50 дан ортиқ | 4 | 2 | 0,90 | 8 | 14486,6 | 6021,4 | 8465,2 | 1058,2 |
| Жами: | | 200 | 100 | 0.31 | 6 | 8962,7 | 3641,9 | 5354,1 | 814,6 |

Бу жадвалдан деҳқон ва томорқа хўжаликларининг ер майдонлари ошгани сайин уларнинг даромадлари ортиб борганини кўриш мумкин. Натижада 0,06 гектаргача бўлган 1-гуруҳ деҳқон ва томорқа хўжаликларида ялпи даромад 3865,9 минг сўмни ташкил этган бўлса, сарфланган харажат 1728,1 минг сўмга етгани ҳолда соф фойда 2137,8 минг сўмдан иборат бўлган. Демак, бир оила аъзосига ўртача маблағ 534,5 минг сўмдан тўғри келган.

2-гуруҳ 0,06 гектардан 0.12 гектаргача бўлган деҳқон ва томорқа хўжаликларида эса, ялпи даромад 5746,3 минг сўмни ташкил этган бўлса, сарфланган харажат 2253,1 минг сўмга етгани ҳолда соф фойда 3693,2

минг сўмдан иборат бўлган. Демак, бир оила аъзосига ўртача маблағ 638,6 минг сўмдан тўғри келган. 0,13–0,20 гектаргача бўлган 3-гуруҳ респондентларда олинган ялпи даромад 7860,4 минг сўм ҳисобида бўлиб, бир оила аъзосига тўғри келадиган ўртача фойда 764,8 минг сўмни кўрсатмоқда. Катта ер майдонига эга бўлган деҳқон хўжалиги раҳбарларидан олинган сўровнома натижаларида эса бу кўрсаткич 1058,2 минг сўмдан иборат. Демак, бу гуруҳ респондентларнинг фикрича, ердан унумли фойдаланиш ва юқори иқтисодий самарадорликка эришиш учун мева ва сабзавотчилик муҳим ўринга эга.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. 2022 йил 28 январь

¹⁷ Сўровнома натижалари асосида муаллиф ишланмаси

2-жадвал

 Қашқадарё вилоятида дехқон хўжалигида ишлаб чиқарилган жами маҳсулот
 ҳажми ва унга таъсир этувчи омиллар

| Кўрсаткичлар | Дехқон ва томорқа хўжалигида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми | Дехқон ва томорқа хўжаликлари рининг умумий ер майдони | Ички истеъмол ҳажми | Экспорт ҳажми | Дехқон ва томорқа хўжаликларида банд аҳоли сони | Умумий харажат |
|---------------|---|--|---------------------|---------------|---|----------------|
| Ўлчов бирлиги | млрд.сўм | минг га | млрд.сўм | млрд.сўм | минг киши | млрд.сўм |
| Йиллар | Ҳ | Х1 | Х2 | Х3 | Х4 | Х5 |
| 2002 | 654.3 | 64.8 | 422.9 | 231.4 | 47.5 | 873.5 |
| 2003 | 700.6 | 65.8 | 462.1 | 238.5 | 50.7 | 904.1 |
| 2004 | 714.5 | 66.1 | 465.2 | 249.3 | 44.4 | 851.9 |
| 2005 | 904.7 | 65.2 | 639.3 | 265.4 | 50.8 | 1131.1 |
| 2006 | 956.7 | 64.9 | 628.8 | 327.9 | 54.2 | 1184.1 |
| 2007 | 1125.4 | 65.2 | 762 | 363.4 | 47.7 | 1495.6 |
| 2008 | 1125.8 | 66.7 | 736.5 | 389.3 | 44.4 | 1474.2 |
| 2009 | 1256.4 | 66.1 | 865.8 | 390.6 | 47.6 | 1504.5 |
| 2010 | 1384.4 | 65.1 | 987.2 | 397.2 | 79.3 | 1536.7 |
| 2011 | 1405.9 | 65.3 | 1046 | 359.9 | 92.1 | 1561.9 |
| 2012 | 1485.6 | 66.6 | 1099.8 | 385.8 | 111.1 | 1568.6 |
| 2013 | 1529.4 | 67.5 | 1133.5 | 395.9 | 106.6 | 1554.2 |
| 2014 | 1657.6 | 68.1 | 1211.4 | 446.2 | 115.7 | 1671.8 |
| 2015 | 1698.9 | 69.4 | 1252.6 | 446.3 | 130.9 | 1777.9 |
| 2016 | 1865.4 | 69.8 | 1289.6 | 575.8 | 179.7 | 1960.7 |
| 2017 | 1895.4 | 69.6 | 1311.8 | 583.6 | 316.8 | 1926.4 |
| 2018 | 1917.3 | 69.7 | 1396.4 | 544.2 | 317.8 | 2091.9 |
| 2019 | 1917.8 | 71.1 | 1396.4 | 521.4 | 317.3 | 2019.9 |
| 2020 | 1921.1 | 68.3 | 1370.6 | 550.5 | 304.6 | 2035.6 |
| 2021 | 1922.5 | 62.7 | 1304.7 | 617.8 | 312.8 | 2191.9 |
| 2022 | 1975.3 | 67.6 | 1122.9 | 852.4 | 375.6 | 2201.1 |

Шунингдек, Қашқадарё вилоятида деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ер майдонлари фаолиятини инновацион ривожлантириш асосида уларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш мақсадида эконометрик тадқиқот усулларидадан фойдаланган ҳолда кўп омилли эконометрик модель тузиш мақсадга мувофиқ. Бу ишлаб чиқилган кўп омилли эконометрик моделда қатнашувчи омиллар деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг интенсив ва экстенсив йўл билан ўсиши ва унинг самарадорлигига таъсирини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.


Кўп омилли эконометрик моделни тузишнинг асосий қоидаларидан бири моделга танланиб олинган омиллар ўртасида боғланиш зичликларини аниқлаш, яъни танлаб олинаётган омиллар ўртасида боғланиш мультиколлинеарлик муаммосини текшириш ҳисобланади.

2-жадвалда 2002-2022 йиллар давомида Қашқадарё вилоятида деҳқон хўжалигида ишлаб чиқарилган жами маҳсулот ҳажми,

вилоятда деҳқон ва томорқа хўжаликларининг умумий ер майдони, вилоят ички истеъмол ҳажми, вилоят вилоятида деҳқон хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт ҳажми, деҳқон хўжалик ва томорқаларда банд аҳоли сони ҳамда вилоятда деҳқон хўжалигида ишлаб чиқарилган жами маҳсулотнинг умумий харажатлари ҳақида статистик маълумотларни келтирганмиз.

Қашқадарё вилояти деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерларида ишлаб чиқарилган жами маҳсулот ҳажмининг ошишини эндоген омил сифатида қараб ва унга таъсир этувчи бир нечта экзоген омиллар бўйича корреляцион таҳлил ўтказиш ҳамда кўп омилли эконометрик модел тузиш учун 2-жадвалда келтирилган маълумотлардан фойдаланамиз.

Булар: деҳқон ва томорқа хўжаликларининг умумий ер майдони (X_1), маҳсулотларнинг ички истеъмол ҳажми (X_2), экспорт ҳажми (X_3), деҳқон хўжалиги ва томорқаларда банд аҳоли сони (X_4) ҳамда деҳқон хўжалигида ишлаб чиқарилган жами маҳсулотнинг умумий харажати (X_5).



1-расм. Дехқон хўжалиги ва томорқа ерларида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгариш тенденцияси ва тренд модели¹⁸

Қашқадарё вилояти деҳқон ва томорқа хўжаликларида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгариш ҳолатини

прогнослаш учун қурилган тренд моделлари 1-расмда кўрсатилган. Бунда ҳам деҳқон ва томорқа хўжаликларида ишлаб чиқарилган

¹⁸ Муаллиф ишланмаси

ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгариш ҳолатини тренд моделлари ҳосил қилинган, булардан,

$R^2=0,9879$, $F_{\text{ҳисоб}}=143,5$, $t_{\text{ҳисоб}}=14,16$
($a=0,05$ бўлганда

$t_{\text{жад}}=2,1314$, $F_{\text{жад}}=2,4034$) га тенг бўлган

вақтда,

$$Y=-2,2108t^2+120,74t+449,69$$

кўринишдаги регрессия тенгламасини танлаб олдик ва бу тренд модел асосида прогнозни амалга оширдик.

3-жадвал

Қашқадарё вилояти деҳқон хўжалиги ва томорқа ерларида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажмининг 2023-2027 йиллардаги прогноз варианты

| йиллар | 2022 | 2023 | 2024 | 2025 | 2026 | 2027 | 2023/2022 | 2027/2022 |
|---|--------|----------|----------|----------|----------|----------|-----------|-----------|
| п-даражали эконометрик модел бўйича | 1975,3 | 2233,21 | 2373,774 | 2530,811 | 2703,485 | 2890,79 | 1,130567 | 1,463469 |
| Тренд модел бўйича | 1975,3 | 2035,943 | 2057,197 | 2074,029 | 2086,44 | 2094,429 | 1,030701 | 1,060309 |

3-жадвалда Қашқадарё вилояти деҳқон хўжалиги ва томорқа ерларида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажмининг 2023-2027 йиллардаги прогнози келтирилган. Бунда вилоят деҳқон хўжалигида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажмининг ошишида таъсир этувчи омиллар асосида қурилган кўп омилли эконометрик модел ёрдамида ҳамда 1-расмда кўрсатилган вилоят деҳқон хўжалиги ва томорқа ерларида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажмининг ўзгариш тенденцияси асосида қурилган тренд модели ёрдамида прогноз вариантларини амалга оширганмиз. Кўришимиз мумкинки, кўп омилли эконометрик моделда таъсир этувчи омилларнинг ривожлантириш натижасида вилояти деҳқон хўжалигида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 1,13 баробарга, 2027 йилга бориб эса, 1,46 баробарга ошиши прогноз қилинмоқда. 1-расмда кўрсатилган тренд моделида вақт давомида ўзгаришига қараб, деҳқон хўжалиги ва томорқа ерларида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 1,03 баробарга, 2027

йилга бориб эса, 1,06 баробарга ошиши прогноз қилинмоқда.

5. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерлари орқали маҳсулот етиштиришда айрим муаммолар мавжуд эканини таъкидлаш жоиз.

Биринчи муаммо, томорқа ерларида етиштирилган маҳсулотларни сотиш бўйича етарли маркетинг билимларига, доимий равишда бозорда ўз ўринларига эга эмас. Бунга сабаб, авваламбор, озик-овқат бозорларда аксарият сотувчилар таркибини ишлаб чиқарувчилар ташкил этмайди.

Муаммонинг ечими сифатида деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига кафолатли харид¹⁹ хизматидан фойдаланишни таклиф этамиз.

Иккинчи муаммо, томорқа ер эгаларининг участкалари орқали маҳсулот етиштирувчиларнинг интеграллашмагани мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлигига сабаб бўлмоқда. Бунинг сабаби эса, аҳоли мазкур ерлардан унумли фойдаланмаслиги билан изоҳланади.

Бу муаммони ечишда аввало, ер

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “Томорқа хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш тизимини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-81-сонли Қарори

бонитетини ошириш чора-тадбирларини кўриш, сифатли уруғ ва кўчатларни танлай билиш, малакали ишчи кучини жалб қилиш, махсус лабораторияларда синовдан ўтган, ҳосилдорлиги кафолатланган хом-ашёлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Республикамизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 70 фоизи айнан томорқа ер эгалари томонидан ишлаб чиқарилишини ҳамда кам даромадли аҳолининг кўп қисми қишлоқ жойда истиқомат қилишини ҳисобга олган ҳолда, мазкур вази­фаларни амалга ошириш орқали уларнинг иқ­тисодий самарадорлигини даромадларини кўпайишига имконият яратиш мумкин. Қола­верса, бу жараёнларнинг ижобий натижаси аҳолининг нафақат озиқ-овқатга бўлган эҳтиё­жини таъминлаш, балки мамлакатда экспорт салоҳиятининг ортишига ҳам олиб келади.

Шунингдек, деҳқончилик тармоғини барқарор ривожлантиришда яна бир қатор муаммо ва камчиликларни учратиш мумкин. Жумладан,

- деҳқон ва томорқа ер эгаларининг ерга бўлган муносабатини янада масъулиятли тарзда ўзгартириш керак. Бундай муаммо­ларни келиб чиқишининг асосий ечими сифа­тида фьючерс шартномаси асосида томорқа хўжаликлари ва деҳқонларга маҳсулот етказиб бериш бўйича узлуксиз тизим яратишдир;

- мамлакат ички озиқ-овқат бозорини йилнинг барча мавсумида ҳам деҳқончилик маҳсулотлари билан доимий таъминлаш мақ­садида, захира яратиш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи деҳқон хўжа­ликлари ва томорқа эгалари эҳтиёжини таъминлаш бўйича хом-ашё етказиб бериш тизимини такомиллаштириш зарур. Бунга “Томорқа хизмати” фаолиятини оммалашти­риш орқали эришиш мумкин;

- қишлоқ хўжалиги мавсумий характерга эга эканлиги сабабли, барча тоифадаги хўжа­ликларда маҳсулотлар бир вақтда етиштири­лади. Табиийки, харидор топишда, истеъмол бозорига таклиф қилишда тўсиқлар, рақобат юзага келади. Натижада, нархнинг кескин ту­

шиб кетиши, харажат ва даромад ўртасидаги фарқ камайиб кетиши кузатилади. Бунинг учун маркетинг билан боғлиқ тизим харита­сини ҳудудлар кесимида ишлаб чиқиш мақ­садга мувофиқдир;

- бизга маълумки, экспорт салоҳиятини оширишда деҳқон хўжаликлари ҳамда томор­қаер эгаларининг улуши 60 фоиздан юқори. Аммо, экспортга йўналтирилган қўшилган қиймат занжирини яратишда уларнинг ишти­роки сезиларли даражада паст;

- энг муҳим масалалардан яна бири деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерларига серҳосил уруғ ва кўчат танлашда сертификация тизимини ривожлантириш ва хўжалик ходимлари ўз вақтида керакли маълумот билан таништирилиши лозим;

- қишлоқ хўжалигида кооперация, инф­ратузилма, маркетинг ва логистика тизими­нинг узвийлигини таъминлаш, ресурстежовчи инновацион технологиялар, замонавий сақ­лаш омборлари (музлатгичлар), саралаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш учун қадоклаш технологиялари жорий этилмаган.

Деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ер майдонларида етиштирилган маҳ­сулотларнинг сифати ва ҳосилдорлигини оши­риш мақсадида қуйидаги ташкилий-иқтисо­дий механизмларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эга­ларига дастлаб, ишлаб чиқариладиган маҳсу­лот тури, қандай ишлаб чиқариш лозим ва қайси технологияга таяниш лозим, каби савол­ларга жавоб топиши учун агросеминарлар, маҳорат дарсларини ташкил қилиш истеъмол бозорлари ва қишлоқ хўжалиги корхона­ларини жадал ривожлантириш имконини беради;

- деҳқон ва томорқа хўжаликлари ходим­ларини иқтисодий ва маънавий рағбатлан­тириш тизимининг узвийлигини таъминлаш орқали уларнинг ўзига бўлган ишончи ва масъулияти ортади. Бунинг натижасида соғ­лом рақобат муҳити шаклланиб, маҳсулот етиштиришнинг интенсив ва экстенсив

йўллари биргаликда ривожланади;

- мамлакатимизнинг ҳар бир қишлоқ ҳудудида қайта ишловчи кичик саноат шаҳобчаларини ташкил қилиш асосида етиштирилаётган деҳқончилик маҳсулотларининг сифати ва ҳажми сақланиб қолади;

- ҳар бир ҳудуднинг табиий иқлим-шароити ва ер бонитетини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот турини етиштиришни йўлга қўйиш. Бунда „бир маҳалла – бир маҳсулот“ тамойили бўйича тизимли ишлар босқичма-босқич амалга ошириб борилади;

- қишлоқ хўжалиги ривожланган хорижий давлатлар билан илмий ва амалий алоқаларни йўлга қўйиш орқали, табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда интенсив уруф ва кўчатларни олиб келиш ҳамда уларнинг технологиясини ўрганиш. Бунда нафақат озиқ-овқат, балки ноозиқ-овқат учун уруғликлар ҳам назарда тутилади;

- рақамли иқтисодиёт шароитида қишлоқ хўжалигини электрон шаклда ривожлантириш имкониятларини ҳисобга олиб, “Ақли қишлоқ хўжалиги” (Smart agriculture) ва инновацион-рақамли агротехнологиялар комплекс тизимини кенг жорий этиш. Масалан, деҳқончилик тизимини янада ривожлантиришда online-платформа ва мобил иловалар яратиш, уларнинг амалий ижросини таҳлил қилган ҳолда, молиявий қўллаб-қувватлаш манбаларини яратиш. Натижада, деҳқон ва томорқа ер эгалари самарадорликка эришиш учун керакли илмий ва амалий билимлар, инновацион технологиялар ҳақида тегишли маълумотларга эга бўладилар. Фикримизча, бунда статистика қўмиталари ва қишлоқ хўжалиги бошқармаларини жалб қилиш ва улар билан доимий мулоқотларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир;

- “Томорқа хизмати” негизида ноёб ва иқтисодий самарадорлиги юқори экин навларини кўпайтириш мақсадида, қулай шароитга эга иссиқхоналар, кичик интенсив боғлар ташкил этиш ҳамда деҳқон ва томорқа хўжаликларига ўз вақтида етказиб бериш.

Ушбу бажарилиши лозим бўлган вазифаларнинг ижобий натижаси аввало, аҳоли орасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжнинг узлуксиз занжирини яратиш, ўзини-ўзи банд қилиш, жамиятда ишсизликнинг камайиши, қолаверса давлатнинг иқтисодий барқарорликка эришишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Натижада деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи деҳқон хўжаликларини ва аҳолининг томорқа ер майдонларининг ташкилий-иқтисодий механизмининг самарали ташкил этишда бир-бирига боғлиқ кичик тузилмалар шаклида ва ўзаро ҳаракатни таъминловчи механизм ишлаб чиқиш асосида хўжаликнинг мукамал бошқарув тизими яратилади.

Демак, деҳқон ва томорқа хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий механизмга таъсир этувчи омилларни шартли равишда ҳукуқий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий гуруҳларга бўлиш тавсия этилади. Ҳукуқий омиллар сифатида меъёрий-ҳукуқий баъзани такомиллаштириб бориш натижасида юзага келган ўзгаришлар таъсир кўрсатса, ташкилий омиллар маҳсулотни тайёр ҳолга келтиргунга қадар керакли барча хизматлар, бошқарув тизимини замонавий усул ва услубларини ишлаб чиқилиши билан боғлиқ жараёнлар, иқтисодий омиллар сифатида нарх, солиқ, молиялаштириш, суғурта, кредит, иш ҳақи каби, ижтимоий омиллар эса, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб ўрганилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. www.fao.org – Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги халқаро ташкилотининг расмий сайти маълумотлари.
2. <https://www.fao.org/newsroom/detail/un-report-global-hunger-SOFI-2022-FAO/ru>. Доклад ООН: В 2021 году число голодающих в мире достигло 828 млн.
3. <https://yuz.uz/news/FAO-ekspertlari-ozbekistonda-oziq-ovqat-xavfsizligini-qollab-quvvatlamogda>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон.
5. Uta Priegnitz. Understanding seed potato selection practices in Uganda // Joint PhD thesis, University College Cork, Ireland, and Wageningen University, Wageningen, Netherlands (2019)

6. Voloshenko K.Yu., Mikhailova A.A. Innovative factors and conditions of sustainable development of rural territories. // "Innovations in the development of rural territories". Kaliningrad, Russia June 21, 2012, pp-79-87
7. Макконнелл К.Р. Экономикс. В 2-хт. Т-1. – М., 2003. С.399
8. Бобок А. Развивать малые формы хозяйствования // АПК: экономика, управление : Теоретический и научно - практический журнал / гл. ред.
9. Шмелев Г.И. Личное подсобное хозяйство. – М.: Знание, 1985 г. –С64
10. Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари.– Т.: ТДИУ, 2007 – 23
11. С.С.Гулямов, Б.К.Ғойибназаров, Д.С.Алматова. Минтақалар озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда инновацияларнинг роли // “Ўзбекистонда инновацион менежмент стратегияларини амалга ошириш тажрибаси” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси илмий мақола ва тезислар тўплами (2018 йил 9 октябрь). – Т.: ТДИУ, 2018. – 472 б.
12. Эргашев Р.Х. Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперацияси самарадорлигини ошириш йўллари. - Текст научной статьи по специальности «Экономика и бизнес»
13. Хамраева С.Н. “Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани инновацион ривожлантириш йўналишлари”. Дисс. и.ф.д. Қарши 2019, 171 б.
14. Самиева Г.Т. Дехкон хўжаликларида ишлаб чиқаришни диверсификациялаш йўналишлари”. и.ф.н. даражасини олиш учун ёзилган дисс., Қарши – 2019.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “Томорка хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш тизимини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-81-сонли Қарори
16. Қашқадарё вилояти статистика қўмитаси маълумотлари

UDK: 338.43(075)

OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA O'SIMLIKCHILIK TARMOG'INI INNOVATSION RIVOJLANTIRISH

J.P.Pirimkulov – QarMII tayanch doktoranti

ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ СЕТИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

Ж.П.Пиримкулов – докторант КИЭИ

INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE AGRICULTURAL NETWORK IN ENSURING FOOD SECURITY

J. P. Pirimkulov – doctoral student of KIEI

Annotatsiya. Ushbu maqolada aholini oziq ovqatga bo'lgan talabini qondirishda o'simlikchilik tarmog'ining o'rni tahlil qilinadi. Shuningdek, o'simlikchilik tarmog'ini innovatsion rivojlantirish yo'nalishlari ko'rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: o'simlikchilik, innovatsiya, innovatsion rivojlantirish, oziq-ovqat xavfsizligi, aqlli qishloq xo'jaligi.

Аннотация. В данной статье анализируется роль сети растениеводства в удовлетворении потребности населения в продуктах питания. Также будут рассмотрены направления инновационного развития селекционной сети.

Ключевые слова: селекция растений, инновации, инновационное развитие, продовольственная безопасность, умное сельское хозяйство.

Annotation. This article analyzes the role of the plant growing network in meeting the needs of the population for food. The directions of innovative development of the breeding network will also be considered.

Key words: plant breeding, innovation, innovative development, food security, smart agriculture.

1. KIRISH

Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) ning Oziq-ovqat va qishloq xo‘jaligi tashkiloti (FAO) hamda Jahon sog‘liqni saqlash tashkiloti (WHO) ma‘lumotlariga ko‘ra, hozirgi vaqtda dunyoda deyarli har to‘qqiz odamning biri to‘yib ovqatlanmayapti, bu degani dunyo aholisining 10 foizidan ziyodi²⁰ to‘laqonli ravishda ovqatlanmaslik, eng asosiy mikroelement va vitaminlar yetishmasligi muammosini boshidan kechirmoqda.

Dunyo aholisining hayot faoliyati sifati har jihatdan sifatli oziq-ovqat bilan qay darajada ta‘minlanganligiga bog‘liq. Har bir mamlakat o‘zining iqlim sharoiti, yer unumdorligi, intensiv qishloq xo‘jaligi, o‘simlikchilik mahsulotlarini qay darajada yetishtirishi, sanoatning rivojlanganlik darajasiga qarab bu muammoni

turli xil usullar orqali hal qilmoqdalar. Ammo shunda ham iqtisodiyoti qoloq, aholi soni yuqori mamlakatlar oziq-ovqat taqchilligi muammosini to‘la to‘kis hal eta olishmayapti. Buning oqibatida esa insonlarda to‘yib ovqatlanmaslik, ochlik, kambag‘allik, qashshoqlik ko‘rsatkichlari o‘sib bormoqda. O‘zbekiston ocharchilik darajasi bo‘yicha 2019-yilda global ochlik indeksida 180 dan ortiq mamlakat ichida 10,7 ball bilan 49-o‘rinni²¹ egallagan bo‘lsa, 2020-yilda ushbu indeksda 6,7 ball bilan 30-o‘ringa ko‘tarildi²², 2021 yilda esa 5,6 ball bilan 21-o‘ringa²³ erishdi. Masalaning yana bir tomoni qishloq xo‘jaligi dunyodagi eng katta ish beruvchi tarmoqdir. Bugungi kunda jami dunyo aholisining o‘rtacha 23,4 foizi²⁴, O‘zbekistonda esa jami iqtisodiy faol aholining 23,1 foizi²⁵ qishloq xo‘jaligi tarmog‘ida band (1-jadval).

1-jadval

O‘zbekiston aholisi va qishloq xo‘jaligida band bo‘lgan aholi soni dinamikasi²⁶

| Yillar | 2005 | 2010 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 |
|--|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Aholi soni, ming kishi | 26021,3 | 28001,4 | 32656,7 | 33255,5 | 33905,2 | 34558,9 | 36024,9 |
| Iqtisodiy faol aholi soni, ming kishi | 10224,0 | 12286,6 | 14641,7 | 14876,4 | 14797,4 | 14980,7 | 15139,1 |
| Qishloq aholisi, ming kishi | 16579,4 | 13575,5 | 16124 | 16448,8 | 16761,1 | 17048,5 | 17338,7 |
| Qishloq xo‘jaligida band aholi, ming kishi | 2961,1 | 3120,9 | 3537,2 | 3544,6 | 3499,2 | 3502,1 | 3506,8 |
| % da | 28,9 | 25,4 | 24,1 | 23,8 | 23,6 | 23,4 | 23,1 |

²⁰ <https://www.fao.org/documents/card/en/c/cc2211en>

²¹ [Globalhungerindex.org/pdf/en/2019/Uzbekistan.pdf](https://www.globalhungerindex.org/pdf/en/2019/Uzbekistan.pdf)

²² [Globalhungerindex.org/pdf/en/2020/Uzbekistan.pdf](https://www.globalhungerindex.org/pdf/en/2020/Uzbekistan.pdf)

²³ <https://www.globalhungerindex.org/ranking.html>

²⁴ https://www.theglobaleconomy.com/rankings/employment_in_agriculture/

²⁵ O‘sha yerda

²⁶ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligi ma‘lumotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan.

2. MAVZUGA OID ADABIYOTLAR TAHLILI

Jahonda, o'simlikchilik tarmog'ining tobora rivojlanib borishining asosiy sabablaridan biri yuqori darajadagi texnika va ilg'or texnologiyalardan foydalanib kelinayotganligidadir, chunki taraqqiy etgan mamlakatlarning iqtisodiy strategiyasi innovatsion jarayonlarni rivojlantirishga qaratilgan. Masalan, Yevropa hamjamiyati mamlakatlarida YaIM o'sishining 90 foizi innovatsion faoliyat hisobiga to'g'ri keladi. Iqtisodiy o'sishning 70 foizi mehnat unumdorligini tashkil etsa, 30 foizi innovatsion texnologiyalar hisobidan amalga oshiriladi [1]. Zamonaviy sharoitda turli mamlakatlar hukumatlari ilmiy sohaga, xususan tadqiqot va innovatsiyalarga katta miqdorda sarmoya kiritmoqda. Masalan, 2020 yilda Germaniya tadqiqot va ishlanmalar uchun taxminan YAIMning 3,1%, Shevtsiya 3,5%, Belgiya 3,5%, AQSh 3,45%, Turkiya 1,089%, Rossiya 1,098%, Yaponiya 3,275% yo'naltirdi. 2021 yilda Yevropa Ittifoqining ilmiy-tadqiqot va ishlanmalar xarajatlari yalpi ichki mahsulotga nisbatan 2,27 foizni tashkil etdi, bu o'tgan yilga nisbatan 2,31 foizga past bo'ldi. Tahlillarga ko'ra, O'zbekiston agrar sektorida innovatsiyalar hajmi jami yalpi ichki mahsulot hajmida 1-2% ni tashkil etadi. Mazkur holat o'simlikchilik mahsulotlarini yetishtirishda innovatsiyalarning ilmiy-uslubiy asoslarini ishlab chiqish, mazkur jarayonlarning ilmiy-nazariy va metodologik jihatlarini bo'yicha tizimli tadqiqotlar olib borishni taqozo qiladi.

O'simlikchilik mahsulotlarini yetishtirishda innovatsiyalarning mazmuni, uni o'ziga xos xususiyatlari innovatsiya tushunchasida o'z aksini topadi. Ta'kidlash joizki, bu tushuncha xorijlik olimlar asarlarida ham, mamlakatimiz olimlarining ishlarida ham turlicha ta'riflar keltirib o'tilmoqda.

S.Y.Glazyev fikricha, "...ko'plab empirik tadqiqotlar u yoki bu innovatsiyalar tarqalishining ijtimoiy ehtiyojlar holatiga bog'liqligini ishonchli tarzda ko'rsatib beradi: ko'plab ixtirolar o'nlab yillar, ba'zan esa asrlar dav-

mida ulardan foydalanishning amaliy ehtiyojini kutib turadi. O'z navbatida, muayyan mahsulotga bo'lgan ehtiyoj, garchi ko'p darajada uni ishlab chiqarish imkoniyatlari bilan belgilanadigan bo'lsa-da, iste'molchi xatti-harakatlarining o'zgaruvchan stereotiplari ta'siri ostida shakllanadi" [2].

E.M.Rojers fikricha, innovatsiya g'oya yoki narsaning obyektiv yangiligidan qat'i nazar, shaxs yoki uni qabul qiluvchi boshqa shaxs tomonidan yangi deb qabul qilinadigan har qanday narsa [3].

Gybenz fikriga ko'ra, "innovatsiya - bu mahsulotlar uchun ishlatilganmi yoki yo'qmi, ishlab chiqarish uchun g'oyalarni qo'llash, jarayonlar, xizmatlar, marketing tizimi yoki boshqaruvidir" [4].

P.Jervis innovatsiya murakkab jarayon ekanligini va innovatsiyaga bo'lgan har bir urinishning o'ziga xos omillari borligini ta'kidlaydi [5].

Iqtisodiy adabiyotlarda innovatsiyaga nisbatan berilgan ta'riflar bo'yicha uchta guruhga bo'lishni tavsiya etilgan: birinchi guruh mualliflari innovatsiyani jarayon sifatida tan olishadi, ikkinchi guruh olimlari pirovard natija deb ifodalashadi va uchinchi guruh olimlari esa barcha yo'nalishlardagi chora-tadbirlar majmui deb qarashadi [6].

J.Brillman fikricha, innovatsiya kompaniyaning rivojlanishiga hissa qo'shadigan va unga raqobatchilar tomonidan qo'yilgan muammolarni hal qilishga imkon beruvchi omil bo'lgan ijodiy g'oyani qo'llash [7].

Amerikalik olim N.Wienerning fikricha, "innovatsiya - bir guruh malakali olimlarning bilimni puxta va har tomonlama izlash natijasi" ekanligini ta'kidlaydi [8].

Eron olimlari H.Tohidi, M.M.Jabbarning fikricha, "innovatsiya - bu g'oya rejasiga kirishdan boshlanadigan va yangi funktsiyaga aylanadigan va shuning uchun u yaratilishdan farq qiladigan jarayon" [9].

Insoniyat tarixining barcha asosiy inqilobiy to'lqinlari - qishloq xo'jaligi, sanoat, axborot

- barchasi yangi va yaxshiroq qiymat yaratish uchun innovatsiyalar bilan bog'liq [10].

J.Schmookler innovatsiyani "mahsulot va jarayonlar haqida yangi va foydali bilimlarni ochishga qaratilgan faoliyat" sifatida belgilaydi [11]. V.Walsh ixtiro, innovatsiya va iqtisodiy faoliyatning tezligi, yo'nalishi va ko'lamini belgilovchi omillarni o'rganadi. F.E.Udwadia ijodkorlik bilan bog'liq individual xususiyatlarga e'tibor qaratadigan bir nechta istiqbollarni modelini taqdim etadi.

J.W.Wardning fikricha, "bizning madaniyatimiz murakkab sanoat jarayonlariga ega bo'lgan yuqori ilg'or texnologiya asosida qurilganligini va unda iqtisodiyot aniq bir-biriga bog'liq bo'lgan qismlardan iborat" [12] ligini ta'kidlaydi.

T.Hoopesning fikricha, "kelajakda jamiyatimizning inson omiliga bog'liq bo'lmazligiga olib kelgan innovatsiya mashinasi yo'q qilinmasligini va chunki ilmiy-texnika taraqqiyoti qaytarib bo'lmaydigan sifatga ega" [13] ligini ta'kidlaydi.

Innovatsiya masalalari bilan shug'ullanuvchi mamlakatimiz va chet ellik olimlarning tadqiqotlarini o'rganish natijasida innovatsiya, innovatsion jarayon va innovatsion faoliyatning mazmuni va mohiyatiga turlicha yondashuvlar borligini ko'rishimiz mumkin. Innovatsiya nazariyasining rivojlanishiga asos solgan olim avstriyalik iqtisodchi Jozef Alois Shumpeter (1883-1950) hisoblanadi. Mutaxassislar fikriga ko'ra, aynan ushbu olim birinchi bor innovatsiya tushunchasini ilmiy asoslab bergan. Y.A.Shumpeter ilgari surgan g'oyaga ko'ra, joriy etilgan har qanday yangi texnik qaror, texnologiya, ishlab chiqarishni tashkil etish, yangi bozorlarning tarkib topishi, xomashyolar manbai innovatsiya hisoblanadi. Bundan tashqari innovatsiyalar nafaqat yangilik, balki ishlab chiqarish omilidir. Y.A.Shumpeter o'zining «Iqtisodiy rivojlanish nazariyasi» (1911) nomli kitobida birinchi

bo'lib "yangi kombinatsiyalar" (ya'ni innovatsion muammolar) masalalarini ko'rib chiqdi va yangilikning to'liq tavsifini berdi. Keyinchalik "yangi kombinatsiya" atamasi o'zgartirilib "innovatsiya" holatiga keltirildi.

Shuningdek, o'zgarishlar nuqtai nazaridan innovatsiyalarga La Pyerre, Y.Yakovets, F.Valenta va boshqalar ta'rif berib, "innovatsiya - boshlang'ich holatdan yangi holatga o'tish yo'li bilan xo'jalik ichki tuzilmasida sodir bo'lgan har qanday o'zgarish" yoki "ijodiy g'oyaning rivojlanishi va uni tayyor mahsulot, jarayon yoki tizimga aylanishi" [14] deb qarashadi.

P.Druker innovatsiyalarni rivojlantirishni tadbirkorlik nuqtai nazaridan talqin etib, tadbirkorlarning innovatsion qarashlari, fikrlashi bir-biridan farqlanishi, innovatsiya jarayonlarining rivojlanishi tadbirkorlikning ixtisoslashuv yo'nalishlariga bog'liqligini ta'kidlaydi [15].

3. TADQIQOT METODOLOGIYASI

Maqolada ilmiy abstraksiyalash, tahlil va sintez, induksiya va deduksiya, qiyoslash, monografik kuzatuv, statistik guruhlash, so'rovnoma usullaridan foydalanilgan. Ushbu tadqiqot ma'lumotlari rasmiy manbalardan olinib, taniqli iqtisodchi olimlarning qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishi bo'yicha ilmiy-nazariy qarashlarini qiyosiy tahlil qilish, xorij tajribalarini umumlashtirish, monografik tadqiqotlar va so'rovnomalar o'tkazish bo'yicha olingan natijalarga tayangan holda qishloq xo'jaligini barqaror rivojlantirishda innovatsiyalarning tutgan o'rni chuqur o'rganishga erishildi.

4. TAHLIL VA NATIJALAR

So'nggi yillarda mamlakatimizda olib borilayotgan izchil islohotlar tufayli Qashqadaryo viloyatining iqtisodiy ko'rsatkichlari ham ijobiy tarafga o'zgarib bormoqda. Birgina qishloq xo'jaligi tarmog'ining yalpi hududiy mahsulotdagi ulushi oxirgi o'n besh yillikda 10-12 baravar oshgan (2-jadval).

2-jadval

 Qashqadaryo viloyatida 2010-2022 yillarda iqtisodiy ko'rsatkichlarida o'simlikchilik tarmog'ining ulushi²⁷

| Ko'rsatkichlar | O'lchov birligi | 2010 | 2015 | 2020 | 2021 | 2022 | 2022 yilning 2010 yilga nisbatan o'zgarishi, % da |
|--|-----------------|---------|----------|----------|----------|----------|---|
| Yalpi hududiy mahsulot | mlrd.so`m | 6 944,1 | 17 247,7 | 35 605,3 | 42 560,2 | 49 520,8 | +613,1 |
| Qishloq xo'jaligi | mlrd.so`m | 2753,7 | 9089 | 23777,8 | 28275,6 | 32227,2 | +1070,3 |
| YHM ning qishloq xo'jaligida gi ulushi | % da | 39,7 | 52,7 | 66,7 | 66,4 | 65 | +63,7 |
| Shu jumladan, o'simlikchilik | mlrd.so`m | 1369,3 | 4047,5 | 9236,3 | 11332,1 | 13127,8 | +858,7 |
| O'simlikchilik mahsulotlarining ulushi | % da | 49,7 | 44,5 | 38,8 | 40 | 40,7 | -19 |

2022 yilda ishlab chiqarilgan o'simlikchilik mahsulotlarining hajmi 13127,8 mlrd. so'mni yoki 2010 yilga nisbatan deyarli 10 barobar oshganligini ko'rishimiz mumkin. O'simlikchilik mahsulotlarining ulushi 2010 yilda 49,7 % bo'lsa, 2022 yilda bu raqamlar 40,7 % ni tashkil etmoqda. Bu esa yalpi hududiy mahsulotda o'simlikchilikdan tashqari chorva-chilik ham katta nisbatda odimlaganini ko'rsatadi. Yalpi hududiy mahsulot hajmi ham 2010 yil bilan taqqoslaganda deyarli 7 barobar oshganligini ko'ramiz. Buning zahirida oxirgi yillarda viloyatda olib borilyotgan izchil islohotlar, sohalarning yangilanishi, ya'ni eski korxonlar

o'rnida zamonaviy innovatsion texnologiyalar bilan jihozlangan ishlab chiqarish korxonlari ko'payganligini, shuningdek, ishlab chiqarish hajmi ham oshganligini ko'rsatadi [16].

Statistik tahlillar asosida viloyat aholisining so'ngi yillarda qishloq xo'jaligi mahsulotlari bilan qay darajada ta'minlanganligini o'rganib chiqildi. Qashqadaryo viloyatida doimiy aholi soni 2022 yil 1 yanvar holatiga ko'ra 3408345 kishi bo'lib, ularning qishloq xo'jaligi mahsulotlari bilan tibbiyot normasiga asosan ta'minlanganlik darajasi quyidagicha bo'ldi (3-jadval).

²⁷Qashqadaryo viloyati Statistika boshqarmasi ma'lumotlari asosida muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

3-jadval

 Qashqaryo viloyatida 2015-2022 yilda aholi jon boshiga qishloq xo'jaligi mahsulotlari bilan ta'minlanganlik darajasi tahlili²⁸

| Mahsulot turi | Yalpi mahsulot hajmi, tonna | | | Aholi jon boshiga YaM hajmi, kg | | | Tibbiyot normasi, kg ²⁹ | Me'yorga nisbatan ta'minlanganligi, % | | |
|------------------------------|-----------------------------|--------|--------|---------------------------------|-------|------|------------------------------------|---------------------------------------|------|------|
| | 2010 | 2015 | 2022 | 2010 | 2015 | 2022 | | 2010 | 2015 | 2022 |
| Kartoshka | 97700 | 165926 | 180197 | 37,3 | 56 | 52,8 | 54,6 | 68 | 103 | 97 |
| Sabzavotlar | 321400 | 491072 | 518289 | 122,8 | 165,9 | 152 | 109,2 | 112 | 152 | 139 |
| Poliz ekinlari | 86100 | 141276 | 183060 | 32,9 | 47,7 | 53,7 | 19,2 | 171 | 248 | 280 |
| Mevalar va rezavorlar | 73400 | 129990 | 167341 | 28 | 43,9 | 49 | 76,7 | 37 | 57 | 64 |
| Uzum | 49800 | 94464 | 105149 | 19 | 31,9 | 30,8 | 13,9 | 137 | 229 | 222 |


Jadvaldan ko'rinib turibdiki, kartoshka, mevalar va rizavor o'simliklar aholini to'liq darajada ta'minlash uchun yetarli emas. Kartoshka mahsulotlari 2010 yilda aholini 68 % ga ta'minlagan, 2015 yilga kelib 103 % ni tashkil qilgan, ammo 2022 yilda 97 % ni tashkil qilib 6 % ga tushib ketgan. Buning asosiy sabablaridan biri sifatida aholining ko'payishi hamda oxirgi yillarda iqlim sharoitining og'ir kelishi hisoblanadi. Meva va rezavor mahsulotlari ham 2010 yilda 37 % ga aholini ta'minlagan bo'lsa, 2015 yilda 57 % ni, 2022 yilda 64 % ni tashkil qilgan. Aslida bu ko'rsatkich normaga nisbatan 36 % ga kam sanaladi. Ma'lumki, so'nggi yillarda iqlim sharoitining noqulayligi tufayli qishloq xo'jaligi uchun ancha qiyinchiliklar yuzaga kelmoqda. Natijada respublikada aynan meva mahsulotlari ishlab chiqarish hajmi oldingi yillarga nisbatan

keskin kamayib ketdi. Shu sababli viloyat aholisining oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashda noqulay ob-havo sharoitlarni hisobga olgan holda qishloq xo'jaligi mahsulotlari ishlab chiqarishda innovatsion ishlanmalarni kechiktirmasdan joriy etishimiz va buning natijasida aholining o'simlikchilik mahsulotlari bilan ta'minlanganlik darajasini sezilarli darajada oshirishimiz mumkin.

Viloyatda oxirgi yillarda qishloq xo'jaligi sohasida olib borilgan jadal islohotlar natijasida viloyatning asosiy turdagi qishloq xo'jaligi ekinlarining hosildorligi bir qancha ijobiy tomonga o'sganini ko'rishimiz mumkin. Qishloq xo'jaligi mahsulotlari ishlab chiqarishning o'sishi nafaqat ekin maydonlarining ko'payishiga, balki ularning o'rtacha hosildorlik darajasining oshishiga ham bog'liq sanaladi (1-rasm).

²⁸ Qashqadaryo viloyati qishloq xo'jaligi boshqarmasi hamda Qashqadaryo viloyati statistika boshqarmasi ma'lumotlari asosida muallif tomonidan ishlab chiqilgan

²⁹ <https://lex.uz/docs/5182749>. O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligining buyrug'i, 24.12.2020 yildagi 0007-20-son



1-rasm. Qashqaryo viloyatida 2010-2022 yillarda asosiy turdagi qishloq xo'jaligi ekinlarining hosildorligi, (s/ga)³⁰

5. XULOSA VA TAKLIFLAR

Statistik tahlil natijalarga ko'ra, respublikada amalga oshirilayotgan agrar iqtisodiy islohotlar qishloq xo'jaligi, shu jumladan o'simlikchilik tarmog'ini rivojlanishiga ijobiy ta'sir etmoqda. O'simlikchilik tarmog'ining barqaror rivojlanishi va daromadliligi, eng avvalo, yetishtirilgan mahsulotlardan oqilona foydalanish darajasiga bog'liq. Ishlab chiqarilgan mahsulotlarni sotish bilan bog'liq muammolar yuzaga kelganda, o'simlikchilik mahsulotlari xom ashyosini emas, balki qayta ishlangan mahsulotlarni sotish maqsadga muvofiq. O'simlikchilik tarmog'i mahsulotlarini yetishtirilgan joylarda qayta ishlash iqtisodiy jihatdan foydali bo'lib, bu barcha yetishtirilgan mahsulotlardan oqilona foydalanish imkonini beradi. Bozor munosabatlari sharoitida o'simlikchilik tarmog'ida ishlab chiqarishni talabga yo'naltirilgan taqdirdagina barqaror rivojlanishini ta'minlash mumkin. Marketing xizmatlarini, birinchidan,

keng turdagi va katta hajmdagi mahsulot ishlab chiqarishga ixtisoslashgan yirik qishloq xo'jaligi korxonalarida, ya'ni klaster, kooperasiya shakllarida, ikkinchidan, mahsulotning salmoqli qismini o'z ma'muriy hududidan tashqariga sotuvchi qishloq xo'jaligi mahsulotlari ishlab chiqaruvchi xo'jaliklarda tashkil etish maqsadga muvofiqdir. Shu bilan birga, qishloq xo'jaligi tarmog'ining o'ziga xos hususiyalaridan kelib chiqqan holda davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash mexanizmlarini ham takomillashtirib borish zarur. Xususan, davlat tovar ishlab chiqaruvchilarga ma'lum moddiy resurslarni sotib olish xarajatlarining bir qismini qoplashi, qisqa muddatli va uzoq muddatli kreditlar bo'yicha foiz stavkalarini subsidiyalashi maqsadga muvofiqdir. O'simlikchilik mahsulotlarini ishlab chiqarish va import o'rnini bosishning iqtisodiy samaradorligini oshirish uchun davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanadigan mablag'larni ko'paytirish zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Савенко В. Г. Формирование системы освоения инноваций в сельском хозяйстве. (теория, методология, практика). Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва. 2005. 338 стр
2. Глазьев С.Ю. Теория долгосрочного технико-экономического развития. – М.: ВладДар, 1993. – стр. 71
3. Rogers, E.M. (2003). Diffusion of innovations (5th ed.). New York: Free Press

³⁰ Qashqadaryo viloyati qishloq xo'jaligi boshqarmasi hamda Qashqadaryo viloyati statistika boshqarmasi ma'lumotlari asosida muallif tomonidan ishlab chiqilgan

4. www.sciencedirect.com Procedia Technology 1 (2012) 535-542
5. Jervis, P. (1972). Innovation in electron-optical instruments. Two British case histories. *Research Policy*, 1(2): 174-207. DOI: [https://doi.org/10.1016/0048-7333\(72\)90017-0](https://doi.org/10.1016/0048-7333(72)90017-0)
6. Кирьяков А.Г., Максимов В.А. Основы инновационного предпринимательства. – Ростов на Дону: Феникс, 2002.- с. 12.
7. Brilman, J. (2002). Nowoczesne koncepcje i metody zarzadzania. PWE, Warszawa
8. Wiener, N. (1954). *The human use of human beings: Cybernetics and society*. Boston, Massachusetts, United States of America: Da Capo Press
9. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S221201731200117X>
10. Lee and Olson, 2010 *Convergenomics: Strategic innovation in the convergence era*. Gower Publishing, (2010)
11. Schmookler, J. (1957). Inventors past and present. *The Review of Economics and Statistics*, 39(3): 321-333. DOI: <https://doi.org/10.2307/19266048>
12. Ward, J. W. (1960). The organization society. *Princeton University Magazine*, September. Box 2: folder 24. Retrieved from http://asteria.fivecolleges.edu/findaids/amherst/ma87_main.html
13. Hoopes, T. (1963). Creativity: Key to organizational renewal. *Business Horizons*, 6(4): 35-42. DOI: [https://doi.org/10.1016/0007-6813\(63\)90061-2](https://doi.org/10.1016/0007-6813(63)90061-2)
14. La - Pierre P.T. *Social Change*. N.Y., 1965. - P. 107.
15. Alpatov A.A. Gosudarstvenno-chastnoe partnerstvo: Mexanizmiy realizatsii [Tekst] / A.A. Alpatov, A.V. Pushkin, R.M. Djaparidze. – М.: Альпина Publisher, 2010. – 198s.
16. Xamrayeva S.N. Qishloq infratuzilmasini innovatsion rivojlantirish. Monografiya - Toshkent: 2017 – 73 bet

IV. KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIK

UDK: 338.01 (075)

АГРОСАНОАТ МАЖМУИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Курбанов Алишер Бобокулович – Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси доценти

НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В АПК

Курбанов Алишер Бобокулович - доцент кафедры
«Инновационная экономика» Каршинского инженерно-экономического института

DIRECTIONS OF DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURSHIP IN AIC

Kurbanov Alisher Bobokulovich - Associate Professor of the
Department of Innovative Economics, Karshi Engineering and Economic Institute

Аннотация. Мақолада тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятлари ва унда тадбиркорликнинг ўрни асосланган. Шунингдек, агротадбиркорлик соҳасида илмий тадқиқот олиб борган олимларнинг фикрлари ўрганилган ва таҳлил этилган. Тадбиркорликнинг ривожланиш кўрсаткичлари таҳлил этилган ва прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. Агросаноат мажмуида тадбиркорликка мойиллик даражаси ҳисобланган. Қишлоқ хўжалиги соҳасида мутахассисларнинг етишмовчилиги ва тадбиркорликдаги мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, агротадбиркорлик, технология, самарадорлик, тадбиркорликка мойиллик даражаси.

Аннотация. В статье описаны специфические черты предпринимательства и роли предпринимательства в нем. Также были изучены и проанализированы мнения ученых, проводивших научные исследования в сфере агропредпринимательства. Проанализированы показатели развития бизнеса и разработаны прогнозные показатели. Даны предложения и рекомендации по дефициту специалистов в области сельского хозяйства и решению существующих проблем в сфере предпринимательства.

Ключевые слова: Сельское хозяйство, предпринимательство, агробизнес, технология, предпринимательство, уровень предпринимательства.

Annotation. The article is based on the specific features of entrepreneurship and the role of entrepreneurship in it. The opinions of scientists who conducted scientific research in the field of agricultural entrepreneurship were also studied and analyzed. Business development indicators are analyzed and forecast indicators are developed. Suggestions and recommendations are given on the shortage of specialists in the field of agriculture and the solution of existing problems in the field of entrepreneurship.

Key words: Agriculture, entrepreneurship, agribusiness, technology, entrepreneurship, level of entrepreneurship.

1. КИРИШ

Республикада агросаноат мажмуасини ривожлантириш ҳозирги куннинг стратегик вазифаларидан бири ҳисобланади. Фақат унинг ривожланишини кучайтириш ҳисобига мамлакатимиз миллий иқтисодиёти бозор иқтисодиёти талаблари асосида мустақамлаш ва миллий бойлигининг ўсиб бориши учун мавжуд бўлган захираларидан фойдаланишга имконият яратилади.

Агросаноат мажмуасини ривожлантириш иккита асосий йўналишнинг ривожланишига боғлиқ. Биринчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб боришга боғлиқ бўлса, иккинчидан, уни қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга боғлиқдир. Бу икки масалани ижобий ҳал қилишнинг ушбу соҳаси кичик тадбиркорликни кучайтиришга боғлиқдир.

Агросаноат мажмуаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ва унда яратилган маҳсулотларни саноат асосида қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг интеграциялашуви асосида олиб борилишини талаб этади. Бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни йил давомида қондиришни таъминлайди. Ишлаб чиқарилган айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тўғридан-тўғри истеъмолга йўналтирилса, айримлари эса қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулотга айлантирилади.

Ўзбекистон ва унинг ҳудудларида кичик тадбиркорлик халқ хўжалигининг қайси тармоғидан қатъий назар давлат дастури асосида ривожланади. Чунки давлат кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш асосида мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлайди.

2. МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Тадбиркорлик муаммосига ҳозирги иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари асосида тадбиркорликнинг моҳиятини таҳлил қилган ҳолда қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин:

Биринчи йўналиш – тадбиркорлик бу фойда олиш учун йўналтирилган мустақил иқтисодий фаолиятдир.

Иккинчи йўналиш – тадбиркорлик фаолиятининг мақсади фойда олишни инкор қилмай, балки тадбиркорлик моҳиятини аниқловчи сифатида, ресурсларнинг янги комбинацияларини амалга оширишда муносабатлар йиғиндисига асосланган ҳолда ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига эришиш ҳамдир [4].

Учинчи йўналиш – тадбиркорлик фаолиятини ресурсларнинг ҳаракатини бошқаришда ижодкорлик зарур, деб ҳисобланади. Уларга Д.В.Бусыгин [5], В.Д.Камаев [7], И.Н.Герчикова [6], Ф.М.Русинов [8] ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу олимларнинг тадқиқотларида тадбиркорлик оддий меҳнат фаолияти эмас, балки ижодий активлик сифатида акс эттирилган.

А.Н.Асаул [1] фикрича, тадбиркорлик – бу иқтисодий фаолиятнинг ўзига хос тури бўлиб, унинг моҳияти бозор алмашинуви орқали ўз аъзоларининг ўзига хос эҳтиёжларига бўлган жамият талабини рағбатлантириш ва қондиришдан иборат бўлиб, бозор мувозанати бузилиши орқали рақобатдош устунликларга эга бўлишга қаратилган. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик маълум бир субъектлар ва тадбиркорлик фаолиятининг объектлари иштирокини ўз ичига олади. И.В.Украинсеванинг сўзларига

кўра [2], хўжалик юритувчи субъектлар – бу хўжалик фаолиятини олиб борадиган ва тўлиқ жавобгарликни ўз зиммаларига оладиган тадбиркорларнинг ўзлари.

Агросаноат мажмуасини ривожлантириш иккита асосий йўналишнинг ривожланишига боғлиқ. Биринчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб боришга боғлиқ бўлса, иккинчидан, уни қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга боғлиқдир. Бу икки масалани ижобий ҳал қилишнинг ушбу соҳаси кичик тадбиркорликни кучайтиришга боғлиқдир [3].

3. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мақолада илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дидукция, қиёслаш, монографик кузатув, статистик гуруҳлаш, сўровнома усулларидан фойдаланилган. Ушбу тадқиқот маълумотлари расмий манбалардан олиниб, таниқли иқтисодчи олимларнинг соҳага оид илмий-назарий қарашларини қиёсий таҳлил қилиш, хориж тажрибаларини умумлаштириш, монографик тадқиқотлар ва сўровномалар ўтказиш бўйича олинган натижаларга таянган ҳолда ўрганилди.

4. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Агросаноат мажмуаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ва унда яратилган маҳсулотларни саноат асосида қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг интеграциялашуви асосида олиб борилишини талаб этади. Бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни йил давомида қондиришни таъминлайди. Ишлаб чиқарилган айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тўғридан-тўғри истеъмолга йўналтирилса, айримлари эса қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулотга айлантирилади.

Ўзбекистон ва унинг ҳудудларида кичик тадбиркорлик халқ хўжалигининг қайси тармоғидан қатъий назар давлат дастури асосида ривожланади. Чунки давлат кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш асосида

мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлайди [4].

Кичик тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш дастурларига асосан қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

- кенг жамоани бир фаолиятга жалб этиш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш фаолияти ташкил этилди;

- агросаноат мажмуасида янги иш жойларини очиш ва айниқса, қишлоқ жойларда кишиларнинг меҳнат билан бандлиги оширилди;

- қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарини ривожлантириш кенг йўлга қўйилди;

- бозор муносабатларининг интенсив ривожлантирилиши қишлоқ жойлардаги инфратузилма ва рақобатни кучайтиришга шароит яратди;

- хизмат кўрсатиш соҳасини талаб даражасида бўлиши учун илм-фан натижаларига асосланган фаолиятларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди;

- ички бозорларни истеъмол товарлари билан тўлдириш, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хўжалик юритувнинг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари жорий этилди [5].

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши даврий характерга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда кредит беришни такомиллаштириш зарур. Кредит бериш муаммосини табиий иқлим шароитлари билан боғласа, маблағ киритиш таваккалчилиги ошади. Шу сабабли агросаноат мажмуасида кичик тадбиркорликни ривожлантириш нафақат субъектив, балки объектив қийинчиликлар билан ҳам боғлиқдир. Шунинг учун давлат ва маҳаллий ҳокимиятлар шароитдан келиб чиққан ҳолда кичик тадбиркорликни ривожлантиришда, интеграциялашган механизмни яратишда кенг рағбатлантирувчи сиёсатни олиб бориш керак.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади ва вазифалари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, минтақада бозор иқтисодиётини ривожлантириш шароитини яратиш устувор йўналиш ҳисобланиши керак. Мустақилликнинг биринчи кунларидаёқ бозор иқтисодиётига эркин рақобат муҳитини яратиш учун барча давлат корхоналарини хусусийлаштириш асосида турли мулкчилик субъектлари ташкил этилди. Кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қарорларнинг амалиётга кенг тадбиқ этилиши, текшириш ишларининг қисқарганлиги, бизнес юритиш учун молия харажатларининг камайганлиги, рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тизимининг жорий этилиши натижасида рўйхатга олинган ва фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони жадал ошиб,

уларнинг иқтисодий кўрсаткичларида ҳам ижобий ўзгаришлар юз бермоқда [6].

Вилоятда кичик тадбиркорлик субъектларининг ўсишини қисқа муддатли прогноз асосида кўришимиз мумкин. Қисқа муддатли прогнозни амалга ошириш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$y_{t+1} = m_{t-1} + \frac{1}{n}(y_t - y_{t-1}) \quad (1)$$

y_{t+1} - прогноз кўрсаткичи

$t + 1$ - прогноз қилинаётган оралик

m_{t-1} - прогноз қилингунча давр оралиғи

Экстрополяция методи орқали қилинган прогноз аниқлигини баҳолаш формуласи ва мезонлари қуйидаги формула асосида ҳисоблаш мумкин:

$$E = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n \left[\frac{|y_{\phi} - y_{yp}|}{y_{\phi}} * 100 \right] \quad (2)$$

| E | Прогноз ишончлилиги |
|----------------|----------------------------|
| < 10 | Аниқлиги юқори |
| 10-20 | Аниқлиги яхши |
| 20-50 | Аниқлиги қониқарли |
| > 50 | Аниқлик қониқарсиз |

Қашқадарё вилоятида кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2022-2023 йилларда қанча миқдорда ўсишини аниқлаймиз.

$$\begin{aligned} m_{2019} &= (y_{2018} + y_{2019} + y_{2020})/3 \\ &= 44295 + 57903 + 68845/3 \\ &= 57347.7 \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} m_{2020} &= (y_{2019} + y_{2020} + y_{2021})/3 \\ &= 57903 + 69843 + 74024/3 \\ &= 67257.3 \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} m_{2021} &= (y_{2020} + y_{2021} + y_{2022})/3 \\ &= 68845 + 74024 + 74865/3 \\ &= 72911.3 \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} m_{2023} &= (y_{2021} + y_{2022} + y_{2023})/3 \\ &= (74024 + 74865 \\ &\quad + 78552) / 3 = 75813,67 \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} y_{2024} &= 75813,67 + \frac{1}{3}(78552 - 74865) \\ &= 77042,67 \end{aligned}$$

$$m_{2024} = 74865 + 78552 + 77042/3$$

$$= 76819,89$$

$$y_{2025} = 76819,89 + \frac{1}{3}(77042 - 78552)$$

$$= 76316,56$$

$$m_{2025} = 78552 + 77042,67 + 76819,89/3$$

$$= 77471,52$$

$$E = 10,8/6 = 1,8$$

Экстрополяциянинг прогнозни аниқлаш мезони кўрсаткичи бўйича аниқлик юқорилигини билдиради [7].

Қашқадарё вилоятида кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2025 йилда 2018 йилга нисбатан 1,8 баробар кўпайиб, 2025 йилда 2018 йилга нисбатан 33176 бирликка ошиши кутилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Қашқадарё вилояти тармоқлари бўйича фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг 2024-2025 йилларда ўсиш прогнози

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | Прогноз | | 2025 йилда 2018 йилга нисбатан фарқи, (+;-) |
|-------------------------------|---|-------|-------|-------|-------|-------|---------|-------|---|
| | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | 2024 | 2025 | |
| Тадбиркорлик субъектлари сони | 44295 | 57903 | 69845 | 74024 | 74875 | 78552 | 76819 | 77471 | 33176 |
| Ўртача сирғанувчи коэффициент | - | 57347 | 67257 | 72912 | 73805 | 75813 | - | - | - |
| Ўртача хатолик кўрсаткичи | $-\left[\frac{y_{\phi} - y_{\text{пр}}}{y_{\phi}} * 100\right]$ | 1 | 3,7 | 1,5 | 1,1 | 3,5 | ∑ 10,8 | | |

Қашқадарё вилоятида кичик тадбиркорлик субъектлари сонининг тармоқлар таркиби бўйича таҳлили кўрсатишича, кичик тадбиркорлик субъектларининг тармоқлар ўртасида тақсимланишида номуносибликлар борлигини кузатишимиз мумкин. Саноат корхоналари сони 2023 йилда 2018 йилга нисбатан 1,2 мартага ортган ҳолда иқтисодиётдаги улуши 0,2 мартага камайган, шунингдек, савдо ва маиший хизмат (0,7), уй-жой коммунал хўжалиги (0,7), таълим соҳалари (0,9) нинг тармоқдаги улуши пасайиб кетганлигини кўриш мумкин. Вилоятда қурилиш (1,0), қишлоқ хўжалиги (1,1) ва транспорт (2,3), соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий таъминот (1,2) тармоқларида кейинги беш йил ичида иқтисодиёт тармоқлари бўйича улуши ошган.

Фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сонининг тармоқдаги улушининг соҳалар бўйича ўзгариши қуйидаги омилларга боғлиқ:

– вилоятдаги мавжуд маҳаллий ресурслардан келиб чиққан ҳолда тармоқлар бўйича ихтисослашувига;

– минтақадаги тармоқлар бўйича талаб ва таклифга таъсир қилувчи омилларга;

– вилоят туманларидаги демографик ҳолатга;

– кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур бўлган ресурслар таркибига;

– замонавий технологияларнинг жорий қилиниш даражасига.

Статистик маълумотларга кўра, вилоятда иш қидириб юрганлар 58,2 минг кишини ташкил қилиб, меҳнат биржаларида ишсиз деб эътироф этилганлар 2532 кишини ташкил қилган ёки умумий ишга яроқлиларга нисбатан 0,002 фоизни ташкил этади. Қашқадарё вилояти ҳамда унинг туманларида кичик ва хусусий тадбиркорликда банд бўлган аҳолининг таҳлили ўрганилганда, агросаноат мажмуида ўртача аҳолининг 19,7 фоизи банд, зеро қишлоқ жойларда

56,4 фоиз аҳоли яшайди. Бу аграр секторда кичик тадбиркорлик корхоналарида банд бўлганларнинг улуши ошиб бораётган бўлсада, ишга яроқли аҳолининг ўсиш даражасига нисбатан паст даражада эканлигини англатади. Бу эса агросаноат мажмуида кичик тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш зарурлигини тақозо этади. Вилоят иқтисодиётининг стратегик ривожланишини белгилашда кичик тадбир-корликка хос бўлган янги иш ўринларини яратиш вазифасини бажариш жараёнида қуйидаги муаммоларига эътибор бериш лозим:

- туманларда тадбиркорликка кўмаклашувчи бозор инфратузилмалари ташкилотларининг етишмаслиги ёки юқори савияда хизмат кўрсатмаётганлиги;

- аҳоли бандлигини таъминлаш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш ҳудудий дастурларида белгиланган асосий параметрларининг бажарилмаётганлиги;

- ҳудудларда фаолият юритмаётган тадбиркорлик субъектларининг улушининг юқорилиги;

- маҳаллий ҳокимият муассасаларининг кичик бизнес вакиллари билан ўзаро ҳамкорликдаги алоқалари етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги;

- тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришлари учун бино, ер ажратиш, газ ва электроэнергия таъминоти талабга жавоб бермаслиги;

- жойларда тадбиркорликка кўмаклашувчи бозор инфратузилмалари ташкилотларининг етишмаслиги ёки юқори савияда хизмат кўрсатмаётганлиги [8].

Тадбиркорлик ривожланиши даражасининг пировардида кишилар турмуш фаровонлиги ётади. Кишилар турмуш фаровонлигининг ўсиши тадбиркорлик ривожланиши даражасини белгилайди. Шу жиҳатдан тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси кўрсаткичларининг ўсиши кишилар фаолияти билан боғлиқ. Кичик тадбиркорлик корхоналарининг ликвидлик коэффициенти, Кичик тадбиркорлик корхоналари яратилиш коэффициенти, кичик тадбиркорлик субъектларининг 1000 кишига тўғри келиши шундай кўрсаткичлардир. Қашқадарё вилояти ва унинг туманларида ликвидлик коэффициенти ўрганилганда, шундай ҳолат кўрилдики, 2023 йилда ликвидлик деярли 1,3 ни ташкил қилиб, 2015 йилга нисбатан 0,7 мартага камайган. Кичик тадбиркорлик корхоналарининг яратилиш коэффициентининг ўзгаришида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин (2-жадвал).

Минг кишига тўғри келадиган тадбиркорлик субъектлари сони 2009 йилда 28,6 ни ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан 4,5 мартага ошган, тренд чизиғи бўйича прогноз қилинганда 2026 йилга бориб ушбу кўрсаткич 6,5 мартага ўсиши кузатилмоқда. Уни қуйидаги функция орқали ҳисоблашимиз мумкин

$$y=3,08x+4,6778 \quad (3)$$

Бу ерда x - прогноз қилинаётган йил.

Тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси кўрсаткичларини ҳисоблашда ҳудуд меҳнат ресурсларининг тадбиркорликка мойиллик даражасини аниқлаш муҳим. Чунки иқтисодий фаол аҳоли иқтисодий муносабатларда қатнашиш жараёнида жисмоний ва ақлий имкониятларини ишга солади.

2-жадвал

Қашқадарё вилоятида кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси кўрсаткичлари³¹

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | | | | 2023 й. 2015 й. нисбатан | Прогноз | | | 2026 й. 2015 й. нисб. келажакда ўзгариши, марта |
|---|--------|------|------|------|------|------|------|------|------|--------------------------|---------|------|------|---|
| | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 | 2023 | | 2024 | 2025 | 2026 | |
| Кичик тадбиркорлик субъектларининг 1000 кишига тўғри келиши | 6,4 | 9,5 | 12 | 18 | 23 | 27 | 28,4 | 27,7 | 28,6 | 4,5 | 35,5 | 39 | 42 | 6,5 |
| Кичик тадбиркорлик корхоналарининг ликвидлик коэффиценти | 5 | 2,7 | 3,4 | 1 | 2,4 | 0,9 | 0,7 | 2,9 | 1,3 | 0,3 | | | | - |
| Кичик тадбиркорлик корхоналари яратилиш коэффиценти | 21 | 51 | 33 | 57 | 33 | 23 | 6,6 | 4 | 6,3 | 0,3 | | | | |

Жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи кишиларнинг аксарияти иш бажарувчи ҳисобланади. Ақлий меҳнат билан шуғулланувчиларни эса икки тоифага, таваккалчиликка мойил ва таваккалчиликка мойил бўлмаган кишиларга ажратиш мумкин. Таваккалчиликка мойил бўлмаган кишиларга давлат корхоналарида ишловчилар, илмий-тадқиқот, техник-конструкторлик ишлари билан шуғулланувчилар, таваккалчиликка мойил бўлган кишилар эса хусусий товар ишлаб чиқарувчи, иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг таъсисчилари ва уларнинг шерикларидан иборат. Таваккалчиликка мойил бўлган ушбу гуруҳ ижодий фикрлаш, яратувчанлик, ташкилотчилик қобилияти орқали ўз мулки ва шерикларининг мулкани ҳаракатга келтириб, маълум натижага эришиш учун таваккал қиладилар. Бундай кишиларни тадбиркорликка мойил кишилар ва ҳудуднинг ҳаракатчан меҳнат ресурслари сифатида

қарашимиз мумкин. Шундан келиб чиқиб, ҳудуд меҳнат ресурсларининг тадбиркорликка мойиллик даражасини қуйидагича ҳисоблашимиз мумкин:

$$ХТМД = \frac{ТС}{ЖМР} \cdot 100 \quad (4)$$

Бу ерда: *ХТМД* - ҳудуднинг тадбиркорликка мойиллик даражаси
ТС - тадбиркорлик субъектлари сони
ЖМР - жами меҳнат ресурслари сони
 Бундан ташқари тармоқ бўйича тадбиркорликка мойиллик даражасини ҳисоблаш ҳудуднинг ихтисослашганлик даражаси ва ҳаракатчан меҳнат ресурслари қайси тармоқда кўпроқ фаолият кўрсатётганлигини ҳамда тармоқда фаолият кўрсатиш тадбиркорлар учун самарали эканлигини кўрсатади.

Тармоқ бўйича тадбиркорликка мойиллик даражасини қуйидагича ҳисоблашимиз мумкин:

³¹ муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

$$ТМД_T = \frac{ТБС_T}{ТМС_T} 100 (5)$$

Бу ерда $ТМД_T$ -Тармоқ бўйича худуднинг тадбиркорликка мойиллик даражаси.

$ТБС_T$ - Тармоқ бўйича тадбиркорлик субъектлари сони.

$ТМС_T$ -Тармоқ бўйича фаолият кўрсатаётган меҳнат ресурслари сони.

Қашқадарё вилоятида 2022 йил қишлоқ жойларда 738800 меҳнат ресурслари мавжуд бўлиб, ушбу агросаноат мажмуи тармоқларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик

субъектлари (деҳқон ва фермер хўжаликлари, агрофирмалар) сони 63439 бирликни ташкил қилган. Вилоятда тармоқнинг тадбиркорликка мойиллик даражасини қуйидагича топишимиз мумкин:

$$ТМД_T = \frac{ТБС_T}{ТМС_T} 100$$

$$= 63439 / 738800 * 100 = 8,1$$

Вилоятда 2022 йил агросаноат мажмуида 8,1 фоиз меҳнат ресурси тадбиркорликка мойил ва лаёқатли деб топилган (3-жадвал).

3-жадвал.

Агросаноат мажмуида меҳнат ресурсларининг тадбиркорликка мойиллик даражаси³²

| Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | 2022 й. 2017 й. нисб., марга |
|---|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------------------------------------|
| | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 | 2022 | |
| Тадбиркорлик субъектлари сони, бирлик | 44295 | 57903 | 68845 | 72074 | 74865 | 78552 | 1,77 |
| Жами меҳнат ресурслари сони, минг киши | 1821900 | 1809800 | 1811123 | 1819312 | 1819245 | 1819450 | 0,999 |
| АСМда тадбиркорлик субъектлари сони, бирлик | 33881 | 47036 | 58188 | 60053 | 61153 | 63439 | 1,9 |
| АСМ да жами меҳнат ресурслари сони, минг киши | 653400 | 672230 | 706233 | 731945 | 744823 | 783800 | 1,20 |
| Худуд меҳнат ресурсларининг тадбиркорликка мойиллик даражаси, %* | 2,4 | 3,2 | 3,8 | 4,0 | 4,1 | 4,3 | 1,78 |
| АСМ да меҳнат ресурсларининг тадбиркорликка мойиллик даражаси, %* | 5,2 | 7,0 | 8,2 | 8,2 | 8,2 | 8,1 | 1,56 |

Қашқадарё вилоятида худуднинг тадбиркорликка мойиллик даражаси 2022 йилда 4,3 фоизни ташкил қилиб, 2017 йилга нис-

батан 1,8 мартага ошган. Агросаноат мажмуида тадбиркорликка мойиллик даражаси 2022 йилда 8,1 фоизни ташкил қилиб, 2017

³² муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган

йилга нисбатан 1,6 мартага ўсган. Ушбу кўрсаткич меҳнат ресурсларининг қанча фоизи тадбиркорликка қизиқиши ва уни уддалай олиши мумкинлигини англатади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ҳудуд ёки тармоқнинг ривожланиш даражасини аниқлаш ва қайси жойда қандай тадбир ўтказиш йўналишларини белгилашга имкон яратади.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш даражаси кўрсаткичларини ҳамда иш билан бандликни ошириш учун вилоят ва унинг туманларида ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирлар оширилиши зарур. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва мавжуд меҳнат ресурсларининг ҳаракатчанлигини таъминлаш, касб-малакасини ошириш, кишилардаги мавжуд тажрибасини сақлаб қолиш муҳимдир. Бунинг учун бизнинг фикримизча, меҳнат ресурсларини икки йўналишда малака ошириш тизимини шакллантириш тадбиркорлар ўртасида ҳамда қишлоқ меҳнат бозорида меҳнат ресурслари ўртасидаги рақобат, шунингдек меҳнат ресурслари ва тадбиркорлар ўртасида ҳам рақобат муҳитини яратиш имконини беради. Ушбу ҳолатни шакллантириш учун кадрларни босқичма-босқич малака ошириш ва қайта тайёрлаш механизмининг жорий қилиш лозим.

Жумладан, қишлоқ меҳнат бозоридаги ҳолат ҳамда иш билан бандликни таъминлаш бўйича мавжуд муаммоларни тугатиш лозимлигини кўрсатади, улар қуйидагилар:

- иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандлар салмоғининг юқорилиги;

- иш билан бандликнинг ошиши кўп жиҳатдан беқарор иш ўринларини яратиш ҳисобига, хусусан юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик соҳасида фаолият кўрсатаётганлиги;

- яширин ишсизлик қўламлари сақланиб қолаётганлиги;

- малакали ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф орасидаги номувофиқликнинг мавжудлиги;

Бу муаммоларини ҳал қилишда яқин келажакда қуйидаги вазифаларни бажариш керак, деб ҳисоблаймиз:

- аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш, айниқса қишлоқ аҳолиси ҳамда меҳнат бозорида етарли даражада рақобатбардош бўлмаган ижтимоий – демографик гуруҳларнинг иш билан бандлик даражасини ошириш;

- иш билан бандликнинг тармоқ ва ҳудуд таркибини такомиллаштириш;

- меҳнат бозорида талаб ва таклифнинг миқдор ва сифат (касб-малака) жиҳатдан мутаносиблигини таъминлаш;

- ишчи кучининг сифатини, касбий ва ҳудудий ҳаракатчанлигини ошириш.

1-jadval ma’lumotlari Samarqand shahridagi “Nodir Samarqand”, “Malika Praym”, “Orient Star Samarkand” mehmonxonalaridagi kuzatuvlar asosida tuzilgan. Bunda ichki va xorijiy turistlar uchun kuzatuvlar birgalikda olib borilgan, shu bois maksimal qiymatlar, ba’zi holatlarda ancha katta qiymatlarni qabul qilgan. Turpaketdan tashqari xizmatlarga xarajatlari har doim ham sodir bo‘lmaydi, shu bois bu hodisalarni ro‘y berish ehtimolini 40% deb

olgan holda Bernulli yig‘ma taqsimoti yordamida sodir bo‘lish yoki bo‘lmasligi hamda Pert taqsimoti yordamida tegishli qiymatlarni qabul qilishi matematik modellashtirildi [10]. Bunda Bernulli yig‘ma taqsimoti quyidagi ko‘rinishga ega:


³³ Muallif tomonidan olib borilgan tadqiqotlar asosida tuzilgan

$$F(k, n, p) = \Pr(X \leq k) = \sum_{i=0}^k \frac{n!}{i!(n-i)!} p^i (1-p)^{n-i}$$

Bu yerda k –berilgan chegaraviy qiymat, n – jami kuzatuvlar soni, p – hodisaning sodir

bo'lish ehtimoli. Ushbu taqsimot orqali binar ma'lumotlarni tasodifiy qiymat qabul qiluvchi funksiya ko'rinishida tasvirlash mumkin [11].

Turistlarning sayohat xarajatlari matematik simulyatsiyasi modeli MS Excel dasturidagi XLRISK dasturiy paketi yordamida amalga oshirildi.




1-rasm. Turistlarning uch kunlik jami xarajatlari yig'ma taqsimoti, ming so'm³⁴

Bunda 100 ta iteratsiya (turli tasodifiy sonlarni qiymatlarga qo'yish) amalga oshirildi va 1-rasmda keltirilgan turistlarning uch kunlik yig'ma xarajatlari taqsimoti keltirib chiqarildi. Ya'ni, masalan, tasodifiy iteratsiyalarning 80% holatida turistlarning uch kunlik xarajati 7

million 973 ming so'mdan ko'p bo'lmaydi. Yoki 10% holatda turistlarning jami xarajatlari 3 million 973 ming so'mdan ko'p bo'lmaydi. Yana bir muhim ko'rsatkich sifatida jami xarajatlar va uning komponentlari o'rtasida korrelyatsiyani baholash mumkin (2-rasm).

³⁴ Muallif tomonidan olib borilgan tadqiqotlar asosida tuzilgan



2-rasm. Jami xarajatlar va xarajatlar turlari bilan korrelyatsiya darajasi³⁵

2-rasmdan jami xarajatlar va transport hamda oziq ovqat xarajatlari o'rtasida kuchli korrelyatsion bog'lanish borligini ko'rish mumkin. Ya'ni turistlarning jami xarajatlarning o'sishida aynan shu xarajatlarning hissasi katta bo'lib chiqdi. Qolgan xizmatlar jami xarajatlar bilan korrelyatsiyasi ancha past 10% atrofida yoki undan kichik ekanligini ko'rish mumkin.

5. XULOSA VA TAKLIFLAR

Umuman olganda, ushbu model faqatgina oldindan qabul qilingan gipotezalarga asoslanadi va xarajatlar qiymatlari Beta taqsimotiga bo'ysunadi deb qabul qilinadi. Shu boisdan, ushbu modelni hamma holatlarga ham qo'llab bo'lmaydi. Ammo bu modeldan foydalangan holda turistik korxonalar uchun turli ssenariylarda daromadlar va xarajatlarni hamda potensial risk qiymatlarini hisoblab chiqish mumkin. Albatta har bir hisoblashda xatoliklar bo'lishi mumkin, chunki real hayotda turistik talab darajasiga o'lchash qiyin bo'lgan juda ko'plab omillar ta'sir ko'rsatadi. Shunga qaramasdan, Monte

Karlo usullaridan foydalanish orqali firmalar bozorining u yoki bu holatida harakat strategiyalarini ishlab chiqish imkoniyatiga ega bo'ladi.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, turizmni rivojlantirish bo'yicha makroiqtisodiy qarorlarni qabul qilishda quyidagilarni inobatga olish lozim:

1. Turistlarni ko'paytirishda transport xarajatlarni kamaytirish choralarini ko'rish, transport tizimida imtiyozlarni ko'paytirish, raqobatli transport tarmog'ini yaratish orqali narxlarni pasaytirish;

2. Turistlar ehtiyojlarini qondiradigan kafe va restoranlarni rivojlantirish, taomlar assortimentini ko'paytirish;

3. Turistning xizmatni izlashga ketadigan xarajatlarni kamaytirish choralarini ko'rish, ya'ni xizmatlar vebsayt, botlar kabilarni yaratish va rivojlantirish;

4. Turistlar xatti harakatlarini kuzatish tadqiqotlarini tez tez olib borish va mos simulatsiya modellarini tuzish orqali talabni baholashni amalga oshirishi muhim hisoblanadi

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. https://en.wikipedia.org/wiki/Monte_Carlo_method
2. SANOVICZ, E. (2011) Turismo em Cidades. São Paulo: Campus.

³⁵ Muallif tomonidan olib borilgan tadqiqotlar asosida tuzilgan

3. Safarov B, Al-Smadi HM, Buzrukova M, Janzakov B, Iliş A, Grama V, Iliş DC, Csobán Vargáné K, Dávid LD. Forecasting the Volume of Tourism Services in Uzbekistan. *Sustainability*. 2022; 14(13):7762. <https://doi.org/10.3390/su14137762>
4. Safarov B., Mirzaev K., Janzakov B., Ruzibayev O. African Journal of Hospitality, Tourism and Leisure, 2022, Vol 11, 6, pp. 2052-2062.
5. Gilbert, E. Investment Basics XLIX. An Introduction to Real Options," Investment 8 Analysts Journal, vol. 60, 2005, pp. 49-52.
6. Cox, J., S. Ross, and M. Rubinstein. Option pricing: a simplified approach. Journal of Financial Economics, vol. 7, no. 3, 1979, pp. 229-263.
7. Elderton, William Palin and Norman Lloyd Johnson (2009). *Systems of Frequency Curves*. Cambridge University Press
8. RODRIGUES, E. M.; NUNES, R. V.; ADRIANO, N. A. (2010) A simulação de Monte Carlo como instrumento para a análise econômico-financeira em investimentos de risco - O caso de uma decisão de investimento na abertura de uma filial para revenda de equipamentos pesados no Estado do Ceará. In: CONGRESSO BRASILEIRO DE CUSTOS, 17, Belo Horizonte, Proceedings... Belo Horizonte: CBC, 2010
9. Clark CE (1962) The PERT model for the distribution of an activity. Operations Research 10, pp. 405-406
10. Uspensky, James Victor (1937). Introduction to Mathematical Probability. New York: McGraw-Hill. p. 45
11. Johnson, N. L.; Kotz, S.; Kemp, A. (1993). Univariate Discrete Distributions (2nd ed.). Wiley. ISBN 0-471-54897-9

X. XIZMATLAR SOHASI

UDK: 332.338.46(575.1)

KOMMUNAL XIZMAT KO'RSATISHDA XARAJATLARNI OPTIMALLASHTIRISH

Boboqulov Sanjar Baxronkulovich - Samarqand iqtisodiyot va servis instituti Raqamli iqtisodiyot kafedrasida, PhD, dotsent v/b

ОПТИМИЗАЦИЯ ЗАТРАТ ПРИ ПРЕДОСТАВЛЕНИИ КОММУНАЛЬНЫХ УСЛУГ

Бобокулов Санжар Бахронкулович - доцент в/б Самаркандский институт экономики и сервиса кафедра "Цифровая экономика", PhD

OPTIMIZATION OF COSTS IN THE PROVISION OF PUBLIC SERVICES

Bobokulov Sanjar Bahronkulovich - Samarkand Institute of Economics and Service, Associate Professor Department of Digital Economy, PhD

Аннотация. Ushbu maqolada muallif raqamli iqtisodiyotga o'tish sharoitida kommunal xizmatlarni ishlab chiqarish jarayonida xarajatlarni tejash, rivojlantirish, kommunal xizmatlar sifatini oshirish bo'yicha fikrlar keltirilgan hamda taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Калит so'zlar: kommunal xizmat, kommunal tizim, kommunal, servis, xizmat, xarajat, tejash, kommunal korxonalar, maqsadli xarajat, xarajatlarni taqqoslash, Simplex, qiymat zanjiri.

Аннотация. В данной статье автором представлены идеи по экономии затрат, развитию и повышению качества коммунальных услуг в процессе производства коммунальных услуг в условиях перехода к цифровой экономике, а также предложения и рекомендации.

Ключевые слова: коммунальное предприятие, коммунальная система, коммунальное предприятие, услуга, стоимость, экономия, коммунальное предприятие, селевая стоимость, сравнение затрат, Simplex, сепочка создания стоимости.

Annotation. In this article, the author presents ideas for cost savings, development and improvement of the quality of public services in the process of production of public services in the context of the transition to a digital economy, as well as suggestions and recommendations.

Key words: utility, utility system, utility, service, service, cost, savings, utility, cost target, cost comparison, Simplex, value chain.

1. KIRISH

Innovatsion iqtisodiyoti sharoitida aholiga kommunal xizmat ko'rsatish tizimida xarajatlarni tejash, mavjud asosiy vositalardan samarali foydalanish, raqamli kommunal xizmat ko'rsatish tizimini joriy qilish orqali xizmat sifatini va uzluksizligini ta'minlash hozirgi davrning dolzarb muammolaridan biri bo'lib qolmoqda. Shu maqsadda, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoevning "2022-2026 yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi [1]. PF-60-son Farmoni 24-maqsadida "...uy-joy-kommunal xo'jaligi, ijtimoiy soha obyektlari va boshqa sohalarda qayta tiklanuvchi energiya manbalarini keng joriy etish va energiya samaradorligini oshirish" deb ta'kidlaganligi kommunal xizmat ko'rsatish tizimida izchil islohotlarni olib borishni, kommunal xizmat ko'rsatuvchi korxonalarda ishlab chiqarish xarajatlarini tejashni, shuningdek, kommunal xizmat ko'rsatish boshqaruv jarayonini samarali tashkil etishni talab qiladi. Bu holat xizmat ko'rsatish sifatini hamda samaradorligini yuksalishi, aholi turmush farovonligi oshishida muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

2. MAVZUGA OID ADABIYOTLAR TAHLILI

Kommunal xizmat ko'rsatishda xarajatlarni optimallashtirish masalalari bo'yicha E.A.Petrova N.I.Budlyanskaya "Korxonada xarajatlarni optimallashtirish ("Xabarovsk" OAJ misolida)" nomli ilmiy maqolasida xarajatlarni optimallashtirish tizimning eng muhim elementi sifatida xarajatlarni boshqarish, uni to'g'ri tashkil etish hamda kommunal xizmatlarni tejash yo'llari bo'yicha "Simplex" usulidan foydalanish orqali optimallashtirishga erishish jarayonlarini yoritib bergan [2].

N.N.Makrushina "Korxonada xarajatlarni optimallashtirish" nomli ilmiy maqolasida Rossiya korxonalari xarajatlarning nazoratsiz o'sishi, uni bartaraf etish uchun optimallashtirish zaruriyati, xarajatlarni tejash uchun maqsadli dasturlarni ishlab chiqish, ushbu dasturning ahamiyati shuningdek, ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish sohaslarida xarajatlarni tejashning ilg'or usullarini taklif va xulosalarini berib, xarajatlarni optimallashtirishga harakat qilgan [3].

V.Yodgorov, D.Butunov "Uy-joy kommunal xo'jaligi iqtisodiyoti va boshqaruvi" nomli darsligida kommunal xo'jaligi tizimini predmeti, nazariy va amaliy masalalari, respublikamiz uy-joy kommunal xo'jaligi sohasining tashkiliy tuzulmasi hamda faoliyatining iqtisodiy mexanizmi ochib berilgan. Darslikda bozor iqtisodiyoti sharoitida respublikamizda uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida olib borilayotgan islohatlarning va tarkibiy o'zgarishlarning pirovart maqsadlarini yoritishga harakat qilingan [4].

S.N.Normurodov, D.X.Mirzabekov, X.I. Shaymuxamadiyeva, N.O.Odilova "O'zbekistonda uy-joy fondining rivojlanish tendensiyalari" nomli ilmiy maqolasida kommunal xizmatlar yaratish bo'g'ini bo'lmish kommunal xo'jaligini rivojlanish istiqbollari haqida fikrlar keltirilgan. Shuningdek, uy-joy kommunal xo'jaligi sohasidagi islohotlar, uy-joy kommunal xo'jaligi, kommunal xizmat ko'rsatish korxonalarida resurslarni tejash va kommunal xizmat hamda uy-joy fondiga oid tendensiyalar o'rganilib kerakli taklif va tavsiyalar berilgan [5].

3. TADQIQOT METODOLOGIYASI

Mazkur muammoni tadqiqotining bir qator usullardan foydalanish asosida o'rganilgan, jumladan, asosan xorijiy tajribalarni monografik tahlillar natijalarini monografik tadqiqot, analiz va sintez, tizimli tahlil, Simplex kabi iqtisodiy

usullar asosida o'rganilib, mamlakatimizda kommunal xizmat ko'rsatish korxonalarida xarajatlarni optimallashtirish bo'yicha ichki imkoniyatlarini ochib berishda ahamiyat kasb etgan.

4. TAHLIL VA NATIJALAR

Hozirgi davrda kommunal xizmat ko'rsatish korxonalar xarajatlarni kamaytirish strategiyasidan foydalanadilar, unda xodimlar: xarajatlarga ta'sir qiluvchi omillarni o'rganish; texnologik jarayonlarning standartlarga muvofiqligini tekshirish; optimal yukni hisoblash ishlab chiqarish ustaxonalari; ishdagi uzilishlar sabablarini aniqlash; kommunal xizmatlarni jo'natish yoki qabul qilish paytida nosozliklar mavjudligini nazorat qilish, aniqlash kabi metodlardan foydalanadilar. Shundan so'ng, xarajatlarni tahlil qilish va optimallashtirish ishlari olib boriladi va aniqlangan xarajatlarni kamaytirish dasturini belgilaydilar, keyin kommunal xizmat ko'rsatish korxonalar boshqaruvchilari uni ko'rib chiqadi [2], - degan fikrni ilgari suradi. Rus olimlari E.A.Petrova N.I.Budlyanskaya fikrlaridan kelib chiqib kommunal xizmat ko'rsatish sohasida xarajatlarni kamaytirishni bo'yicha iqtisodiy shart-sharoit bo'lishi talab etiladi.

Fikrimizcha, bunday shart-sharoitlar quyidagilardan iborat:

Birinchidan, kommunal xizmat ko'rsatuvchi korxonalarini kelgusida xarajatlarni kamaytirib borish strategik rejasini ishlab chiqish va amalga oshirish. Ushbu tadbirlar doirasida butun kommunal xizmat ko'rsatuvchi korxonalar uchun xarajatlarni kamaytirish mumkin bo'lgan tomonlarni aniqlab, har bir tarkibiy bo'linma bo'yicha esa sohadagi moliyaviy intizomni kuchaytirish rejasini ishlab chiqilib rejalashtirilgan bo'lishi lozim.

Ikkinchidan, xizmat ko'rsatish xarajatlarni me'yorlar asosida qat'iy intizomiga rioya qilish tizimini shakllantirish. Bunda kommunal xizmat ko'rsatuvchi korxonalar moliyaviy intizomga rioya etilishini ta'minlash bo'yicha choratadbirlar shakllantirishi lozim bo'lib, tasdiqlangan ma'lumotlarga qat'iy amal qiladigan reja

ishlab chiqiladi. Boshliq tomonidan qabul qilingan va budjetda belgilab qo'yilgan qarorlar faqat alohida hollarda buzilishi mumkin. Xususan, xarajatlarni kamaytirishni rejalashtirish vaqt bo'yicha bo'linadigan tadbirlar majmuini o'z ichiga oladi [6].

Uchunchidan, xarajatlarni kamaytirish bo'yicha doimiy monitoring o'tkazish. Xarajatlarni pasaytirish samaradorligini baholash uchun doimiy ravishda doimiy monitoring olib borish zarur, bu esa tegishli xarajatlarni kamaytirish uchun rejaga zarur tuzatishlar kiritish bilan mumkin bo'lgan yetishmovchiliklarni, texnologik yo'qotishlarni baholashga imkon beradi.

To'rtinchidan, kommunal xizmatlardan keladigan doimiy daromadlar va xarajatlar bilan asosiy monitoringni olib borish. Har qanday natija, shu jumladan salbiy, qo'shimcha xarajatlarni kamaytirish uchun ehtiyotkorlik bilan tekshirilishi kerak. Kommunalar xizmatlarni arzonlashtirilgan narxlarda sotishga majbur qildigan ishlab chiqarish yo'qotishlarini tahlil qilish kerak. Kamchiliklar, o'zgartirishlar va rad etishlar ham alohida e'tiborga olish lozimdir.

Raqamli iqtisodiyotga o'tish sharoitida mamlakatimizda kommunal xizmat ko'rsatuvchi subyektlarni xarajatlarni optimallashtirishning quyidagi usullarini ko'rib chiqish zarur bo'ladi:

- xarajat tashuvchilaridan foydalanish usuli;
- Pareto qonunini qo'llash;
- xarajatlarni taqqoslash;
- maqsadli xarajatlar va boshqalar.

Kommunal xizmat ko'rsatish tizimida xarajatlarni tashuvchilardan foydalanish usulida xarajatlar qiymatiga ta'sir qiluvchi sabablar, omillar bo'yicha yondoshuv bo'lib eng oddiy usullardan biri hisoblanadi. Ushbu usulda kommunal xizmat ko'rsatuvchi korxonalar xizmat ko'rsatish jarayonlari bo'yicha xarajatlarni tahlil qilish, boshqaruv qarorlarini asoslash xarajatlarni optimallashtirishga imkon beradi.

Kommunal xizmat ko'rsatish tizimida Pareto qonunining qo'llanilishi bo'yicha yondoshuvda muhim xarajatlar moddalari aniqlash lozim bo'lib unda sezilarli darajada xarajatlarni

tejash mumkin bo'ladi. Kommunal xizmat ko'rsatish effektining 80 foizini olish uchun eng katta ulushni (20 foiz) tashkil etadigan xarajat moddalarini aniqlash va optimallashtirish kifoya. Ya'ni, sezilarli darajada tejashga erishish uchun katta xarajatlarni qisqartirish zarur [7].

Yuqorida keltirilga usullardan tashqari kommunal xizmatlarda SSM usuli (qiymat zanjiri) dan ham foydalanish soha faoliyatida xarajatlarni tejab qolishga xizmat qiladi. Qiymat zanjiri usuli har qanday tashkilot uchun qiymatni yaratadigan, tarkibiy qismlarni yetkazib beruvchilar uchun xom ashyoning dastlabki manbalaridan tortib, oxirgi foydalanuvchiga yetkazib beriladigan tayyor mahsulotgacha bo'lgan faoliyatning izchil to'plamidir. Bu yerda asosiy e'tibor xizmat ko'rsatish korxonalarida sodir bo'layotgan jarayonlarga qaratilgan bo'lib, har bir tashkilot ushbu zanjirning bir qismidan biri sifatida xom ashyodan tortib to oxirgi iste'molchiga qadar qiymat yaratadigan faoliyatning umumiy zanjiri doirasida qaraladi [2]. Fikrimizcha, olib borilgan tadqiqotlarimiz davomida kommunal xizmat ko'rsatish tizimida faoliyat ko'rsatadigan korxonalarda SSM usuli (qiymat zanjiri) xarajatlari usulini qo'llash maqsadga muvofiq. Bunda xarajatlarni tejash kommunal xizmatlar ishlab chiqarish bosqichidan uni iste'molchiga yetib borguncha jarayonlarni o'z ichiga oladigan optimal qo'llaniladigan usuldir. Shuningdek, raqobatbardosh ustunliklarga erishish orqali xizmat ko'rsatish va umuman sohaning raqobatbardoshligini oshirish uchun strategiya ishlab chiqilgan taqdirda, qiymat zanjiri usuli eng yaxshisi bo'lib chiqadi. Shuningdek, respublikamizda aholiga kommunal xizmat ko'rsatish tizimida xarajatlarini kamaytirishga tasir etuvchi omillar ham mavjud bo'lib, ular xarajatlarni kamaytirish jarayoniga bevosita ta'sir qiladi. Ular quyidagilardan iborat:

- material sarf xarajatlarini tejash;
- kommunal xizmatlarni rivojlantirishda innovatsion yondashuvlarning zarurligi;
- kommunal xizmatlarni tartibga solish bo'yicha yagona tizimni shakllantirish;

- fuqarolarni (iste'molchilarni) kommunal xizmat bo'yicha madaniyatini shakllantirish;

- kommunal xizmatlar bo'yicha boshqa raqobatchilarning mavjudligi;

- kommunal xizmat turlari xarajatlarini shaffof, ochiq-oydin barcha fuqoralarga tushunarli holda bayon qilinishi;

- kommunal xizmatlarning hisoblashning yagona uslubini joriy qilish.

Aholiga kommunal xizmat ko'rsatish tizimi korxonalarining iste'mol bozoriga xizmatlarni yetkazib berishdagi eng muhim omillardan biri bu ishlab chiqarish xarajatlardir. Har qanday tovar va xizmatlarning ishlab chiqarish o'zining nisbatan kamyoblighi tufayli ma'lum bahosiga ega bo'lgan iqtisodiy resurslar xarajatini talab etadi.

Kommunal xizmat ko'rsatish korxonalar xarajatlari tushunchasi uchta muhim jihatga asoslanadi. Xarajatlar xizmatlar ishlab chiqarish va sotishda qancha hamda qanday mablag' sarf qilinishini aks ettiruvchi resurslardan foydalanish bilan belgilanadi. Ishlatilgan resurslar hajmi jismoniy va pul birliklarida ifodalanishi mumkin, ammo iqtisodiy hisob-kitoblarda xarajatlarning pul ifodasi qo'llaniladi [5].

Fikrimizcha, kommunal xizmat ko'rsatish xarajatlarni aniqlash har doim aniq maqsadlar, vazifalar bilan bog'liqdir, ya'ni, pul shaklida ishlatiladigan manbalar miqdori kommunal xizmat ko'rsatuvchi korxonaning ma'lum bir funksiyasi yoki ishlab chiqarish birligi uchun hisoblanadi. Kommunal xizmat ko'rsatuvchi korxonada xarajatlarni optimallashtirish eng avvalo uni boshqarishni to'g'ri tashkil etishni talab etadi. Bular quyidagilardan iborat:

- xarajatlarni boshqarishning rolini aniqlash va uni boshqarish natijasiga bog'lash;

- kommunal xizmat ko'rsatuvchi korxonaning xizmatlarni optimallashtirish va kamaytirish yo'nalishlarini ishlab chiqarish birliklari uchun xarajatlarni hisoblash;

- boshqaruv va biznes qarorlarini tanlash va qabul qilishda xarajatlarni baholashga imkon beradigan ma'lumot bazasini tayyorlash;

– xarajatlarni hisoblash va nazorat qilishning usullari va vositalaridan foydalanish o‘rnini olib borishga yo‘naltirish;

– kommunal xizmatlarni ishlab chiqarish jarayonining barcha bosqichlarida va kommunal xizmat ko‘rsatuvchi korxonaning barcha ishlab chiqarish bo‘linmalarida xarajatlarni kamaytirish uchun zaxiralarni qidirish;

– xarajatlarni me‘yorlash va boshqaruv natijasiga bog‘liqlikka yo‘naltirish;

– kommunal xizmat ko‘rsatuvchi korxonada sharoitlariga mos keladigan xarajatlarni boshqarish tizimini tanlash.

Tadqiqotlarimiz davomida aholiga kommunal xizmat ko‘rsatish tizimida xarajatlarni optimallashtirish bo‘yicha ustuvor yo‘nalishlarni ishlab chiqishni taqozo etmoqda va quyidagi ishlarni amalga oshirish maqsadga muvofiq:

– iqtisodiy nochor kommunal xizmat ko‘rsatuvchi korxonlarni moliyaviy sog‘lomlashtirish;

– kommunal xizmat ko‘rsatish tizimini texnik va texnologik jihatdan yangilash;

– tizimda faoliyat ko‘rsatadigan ishchi va xodimlarni malakasini zamon talablariga mos holda oshirish va malakali ishchi-xodimlar bilan ta‘minlash;

– aholiga kommunal xizmat ko‘rsatish tizimi korxonalarini iqtisodiy o‘rnatishining barqaror sur‘atlarini ta‘minlash.

Shuningdek, uy-joy kommunal xizmat ko‘rsatishni samarali tashkil etishda xarajatlarni optimallashtirish usullarini qo‘llash xizmat ko‘rsatish korxonasi faoliyat yuritadigan bozor konyukturasini inobatga olish talab etiladi. Raqobat kuchli bo‘lgan bozorlarda, masalan, axborot texnologiyalari bozorining eng yirik o‘yinчилari bo‘lgan Google, Amazon, Facebook kabi kompaniyalar muhim qarorlarni qabul qilishda simulyatsiya va meta evristika usullaridan foydalanishadi. Simulyatsiya usulida korxonada raqobatchilarni qabul qilishi mumkin bo‘lgan qarorlar, ya‘ni ma‘lum bir omillarning ta‘sirida bozor ishtirokchilarining ratsional qarorlarini inobatga olgan holda optimal qarorlar to‘plamini topishga qaratilgan.

Meta evristika usuli ko‘plab algoritmlarni o‘zida birlashtirgan holda ular orasidan eng

optimalini topishga qaratilgan. Umuman olganda, meta evristikani simulyatsiya va boshqa optimizatsiya usullarining gibridi deb hisoblash mumkin [8].

Yuqorida ta‘kidlab o‘tilgan optimizatsiya modellari, shubhasiz, bugungi kunda juda keng qo‘llaniladi. Ammo, ularning asosida hamon chiziqli dasturlash bazaviy algoritmlari yotadi. Masalan, Panning 2019 yilda yettita optimizatsiya usulini solishtirishi natijasida aralash chiziqli algoritmlar samaradorlik bo‘yicha eng yuqori natijaga erishganini aniqlagan [9].

Ushbu optimizatsiya modellarini xizmat ko‘rsatish sohasida faoliyat ko‘rsatayotgan subyektlar o‘rtasida qo‘llash, xarajatlarni oldindan aniqlash, tejash va maqbul yo‘nalishni belgilab olgan holatda tizim samaradorligini oshirishga xizmat qiladi. Tadqiqotlarimiz davomida biz faqat Qorasuv maskanida joylashgan ko‘p qavatli uy-joylarga kommunal xizmat ko‘rsatuvchi “Boshqaruv servis” kompaniyasi faoliyatini optimal rejalashtirishni maqsad qilganmiz, shundan kelib chiqqan holda tahlil usuli sifatida Simplex optimallashtirish usuli tanlandi. Simplex usulining asosiy mazmuni shundaki, bu usulda maqsad funksiyasining o‘zgaruvchilariga avvaliga tasodifiy qiymatlar beriladi va qaysidir o‘zgaruvchilarning o‘rnatish hisobiga maqsad funksiyasining maksimal qiymatga erishishi aniqlanadi.

Shunday qilib, olib borgan izlanishlarimiz natijasida xarajatlarni tejash resurslardan samarali foydalanishga erishish mumkin. Korxonada faoliyatida quyidagi natijaga erishildi:

Hal qiluvchi o‘zgaruvchi korxonada xizmatlar assortimenti:

x_1 — Santexnika xizmati;

x_2 — Elektr ta‘minot xizmati;

x_3 — Obodonlashtirish xizmati.

Qorasuv maskanidagi 104 ta ko‘p qavatli uy-joy fondiga xizmat ko‘rsatayotgan boshqaruv servis kompaniyasi kommunal xizmatlarini tashkil etishga ketadigan 1 soatlik xarajatlar:

1-jadval

Xizmatlar bo'yicha xarajatlar va mehnat sarfi [10].

| Xarajatlar va mehnat sarfi | Santexnika xizmatini ko'rsatish | Elektr ta'minot xizmatini ko'rsatish | Obodonlashtirish xizmatini ko'rsatish |
|--|---------------------------------|--------------------------------------|---------------------------------------|
| Ish vaqti(soat) | 8 | 8 | 8 |
| Ish haqi(1 soatga so'm) | 8250 | 8350 | 8800 |
| Sotish va amortizatsiya xarajatlari | 3230 | 3340 | 3520 |
| Bir xizmatdan 1 soatlik kutilayotgan foyda | 5820 | 5910 | 5280 |

Yuqoridagi jadval ma'lumotlari asosida bir nechta tengsizliklardan iborat sistema tuzish mumkin. Bunda korxonada resurslarini inobatga olgan holda quyidagi sistema ko'rinishga keladi:

$$\begin{aligned}
 8x + 8y + 8z &\geq 56 \\
 8x + 8y + 8z &\leq 216 \\
 8250x + 8350y + 8800z &\leq 200000 \\
 8250x + 8350y + 8800z &\geq 25666 \\
 3230x + 3340y + 3520z &\leq 70000
 \end{aligned}$$

$S = 5820 \cdot x + 5910 \cdot y + 5280 \cdot z \rightarrow \max$, bu bir kunlik foyda funksiyasi bo'lib, uni maksimallashtirish vazifasi qo'yildi.

Bu yerda x -ko'rsatilgan santexnika xizmati birlik, y -ko'rsatilgan elektr xizmati, birlik, z -ko'rsatilgan obodonlashtirish xizmati birlik.

Yuqoridagi tenglamalar sistemasining optimal yechimlarini topishda biz Simplex usulidan foydalandik. Simplex usulining algebraik ko'rinishi quyidagicha:

$$\begin{aligned}
 X &= (x_1, x_2, \dots, x_n)^T \in R^n \\
 A &= \begin{pmatrix} a_{11} & \dots & a_{1n} \\ \vdots & \ddots & \vdots \\ a_{m1} & \dots & a_{mn} \end{pmatrix} = (A_1, \dots, A_n) \\
 z = f(x) = cx &= \langle c, x \rangle = \sum_{j=1}^n c_j x_j \rightarrow \text{extr} \\
 \begin{cases} \sum_{j=1}^n a_{ij} x_j \leq b_i, i = 1 \dots r_1 \\ \sum_{j=1}^n a_{ij} x_j \geq b_i, i = 1 + r_1 \dots r_2 \\ \sum_{j=1}^n a_{ij} x_j = b_i, i = 1 + r_2 \dots m \end{cases}
 \end{aligned}$$

1-rasm. Simplex usulining algebraik ko'rinishi [10].

Bunda x — o'zgaruvchilar: masalan, xizmatlar assortimenti, A — har bir xizmatni yaratishga ketadigan xarajatlar miqdorlari matritsasi, Z — maqsad funksiyasi, ya'ni sof tushumni maksimalashtirish funksiyasi hisoblanadi.

Biz o'zimiz tuzgan $S = 5820 \cdot x + 5910 \cdot y + 5280 \cdot z$ maqsad funksiya-

sini MS Excel dasturining "Poisk recheniya" programmasi orqali optimal yechimini topdik.

Quyidagi jadvaldan Qorasuv maskanida joylashgan ko'p qavatli uy-joylarga Boshqaruv Servis kompaniyasi korxonasi 1 kunda maksimal 123750 so'm foydaga erishishi mumkin. Quyida Simplex usuli natijasi jadval ko'rinishida to'liq keltirilgan.

2-jadval

Simplex usuli asosida hisoblanishi [10].

| Xona | Nomi | Dastlabki qiymat | Yakuniy qiymat | | |
|-----------------------------|--|------------------|------------------------|----------------|--------|
| \$H\$14 | Bir xizmatga keladigan 1 kunlik foyda, jami 1 kunlik foyda | 123750 | 123750 | | |
| Xona | Nomi | Qiymatli xona | Formula | Holati | Qo'yim |
| \$H\$10 | Ish vaqti(soat) foydalaniladi | 168 | $\$H\$10 \leq \$M\10 | Bog'lan maslik | 48 |
| \$H\$10 | Ish vaqti(soat) foydalaniladi | 168 | $\$H\$10 \geq \$J\10 | Bog'lan maslik | 112 |
| \$H\$11 | Ish haqi(1 soatga so'm) foydalaniladi | 174950 | $\$H\$11 \leq \$J\11 | Bog'lan maslik | 25050 |
| \$H\$12 | Sotish va amortizatsiya xarajatlari foydalaniladi | 69700 | $\$H\$12 \leq \$J\12 | Bog'lan maslik | 300 |
| \$M\$11 | \geq | 25666,67 | $\$M\$11 \geq \$M\11 | Bog'lanish | 0 |
| \$E\$7:\$G\$7 =Butun son | | | | | |


3-jadval

Olingan natijalar bo'yicha Simplex usuli natijasi [10]

| O'zgaruvchilar | Santexnika xizmati birlik | Elektr ta' minot xizmati, birlik | Obodonlashtirish xizmati, birlik | | | | | |
|--|---------------------------|----------------------------------|----------------------------------|------------------------------------|--------------------|------------------------------|--------------------|-----------------------------|
| | 4 | 17 | 0 | | | | | |
| Xarajatlar | | | | 1 kunda foydalaniladigan resurslar | Tengsizlik belgisi | Resurslar maksimal chegarasi | Tengsizlik belgisi | Resurslar minimal chegarasi |
| 1-kun/ish vaqti (soat) | 8 | 8 | 8 | 168 | \leq | 216 | \geq | 56 |
| 1-kun/ ish haqi (1- soat/so'm) | 8250 | 8350 | 8800 | 174950 | \leq | 200000 | \geq | 25666 |
| 1 kunlik sotish va amortizatsiya xarajatlari, so'm | 3230 | 3340 | 3520 | 69700 | \leq | 70000 | | |
| Jami 1 kunlik foyda | | | | | | | | |
| Bir xizmatga keladigan 1-kun/ foyda | 5820 | 5910 | 5280 | 123750 | | | | |

Jadvalga ko‘ra, Qorasuv maskanida joylashgan ko‘p qavatli uy-joylarga Boshqaruv Servis kompaniyasi korxonasi 1 kunda 4 marta san-texnika va 17 marta elektrik xizmatini ko‘rsatsa hamda obodonlashtirish xizmatlarini umuman ko‘rsatmasa maksimal foyda 123750 foydaga erishadi.

Fikrimizcha, yuqorida keltirilgan ustuvor yo‘nalishlar va optimallashtirish usulini inobatga olgan holda kommunal xizmat ko‘rsatish tizimida xarajatlarni optimallashtirish bo‘yicha quyidagi ustuvor yo‘nalishlardan iborat bo‘lishi lozim (2-rasm).



2-rasm. Aholiga kommunal xizmat ko‘rsatish tizimida xarajatlarni optimallashtirishning ustuvor yo‘nalishlari [10].

5. XULOSA VA TAKLIFLAR

Fikrimizcha, kommunal xizmat ko‘rsatish tizimida faoliyat ko‘rsatayotgan korxonalar faoliyatini xarajatlarini optimallashtirish bo‘yicha quyidagi taklif va tavsiyalarni e‘tiborga olish maqsadga muvofiq:

- birinchidan, kommunal xizmat ko‘rsatish tizimini modernizatsiyalash va xizmatlar sifatini yaxshilash;
- ikkinchidan, mavjud barcha resurslar va ichki imkoniyatlardan foydalanish hisobiga kommunal xizmatlar xarajatlarini 20 %gacha kamaytirish;
- uchinchidan, kommunal xizmatlar bilan bog‘liq energiya resurslari narxining o‘shirish darajasini 6-8%dan oshirmaslik;
- to‘rtinchidan, kommunal xizmat ko‘rsatish tizimida faoliyat ko‘rsatadigan korxo-

nalar imtiyozli kredit resurslari asosida qo‘llab-quvvatlash;

- beshinchidan, kommunal xizmat ko‘rsatuvchi korxonalarda Simplex optimallashtirish usulini qo‘llash orqali xarajatlarni tejash.

Bizningcha, ishlab chiqarish xarajatlarini optimallashtirish kommunal xizmat ko‘rsatish sohasida faoliyat ko‘rsatadigan subyektlarga ham tegishli bo‘lib xarajatlarni tejashda ulardan oqilona foydalanish muhim hisoblanadi. Shu bilan birgalikda kommunal xizmatlarni tejashning optimal yo‘llaridan biri tizimni modernizatsiya qilish orqali erishish mumkin. Bu uchun sohaga investitsiyalarni samarali yo‘naltirish, kommunal xizmatlarni ishlab chiqishda ularni boshqarish shuningdek, raqamli iqtisodiyotga o‘tish sharoitida tizimni raqamli ko‘rinishga keltirish orqali xizmatlarni ishlab chiqarishda xarajatlarni tejashga erishish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoev "2022—2026 yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to'g'risida" PF-60-son Farmoni. Toshkent sh., 2022 yil 28 yanvar, www.lex.uz
2. Петрова Е.А., Будлянская Н.И. Оптимизация затрат на предприятии (на примере ооо "Хабаровский судостроительный завод") Science Time. 2015. № 4 (16). С. 611-615.
3. Н.Н.Макрушина "Оптимизация затрат на предприятии" <https://cyberleninka.ru/article/n/optimizatsiya-zatrat-na-predpriyatii/viewer>
4. В.Ёдгаров, Д.Бутунов "Уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви" Дарслик.Тошкент. "Ношир" нашриёти. 2012 йил, 88-бет.
5. Lu, Xiaoshan, Jian Li, and Fengmei Yang. Analyses of location-price game on networks with stochastic customer behave orandit sheuristic algorithm. Journalof Systems Scienceand Complexity 2010. 23: 701–14
6. А.И.Нифонтов, О.П.Тюфякова "Формирование бюджетов филиалов-шахт угольной компании" Новокузнецк, 2005. 44 с.
7. В.У.Ходиев, Ш.Ш.Шодмонов Iqtisodiyot nazariyasi. (Darslik).-Т.: "Barkamol fayz media", 2017, 356 bet
8. Dunke, Fabian, and Stefan Nickel. 2017. Evaluating the quality of online optimization algorithms by discrete event simulation. Central European Journal of Operations Research 25: P. 38–58
9. Pan, Quan-Ke, Liang Gao ,Li Xin-Yu and Framinan M. Effective constructive heuristic sandmeta-heuristics for the distribute dassembly permutation flow shop scheduling problem. Applied Soft Computing 81: 105492. Jose. 2019
10. S.N.Normurodov, D.X.Mirzabikov, X.I.Shaymumamadieva, N.O.Odilova "O'zbekistonda uy-joy fondining rivojlanish tendensiyalari" "DEVELOPMENT ISSUES OF INNOVATIVE ECONOMY IN THE AGRICULTURAL SECTOR" International scientific-practical conference on March 25-26, 2021.

UDK: 338.48

**ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ МЕРОС
БОЙЛИКЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ
ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

Самаров Хонкул Қаҳҳарович - Самарқанд шаҳридаги Регистан ансамбли директори,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти тадқиқотчиси

**ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ
РЕСУРСОВ НАЦИОНАЛЬНОГО НАСЛЕДИЯ В РАЗВИТИИ
МЕЖДУНАРОДНОГО ТУРИЗМА И ПУТИ ИХ ОПРЕДЕЛЕНИЯ**

Самаров Ханкул Каххарович - Директор ансамбля Регистан в Самарканде, исследователь
Самаркандского института экономики и сервиса

**FACTORS AFFECTING THE EFFECTIVE USE OF NATIONAL HERITAGE
RESOURCES IN THE DEVELOPMENT OF INTERNATIONAL TOURISM
AND WAYS OF THEIR DETERMINATION**

Samarov Khankul Qahharovich - Director of Registan Ensemble in Samarkand, researcher of
Samarkand Institute of Economy and Service

Аннотация. Мақолада мамлакатимизда халқаро туризмни ривожлантиришда миллий мерос бойликларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ омиллар ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш йўлларини иқтисодий таҳлилнинг мултипликатив моделидан фойдаланган ҳолда тадқиқ қилиш натижасида ушбу омиллар тизими илк бор ишлаб чиқилди ва илмий жиҳатдан асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятлари ҳам кўрсатиб берилган. Ушбу натижани яхшилаш учун бир қанча тавсиялар ҳам ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: туризм, халқаро туризм, омиллар, омилли таҳлил, маданий мерос, маданий мерос объектлари, ички туризм, маҳаллий туристлар, хорижий туристлар.

Аннотация. В статье в результате исследования факторов, связанных с эффективным использованием ресурсов национального наследия в развитии международного туризма в нашей стране и способов расчета их влияния с использованием мультипликативной модели экономического анализа, была выделена данная система

факторов, впервые разработаны, а также показаны возможности принятия научно обоснованных управленческих решений. Также было разработано несколько рекомендаций для улучшения этого результата

Ключевые слова: туризм, международный туризм, факторы, факторный анализ, культурное наследие, объекты культурного наследия, внутренний туризм, внутренние туристы, иностранные туристы.

Annotation. In the article, as a result of researching the factors related to the effective use of national heritage resources in the development of international tourism in our country and ways of calculating their impact using the multiplicative model of economic analysis, this system of factors was developed for the first time and the possibilities of making scientifically based management decisions were also shown. Several recommendations have also been developed to improve this result.

Keywords: tourism, international tourism, factors, factor analysis, cultural heritage, cultural heritage objects, domestic tourism, domestic tourists, foreign tourists

1. КИРИШ

Мамлакатимизда туризм соҳаси давлатимизнинг доимий эътиборида. Чунки туризм иқтисодийнинг драйвери ҳисобланади. Шу туфайли Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни иккинчи марта бутунлай янги таҳрирда қабул қилинди. Ушбу қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 16 апрелда қабул қилинган бўлса, Сенат томонидан 2019 йил 21 июнда мажлисида маъқулланган. (ЎРҚ-549-сонли қонун). Бун Президентимиз 2019 йил 18 июлда имзолаган. Шунингдек, мазкур соҳага Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 2022 йил 20 декабрдаги Мурожаатномасида ҳам алоҳида аҳамият берилган. Ушбу мурожаатномада “Самарқанд шаҳри дунё танийдиган мегаполисга, халқаро туризм ва бизнес марказига айланмоқда”, деб алоҳида таъкидлади. Булардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 октябрда имзоланган “Туризм, маданий мерос ва музей-шунослик соҳаларида малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори ҳам қабул қилинган. Кўриниб турибдики, туризм соҳаси алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

2. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Туризм соҳаси ва унинг таркибий қисми бўлган маданий мерос туризми билан мамлакатимизнинг бир қанча олимлари шу-

ғулланиб келмоқдалар. Булар жумласига К.Х.Абдурахманов [11], Н.Тухлиев [9], И.С.Тухлиев [7, 8, 10], М.Қ.Пардаев [4, 5, 6], Р.Ҳайтбаев [7, 10], А.Н.Норчаев [12], Б.Х.Тураев [13], С.А.Абдухамидов [8], Т.Абдуллаева [9] кабиларни киритиш мумкин. Аммо халқаро туризмни ривожлантиришда миллий мерос бойликларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари деярли қараб чиқилмаган. Фақат натижа кўрсаткичларига таъсир қилувчи омилли таҳлил масалалари М.Қ.Пардаевнинг [4, 6] асарларида ўз аксини топган.

3. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Туризмни ривожлантиришда миллий маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш масалаларини тадқиқ қилиш жараёнида индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез, иқтисодий таҳлилнинг мултипликатив модели, занжирли алмаштириш ва индекс усуллари кабилардан ва ёндашувлардан фойдаланилган. Бунда асосан мантикий таҳлил усуллари ҳам қўлланилган.

4. ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Энг аввало миллий маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш даражасини (Мм) аниқлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун маданий мерос объектларини томоша қилиш учун ташриф буюрган туристлардан тушган маблағларни (Пм) ташриф буюрган туристлар сонига (Тс) бўлиш йўли билан аниқланади. Бу қуйидагича ҳисобланади:

$$M_m = P_m / T_c ;$$

Тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатдики, ушбу кўрсаткичнинг ўзгаришига бир қанча (5 та) омиллар таъсир қилиши аниқланди. Буларга қуйидагилар киради:

1) фаолият кўрсатаётган маданий мерос объектларига тўғри келадиган ўртача пул маблағлари (**Z1**).

2) фаолият кўрсатаётган маданий мерос объектларининг умумий маданий мерос объектларидаги ҳиссаси (**Z2**).

3) маданий мерос объектлари умумий сонининг бир мингта хорижий туристларга тўғри келиши (**Z3**).

4) хорижий туристларнинг маҳаллий туристларга нисбати (**Z4**).

5) маҳаллий туристларнинг барча ташриф буюрган туристлардаги ҳиссаси (**Z5**)

$$Z1_x * Z2_x * Z3_x * Z4_x - Z5_x$$

$$I_{mm} = \frac{\dots}{Z1_p * Z2_p * Z3_p * Z4_p - Z5_p} ;$$

$$Z1_p * Z2_p * Z3_p * Z4_p - Z5_p$$

Занжирли алмаштириш усулида:

$$\Delta M_m = (Z1_h * Z2_h * Z3_h * Z4_h * Z5_h) - (Z1_z * Z2_z * Z3_z * Z4_z * Z5_z);$$

Натижа, яъни маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш даражасининг (**I_{mmz1}**) ўзгаришига биринчи омилнинг, яъни фаолият кўрсатаётган маданий мерос

Ушбу омилларнинг ўзаро боғлиқлигани аниқлаш учун иқтисодий таҳлилнинг мультипликатив моделидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламихз:

$$M_m = Z1 * Z2 * Z3 * Z4 - Z5 ;$$

Ушбу натижага таъсир қилувчи бешта омилларнинг таъсирини иқтисодий таҳлилнинг бир қанча усуллари билан аниқлаш мумкин. Биз натижа билан омилларнинг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқиб, индекс ва занжирли алмаштириш усулларида фойдаланишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидагича аниқланади: индекс усулида:

$$Z1_x * Z2_p * Z3_p * Z4_p - Z5_p$$

$$I_{mmz1} = \frac{\dots}{Z1_p * Z2_p * Z3_p * Z4_p - Z5_p} ;$$

$$Z1_p * Z2_p * Z3_p * Z4_p - Z5_p$$

Натижа ўзгаришига ушбу биринчи омилнинг таъсирини занжирли алмаштириш усулида (**ΔM_{mz1}**) қуйидагича аниқланади:

$$\Delta M_{mz1} = (Z1_h * Z2_z * Z3_z * Z4_z * Z5_z) - (Z1_z * Z2_z * Z3_z * Z4_z * Z5_z);$$

Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг, яъни фаолият кўрсатаётган маданий мерос объектларининг умумий маданий мерос

объектларига тўғри келадиган ўртача пул маблағлари таъсирини индекс учулида қуйидагича аниқланади:

$$Z1_x * Z2_x * Z3_p * Z4_p - Z5_p$$

$$I_{mmz2} = \frac{\dots}{Z1_x * Z2_p * Z3_p * Z4_p - Z5_p} ;$$

$$Z1_x * Z2_p * Z3_p * Z4_p - Z5_p$$

Натижа ўзгаришига иккинчи омилнинг таъсири занжирли алмаштириш учулида (ΔM_{mZ2}) куйидагича аниқланади:

$$\Delta M_{mZ2} = (Z1_h * Z2_h * Z3_z * Z4_z * Z5_z) - (Z1_h * Z2_z * Z3_z * Z4_z * Z5_z);$$

Натижа ўзгаришига учинчи омилнинг, тўғри келишининг таъсири индекс учулида яъни маданий мерос объектлари умумий (Иммз3) куйидагича аниқланади: сонининг бир мингта хорижий туристларга

$$I_{mmz3} = \frac{Z1_x * Z2_x * Z3_x * Z4_p - Z5_p}{Z1_x * Z2_x * Z3_p * Z4_p - Z5_p};$$

Натижа ўзгаришига учинчи омилнинг таъсири занжирли алмаштириш учулида (ΔM_{mZ3}) куйидагича аниқланади:

$$\Delta M_{mZ3} = (Z1_h * Z2_h * Z3_h * Z4_z * Z5_z) - (Z1_h * Z2_h * Z3_z * Z4_z * Z5_z);$$

Натижа ўзгаришига тўртинчи омилнинг, яъни хорижий туристларнинг маҳаллий туристларга нисбатининг таъсирини индекс учулида (Иммз4) куйидагича аниқланади

$$I_{mmz4} = \frac{Z1_x * Z2_x * Z3_x * Z4_x - Z5_p}{Z1_x * Z2_x * Z3_x * Z4_p - Z5_p};$$

Натижа ўзгаришига тўртинчи омилнинг таъсири занжирли алмаштириш учулида (ΔM_{mZ4}) куйидагича аниқланади:

$$\Delta M_{mZ4} = (Z1_h * Z2_h * Z3_h * Z4_h * Z5_z) - (Z1_h * Z2_h * Z3_h * Z4_z * Z5_z);$$

Натижа ўзгаришига бешинчи омилнинг таъсири, яъни маҳаллий туристларнинг барча ташриф буюрган туристлардаги ҳиссаси индекс учулида (Иммз5) куйидагича аниқланади:

$$I_{mmz5} = \frac{Z1_x * Z2_x * Z3_x * Z4_x - Z5_x}{Z1_x * Z2_x * Z3_x * Z4_x - Z5_p};$$

Ушбу бешинчи омилнинг таъсири занжирли алмаштириш усулида (ΔM_{mZ5}) куйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

$$\Delta M_{mZ5} = (Z1_h * Z2_h * Z3_h * Z4_h * Z5_h) - (Z1_h * Z2_h * Z3_h * Z4_h * Z5_z);$$

Натижанинг индекси барча омиллар индексининг кўпайтмасига тенга бўлади. Бу куйидагича ҳисобланади:

$$I_{mm} = I_{mmz1} * I_{mmz2} * I_{mmz3} * I_{mmz4} * I_{mmz5};$$

Натижа ўзгаришига барча омилларнинг таъсирини куйидагича аниқлаш мумкин. Бу куйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta M_m = \Delta M_{mz1} \pm \Delta M_{mz2} \pm \Delta M_{mz3} \pm \Delta M_{mz4} \pm \Delta M_{mz5};$$

Натижа кўрсаткичининг ўзгаришига омиллар таъсирини занжирли алмаштириш ва индекс усулларида ҳам ҳисоб-китоблар тўғри амалга оширилган бўлса, барча омил-

лар таъсири натижанинг умумий фаркига тенг бўлади. Ушбу натижага эришиш учун куйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (1-жадвал).

1-жадвал

Самарқанд вилоятида миллий маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш даражаси ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг 2021-2022 йиллардаги ҳисоб-китоби³⁶

| Т/р | Кўрсаткичлар | 2021 йил | 2022 йил | Фарқи (+,-) | Ўсиш суръати, % |
|-----|---|-----------|-----------|-------------|-----------------|
| 1. | Фаолият кўрсатаётган маданий мерос объектларидан тушган пул маблағлари, минг сўм | 1271598,2 | 2256196,8 | +1084598,6 | 177,4 |
| 2. | Фаолият кўрсатаётган маданий мерос объектлари сони, та | 482 | 493 | +11 | 102,3 |
| 3. | Умумий маданий мерос объектлари сони, та | 572 | 581 | +9 | 101,6 |
| 4. | Ташриф буюрган хорижий туристлар сони, минг киши | 612,0 | 1204,0 | +592 | 196,7 |
| 5. | Ташриф буюрган маҳаллий туристлар сони, минг киши | 2943,4 | 4247,0 | +1303,6 | 144,3 |
| 6. | Ташриф буюрган туристларнинг умумий сони, минг киши | 3555,4 | 5451,0 | +1895,6 | 153,3 |
| 7. | Фаолият кўрсатаётган маданий мерос объектларига тўғри келадиган ўртacha пул маблағлари (Z1). (1к/2к) | 2638,17 | 4530,52 | +1892,35 | 171,7 |
| 8. | Фаолият кўрсатаётган маданий мерос объектларининг умумий маданий мерос объектларидаги ҳиссаси (Z2). (2к/3к) | 0,844 | 0,849 | 0,006 | 100,7 |
| 9. | Маданий мерос объектлари умумий сонининг бир мингта хорижий туристларга тўғри келиши (Z3). (3к/4к) | 0,927 | 0,483 | -0,444 | 52,1 |
| 10. | Хорижий туристларнинг маҳаллий туристларга нисбати (Z4). (4к/5к) | 0,209 | 0,286 | +0,076 | 136,5 |
| 11. | Маҳаллий туристларнинг барча ташриф буюрган туристлардаги ҳиссаси (Z5) (5к/6к) | 0,829 | 0,779 | -0,049 | 94,1 |
| 12. | Маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш даражаси (Мм) (1к/6к) ёки (7к*8к*9к*10к*11к) | 357,6 | 413,9 | +56,3 | 115,7 |

³⁶ Самарқанд вилоятида миллий маданий мерос объектлари агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Мазкур жадвал маълумотларидан кўри-
ниб турибдики, маданий мерос объект-
ларидан самарали фойдаланиш даражаси
56,3 млн. сўмга ошган. Бу ўз-ўзидан содир
бўлган эмас. Ушбу натижа фаолият кўрса-
таётган маданий мерос объектларидан туш-
ган пул маблағларининг 1084598,6 минг
сўмга ошганлиги билан боғлиқ. Шунингдек,
фаолият кўрсатаётган маданий мерос объект-
лари сони ҳам ҳисобот йилида 11 тага
кўпайди. Шу даврда умумий маданий мерос
объектлари сони 9 тага кўпайган. Муҳими
ташриф буюрган хорижий туристлар сони
шу даврда 592 минг кишига кўпайган бўлса,
ташриф буюрган маҳаллий туристлар сони
